

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

ТЕМИРОВА ДИЛДОРА

ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИДА СИЁСИЙ
ПАРТИЯЛАР
(1917 йил февраль -1929 йиллар)

Мутахассислик: 5А 220201 - “Ўзбекистон тарихи”

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Иш қўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди.
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси
мудири,
доцент, т.ф.н. М.АБДУЛАЕВ

Илмий раҳбар:
доцент, тарих фанлари номзоди
Э.Ю.ЮСУПОВ

АНДИЖОН – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-17
--------------------	------

1-БОБ. ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ СИЁСИЙЛАШУВИ: ЖАМИЯТ, ТАШКИЛОТ ВА ПАРТИЯЛАР

(1917 февраль 1920 йй.)	18-38
1.1. Миллий озодлик ҳаракати негизида сиёсий жамиятлар ва партиявий уюшмаларнинг юзага келиши.	18-22
1.2. Мухториятчилик ҳаракатида милл ий истиқлол ғояси ва мафкураси.	23-30
1.3. Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар партиялари сиёсий фаолиятидан.	31-38

II-БОБ. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР (1920-1929 йй.).39-106

2.1. Мунаввар Қори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги яширин ташкилотлар мустамлакачилик сиёсатига қарши курашда.	39-47
2.2. Миллий муҳолифат ҳаракати ва "Туркистон Миллий Бирлиги" яширин ташкилоти.	47-59
2.3. Сиёсий партияларнинг тақдири.	59-60
2.4. Водийдаги махфий сиёсий ташкилотлар.	69-76

ХУЛОСА	77-79
---------------------	-------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	80-89
---	-------

ИЛОВАЛАР	90-106
-----------------------	--------

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги. Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса, сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади”,¹ деб қайд этган эди мухтарам Президентимиз.

Ўзбекистонда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш. мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлди. Қабул қилинган ушбу ҳуқуқий механизмлар сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтирди.

2009 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлов якунларига кўра Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан 150 нафар депутат сайланди. Конституциявий қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфога чиқариш, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларига эса вилоят ҳокимларини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқининг берилиши ҳам мутлақо муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганидан далолат беради.

Ҳозирги кунда республикамызда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни кетаётган шароитда бу борадаги тарихий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўринли таъкидлаганларидек, “Кўп партиялилиқ аввало жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тулиқ акс эттириш учун керак”.²

Тарихимизга миллий ўзлигимизни англаш туйғуси билан қарашимиз лозимлиги, ўз навбатида, ватан тарихида миллий истиқлол учун курашган сиёсий ҳаракатлар ва партиялар тарихини ўрганишни тақозо этади.

Ўтган аср бошларида Туркистон жамиятида сиёсий мақсадлар сари интилиш яққол намоён бўлди: маърифатпарварликдан аста секин сиёсий ҳаракатлар етакчисига айланган зиёлиларнинг янги бир авлоди бунёдга келди. Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби жадиdlаримизнинг ғоялари халқимизни маърифатли қилиш, ўзлигини англашга тайёрлаш ва шу йўл билан миллий озодликка эришишини таъминлашдан иборат эди. Уларнинг ижодида, сиёсий фаолиятида миллий мафкурамызнинг илдиз ота бошлаганини аниқ кўрамыз.

Жадидчилик ҳаракати ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида 1915 йилдан бошлаб маърифатчиликдан сиёсатга қараб йўл тутди.³ Бу ҳаракат ўзининг турли даврлардаги тараққиёт босқичларида бир қатор сиёсий кучлар большевиклар, кадетлар, эсерлар билан ҳамкорлик қилди. Бундай кураш услуби ҳозирги даврда жаҳоншумул аҳамият

¹ Каримов И. Юксак маънавият –енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, Б.49

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз –жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т., Ўзбекистон, 2005,Б.12

³ Алимова Д.А. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик // Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар Т., Фан 1997 Б. 43

касб этмоқда. Туркистон зиёлиларининг "ислохотчилик" фаолияти замоннинг долзарб муаммолари билан узвий боғлиқликда ўрганилиши лозим.

Жадидчилик маърифий ҳаракатдан сиёсий ҳаракатга айланди, у ташкилий жиҳатдан шаклланди. Ўлка мусулмонлар шўроси (Ўлкамусшўро) тузилди. Бу даврда "Турк адами марказият федералист фирқаси", "Иттифоқи муслимин" сиёсий партиялари Туркистон мухторияти учун, унинг демократик тарзда қайта қурилиши учун курашни, бунда парламент тизимининг европача шаклини қарор топтиришни мақсад қилиб қўйганлар ва уни уддалай олганлар.

Ўзбек халқининг бу илғор зиёлилари Туркистондаги идора усули, демократия, бошқарув шакллари, давлатчилик назарияси ва амалиёти билан фаол шуғулландилар. Ёш бухороликлар ва Ёш хоразмликлар партиялари, "Шўрои Исломия", "Турон", "Миллий истиқлол", "Туркистон Миллий Бирлиги" ва бошқа сиёсий жамиятларнинг дастурларида давлатчилик, халқ ҳокимияти масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бирок большевиклар томонидан миллий озодлик ҳаракати қувғин ва сиёсий партиялар қатағон қилинди, натижада миллат ватанпарварлари қирилиб кетди.

Бугунги шароитда миллий мустақиллик учун курашган сиёсий партия ва уюшмаларнинг сиёсий фаолияти, халқ хоҳиш-иродасини ифодалаш, миллий давлатчилик учун курашда орттирган бой тажрибасининг ўрни ва роли ҳақидаги илмий муаммо миллий тарихшунослигимизда муҳим аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаммонинг тарихшунослик таҳлили шундан далолат берадики, 1917-1929 йилларда мустақиллик учун курашган муҳолифатдаги сиёсий партияларнинг ўрни партия қурилиши аспектида Ватан тарихшунослигида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Умуман сиёсий партиялар тарихи ҳамда муҳолифат ҳаракати мавзуси дастлаб хорижлик тадқиқотчилар томонидан ўрганила бошланди.¹ Бу ўринда, айниқса туркистонлик муҳожирларнинг шаҳодатлари қимматлидир.

Совет тарихшунослигида узоқ вақт мобайнида жадидчилик "реакцион" сиёсий оқим сифатида кўрсатилди. Фақат мустақиллик шарт-шароитларида ватанимиз олимларининг саъй ҳаракатлари билан бу масалага тубдан янгича ёндашувлар қарор топди.

Ўрганилаётган даврда жадид зиёлилар фаолиятида сиёсий ҳаётнинг механизмини танқид қилиш, ривожланган Европа мамлакатларида юзага келган демократик сиёсий-ҳуқуқий институт ва тартибларга қизиқиш кучаяди. "Хусусан улар, — деб таъкидлайди ҳуқуқшунос Д.Тошқулов, — парламентар монархия ва бошқарувнинг республика шакли, президентлик ҳокимияти, демократик ҳуқуқлар ва фуқаролар эркинликлари ҳақида, фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришдаги, давлат органларини шакллантиришдаги, қонун яратувчилик ишидаги иштироки шакллари ҳақида ёзишган".²

Тарихшунослик таҳлили хулосаларининг кўрсатишича, ҳозирги пайтга келиб бу борада заифроқ ёритилган масалалар мавжудки, буларга янги сиёсий шароитларда Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси миллий ўзлигини англашининг ўсиши муаммолари, миллий зиёлилар, сиёсий партияларнинг давлат мустақиллигига эришиш борасидаги ўзига хос йўллари концептуал идрок этишлари, бу жараёнда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли каби масалалар киради.

Совет даврида яратилган тадқиқотларда февралдан янги жараён, инқилобий янгиланиш Россия ва ўлкадаги маҳаллий европаликларнинг сиёсий ҳаракатлари билангина боғлиқ, деб қатъий таъкидлаб келинди. Тадқиқотларда 1917 йил март

¹ **Cokay M.** Turkistonda con terror mesullari //Yash Turkistan. 1935. -64 s.; **A.Z.V.Togan** "Bugunku Turk ili Turkistan ve yakin tarihi" Istanbul: 1981. -134 s.; **Oktay.** Turkistanda yashirin milli uyushmalari. //Yash Turkistan. 1936. -75 s.; **Yassavi S.** Turkistan acciq haqiqatlari, 2-baski. -Istanbul: 1984. -234 s.; **Dr.Baymirza Hayit.** "BASMALILAR" Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917-1934) –Ankara: 1997. -644 s.

² Тошқулов Д. Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX –первой четверти XX вв. Автореф.дисс.докт.юр.наук. Ташкент, 1995, Б.25

кунларида мусулмон аҳолисининг сиёсий ҳаракати ҳақида айрим маълумотларгина келтирилади, миллий зиёлиларнинг ватанпарварлик фаолияти бузиб кўрсатилади, уларнинг маҳаллий аҳолини мустамлакачиликнинг салтанат тузилмаларига қарши кураши, мусулмон сиёсий ташкилотларининг миллий уйғонишдаги сафарбарлик роли камситилади.¹

Совет тарихшунослигида Туркистонда социалистик ғоялар “меҳнаткаш мусулмонлар” орасида гўёки қисқа муддатда кенг равишда қўллаб-қувватланган деган фикр учрайди.² Бироқ бугунги кунда шу нарса аёнки, социалистик қоидалар маҳаллий аҳоли онгига қарийб етиб бормаган, социализмни Туркистон мусулмонларига сингдириш совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг кучли мафкуравий тазйиқ остида олиб борилди.

Мустақиллик йилларида ўлка халқларининг озодлик ва мустақиллик учун олиб борган кўп асрлик кураши тарихи, шу жумладан, миллий озодлик кураши мафкурасининг ҳозирги давлат мустақиллигига замин ҳозирлаган омил сифатида шаклланиши тарихи чуқур ва ҳар томонлама ёритиб берилди. Мазкур муаммонинг ўзига хос аспектларидан бири Ўзбекистоннинг XIX аср охири - XX аср бошларидаги тарихи бўлиб, ушбу даврни ижтимоий-сиёсий оқимларнинг, хусусан, ўлканинг илғор миллий зиёлилари ҳаракати - жаҳидчиликнинг генезиси ва эволюциясини объектив ўрганмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳозирга қадар бу борада мавжуд адабиётларни биз шартли равишда уч гуруҳга бўлиб ўргандик: Россия империяси ҳукумронлиги даврида эълон қилинган ишлар, совет мустақил тузуми даврида яратилган тадқиқотлар, мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга оид ишлардаги хос асосий хусусиятлар шундан иборатки, уларнинг муаллифлари мазкур жараёнлар юз берган даврда яшаган кишилар бўлиб, уларни ўз кўзлари билан кўрган, уларда иштирок этган тирик гувоҳлардир. Бу ишлар XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиёда юз берган тарихий воқеалар билан изма-из яратилган. Улар қаторига И.Гаспринский, М.Бехбудий, Мунаввар Қори, А.Авлоний, А.Фитрат, шунингдек Н.П.Остроумов, С.М.Духовской ва бошқаларнинг асарлари киради³.

Узоқ йиллар давомида жаҳидчилик ҳаракати тарихи совет тарихшунослигида бир ёклама, негатив нуқтаи назардан ёритиб келинди. Совет даврида мавжуд бўлган мафкуравий ва маъмурий назорат тадқиқотчиларга ўз ижодий тафаккурини тўлиқ намоён этиш имконини бермас, юз берган воқеалар партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридан ёритилар эди. Айнан шунинг учун аксарият муаллифлар миллий тараққийпарварларнинг нашрлари ва асарларини эътибордан соқит қилган ҳолда ушбу ҳаракатнинг "консервативлиги", "майда буржуа" характерга эга эканлиги ҳақида асоссиз хулосалар чиқардилар. Шунга қарамадан кўп сонли манбалар илмий истеъмолга киритилди, фактик материал тўпланди ва агар ушбу материал танқидий идрок этиладиган бўлса у ҳаққоний тарихни тиклашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

20-йилларда Туркистондаги жаҳидчилик ҳаракатининг вужудга келиши жараёнларини холис таҳлил қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Г.Сафаров ўзининг "Мустамлака инқилоби" номли асарида жаҳидчиликни мусулмонлар ўртасида миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш мафкурасининг асосий устуворликларининг шаклланишига хизмат қилган "прогрессив-миллий ҳаракат" сифатида баҳолайди.⁴

¹ Қаранг: История Узбекской ССР в 4-х томах. Иноятов Х.Ш., Житов К.Е., Аминова Р.Х. и др.-Ташкент: Фан, 1967, Т.III; История Узбекской ССР, В 4-х томах. /Отв.ред.Р.Х.Аминова. Ташкент, 1968, Т.IV; Ғуломов Я.Ғ., Набиев Р.Н., Ваҳобов М.Ғ.. Ўзбекистон ССР тарихи (бир томлик).-Т: Фан, 1958, Б.441, 494-495, 526-529; Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. –Тошкент, 1960, Б.273-288, 322-328

² Қаранг: Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. –Тошкент, 1960, Б.317-338

³ Абдурашидхонов Мунаввар Қори. Тошкентда мусулмон жамияти // Самарқанд. 1913, 20 август; Ўша муаллиф. Хотираларимдан (жаҳидчилик тарихидан лавҳалар). Тошкент: Шарқ, 2001, 128 б.; Нажот йўли (Раҳбари нажот) /Масъул муҳаррир З.Чориев. Таржимон Ш.Воҳидов. Тошкент: Шарқ, 2001. 176 б.

⁴ Сафаров Г.И. Колониальная революция. (Опыт Туркестана). М.: Госиздат, 1921. С. 80.

Ўрта Осиё жадидчилиги тарихи Ф. Хўжаев, Р. Инъомов, П. Галузо каби муаллифлар томонидан ҳам кўриб чиқилган.¹

Ушбу муаммо совет даврининг кейинги йилларида ҳам ёритилди.² Бироқ мазкур тадқиқотлар коммунистик мафкура ва шафқатсиз цензура ҳукмронлиги даврида яратилди ва шу сабабли жадидчилик уларда салбий тавсифланди.

Л. Климовичнинг «Ислам в царской России» номли китобида ислом динининг Россия империяси, шу жумладан Ўрта Осиё халқларининг маънавий ҳаётидаги ўрни ва роли ёритиб берилди. Исломдаги ислохотчилик оқимларини тавсифлар экан, муаллиф синфий ёндашув доирасидан чиқмаган ҳолда жадидларни буржуазия манфаатларини ифода этувчилар сифатида баҳолаган, бироқ, шу билан бир вақтда у жадидларнинг жамиятни ислох қилишдаги хизматларини ҳам эътироф этади.³

Тадқиқотчи Я.Г.Абдуллин маърифатпарварлик ҳаракатига бутунлай бошқача баҳо берди ва жадидчиликни панисламизм билан бир нарсга деб ҳисоблашга қарши чиқди. Унинг фикрига кўра, жадидлар фақат ислом асосида, мусулмонларнинг диний раҳнамоси сифатида халифа ҳукмронлиги остида бирлашишга чақирмаганлар, балки тараккиётга олиб боровчи йўл билимлар ва илғор маданиятни тарқатиш, ўзининг миллий ҳудудида ислохотларни амалга ошириш орқали ўтади, деб ҳисоблаганлар ва ҳаракатнинг вазифалари ана шу қарашларга мувофиқ равишда белгиланган.⁴

XX асрнинг 80-йилларнинг охири - 90-йиллари бошида ушбу муаммо тарихшунослигида ва умуман тарих фанида синфий ёндашувдан муайян даражада воз кечиш кўзга ташланади ва жадидчилик минтақа халқларининг мустақиллик учун олиб борган курашининг таркибий қисми сифатида қаралди.⁵ Ушбу даврда маърифатпарварлик ҳаракатининг объектив тарихини яратиш, уни сохталаштиришлар ва сукутлардан халос этишга қаратилган уринишлар кузатилди. Бироқ, жадидларнинг диний қарашлари ҳақидаги масала алоҳида муаммо сифатида ажралиб кўрсатилмоқда.

Жадидчилик ҳаракатининг моҳиятини очиб беришда адабиётшунос олимлар томонидан эълон қилинган тадқиқотлар муҳим ўрин тутди. Уларнинг муаллифлари биринчилардан бўлиб юқоридаги муаммони ўрганишга киришдилар ва ўзларининг асосий диққат-эътиборларини жадидларнинг маърифатпарварлик ҳамда адабий фаолиятига қаратдилар.⁶

¹ Ходжаев Ф. К. Истории революций в Бухаре. Ташкент, 1926; Ўша муаллиф. Джадиды // Сб. Очерки революционного движения в Средней Азии. М.: Изд-е научной Ассоциации востоковедов, 1926; Туркестанский Г. Кто такие были джадиды. Ташкент, 1926; Инъомов Р. Ўзбек зиёлилари. Тошкент: Уздавнашр, 1926. 39 б.

² Муминов И. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане конца XIX и начала XX вв. Ташкент, 1957. 214 с; Вахабов М.Г. Формирование узбекской социалистической нации. Ташкент, 1961. 588 с; Ўша муаллиф. О социальной природе среднеазиатского джадидизма и его эволюции в период Великой Октябрьской революции // История СССР. М., 1963. № 2. С. 35-46; Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX - начале XX века. Ташкент: Фан, 1972. 212 с; Вахидов Х.Г. Просветительская идеология в Туркестане. Ташкент: Узбекистан, 1979. 155 с; Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры и науки советского Узбекистана 1917-1953 / Избранные труды. В восьми томах. Ташкент: Фан, 1967, т.5, С.111-112.

³ Климович Л. Ислам в царской России. Очерки. М., 1936. С. 176-215

⁴ Абдуллин Я.Г. Джадидизм, его социальная природа и эволюция / Из истории татарской общественной мысли. Казань. 1976. С. 95.

⁵ Қосимов С. Бехбудий ва жадидчилик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990, 19 январь; Мирзаахмедова Г.П., Рашидова Д.А. К изучению джадидского движения // ОНУ. Ташкент, 1990. № 7. С. 30-40; Мирзаахмедова П., Рашидова Д. Джадиды: кто они? // Звезда Востока. Ташкент, 1990. № 9. С. 137-141; Қосимов Б. Жадидчилик. Жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти (давра суҳбати) // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1990. № 4. Б. 15-20; Ризаев Ш. Жадидчиликка оид икки ҳужжат... // Ўша жойда. Б. 29-35; Турдиев Ш. «Берегите мудрецов...» Судьба и смерть Махмудходжи Бехбуди // Звезда Востока. Ташкент, 1991. № 5. С. 83-86

⁶ Қосимов Б. Фитрат // Санъат. Тошкент, 1991. № 12. Б. 10-12; Ўша муаллиф. Жадидчилик ва янги ўзбек адабиёти // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараккиёт ва мустақиллик учун кураш (Жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Тошкент: Маънавият, 2001. Б. 66-70; Шарафуддинов О. Чўлпонни англаш. Тошкент: Ёзувчи, 1994. 48 б.; Ўша муаллиф. Истиқлол фидойилари. Тошкент: Шарк, 1993. 137 б.; Аҳмад С. Мунаввар Қори // Шарқ юлдузи. Тошкент, 1992. №5. Б. 105-109

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатлари, шу жумладан, жади́дчилик тарихини ўрганишга ватанимиз тарихчи олимлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Шу нуқтаи назардан Д.А.Алимованинг тадқиқотлари, хусусан, унинг Туркистон жади́дчилигининг таниқли вакилларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган ишлари алоҳида аҳамиятга моликдир.¹ У мамлакатимиз тарих фанида биринчилардан бўлиб, ислохотчилик ҳаракатининг тарихий моҳиятини объектив баҳолашга ҳаракат қилди, уни даврлаштирди ва илғор зиёлиларнинг интеллектуал дунёқарашининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб берди.

Мазкур муаммо тарихшунослигига қўшилган яна бир муҳим ҳисса Д.А.Алимованинг «История как история, история как наука. Феномен джадидизма»² номли умумлаштирувчи асари бўлиб, унда Ўзбекистонда илк бора миллий тараққийпарварлик ҳаракатининг моҳияти ва унинг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрни комплекс тарзда тадқиқ этилган, Туркистон ва Бухоро тараққийпарварларининг қарашларининг ўзига хослиги акс эттирилган, жади́дчиликнинг маърифатпарварликдан кудратли сиёсий ҳаракатга эволюцияси очиқ берилган. Шунингдек, мазкур асарда илк бора миллий тараққийпарварлик ҳаракати намояндаларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар рус тилида чоп этилган.

Жади́дчилик ривожланишининг сиёсий босқичи С.С.Аъзамхўжаев тадқиқотлари учун объект бўлди.³ Туркистонда биринчи миллий демократик давлатчилик - Туркистон Мухториятининг ташкил топиш тарихини таҳлил қилар экан, муаллиф ўлка мусулмон аҳолисининг жипслашув жараёнларини батафсил ёритади, унда жади́дларнинг ўрни ва ролини белгилаб беради.

¹ Алимова Д.А. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент: Фан, 1996. С. 8-20; Ўша муаллиф. Мозий истиқлолнинг тарозиси // Туркистон. 1996, 21 апрель; Ўша муаллиф. Ҳақ олинур, берилмас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997, 14 февраль; Ўша муаллиф. Бухара конца XIX - начала XX века и зарождение джадидизма // ОНУ. Ташкент, 1997. № 9-10-11. С. 81-93; Ўша муаллиф. Файзулла Хўжаев ва жади́дчилик // Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Тошкент: Фан, 1997. Б. 37-47; Ўша муаллиф. Жади́дчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жади́длар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Тошкент: Эльдинур, 1998. Б. 3-10; Ўша муаллиф. Ҳақиқатнинг туташ манзили // Тафаккур. Тошкент, 1999. №2. Б. 54-59; Ўша муаллиф. Жади́дчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жади́длар тафаккури // Жади́дчилик: ислохот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жади́дчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам №1. Тошкент: Университет, 1999. Б. 35-52; Ўша муаллиф. XIX аср охири - XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жади́дчилик // Жади́дчилик: ислохот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш ... Б. 83-103; Ўша муаллиф. Единство просвещения, знания и этики поведения // Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 1999. №2. С. 3-8; Ўша муаллиф. Национально-прогрессивное движение джадидизм и его общественно-политическая сущность. Взгляды джадидов на государственность // Очерки по истории государственности Узбекистана. Ташкент: Шарк, 2001. С. 141-161; Ўша муаллиф. Туркистон жади́дларининг мусулмон маданиятига оид қарашлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2001. №3. Б. 206-208; Ўша муаллиф. Genetic basis of the intellectual and social protest and merge of philosophical ideas of the west and east in views of jadids // Culture in Mind, mind in Culture. Uzbekistan-Korea international Symposium. Tashkent., 2004, P.32-38; Ўша муаллиф. Бехбуди и его идеи относительно прогресса // Филология масалалари. Тошкент, 2005. № 1(8). Б. 81-86; Ўша муаллиф. Туркестанские прогрессисты и младотурецкое движение: общее и особенное // Взаимоотношения Турции и Центральной Азии в контексте расширяющейся Европы. Материалы международной научной конференции. Алматы: Дайк-Пресс, 2006. С. 32-41

² Алимова Д. История как история, история как наука. Т. II. Феномен джадидизма. Ташкент: Узбекистан, 2009. 184 с.

³ Аъзамхўжаев С.С. Шўрои Исломия асли қандай эди? // Фан ва турмуш. Тошкент, 1992. № 5-6. Б. 18-19; Ўша муаллиф. Туркистон бирлиги учун. (Мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). Тошкент: Фан, 1995. 16 б.; Ўша муаллиф. Туркистон Мухторияти. Тошкент: Фан, 1996. 60 б.; Ўша муаллиф. Туркистон мухторияти - жади́длар миллий-демократик давлатчилик ғояларининг амалдаги ифодаси // Жади́дчилик: ислохот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тошкент: Фан, 1996. Б. 152-173; Ўша муаллиф. Туркистон мухторияти. Тошкент: Маънавият, 2000; Ўша муаллиф. История Туркестанской Автономии (Туркистон Мухторияти). Ташкент: Тошкент ислом университети, 2006. 268 с.

Р.М.Абдуллаевнинг ишларида «*Падаркуш*», «*Ғайрат*», «*Тараққийпарвар*», «*Баракат*», «*Шурои Исломия*» каби миллий ташкилотларнинг шаклланиши ва фаолияти янги фактологик манбалар асосида тадқиқ этилган.¹ Муаллифнинг фикрига кўра, соф диний характердаги масалаларда жаҳидлар эҳтиёткорлик ва вазминлик кўрсатишга мажбур бўлганлар ва бунда улар Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ва диний-маънавий кайфиятни ҳисобга олганлар².

Мазкур муаммо тарихшунослигига кўшилган яна бир муҳим ҳисса Д.Х.Зиёеванинг тадқиқотлари бўлиб, уларда катта ва кенг микёсдаги материал асосида маърифатпарварларнинг Туркистондаги 1916 йил кўзғолонига бўлган муносабатига баҳо берилади.³

С.Холбоев тадқиқотларида эса Мунаввар Қорининг маърифатпарварлик ва сиёсий фаолияти кўриб чиқилган ҳамда Ўрта Осиёда олий таълим тизимининг вужудга келиши ва ривожланишида жаҳидларнинг роли кўрсатиб берилган.⁴

Миллий озодлик ҳаракатининг асосий йўналишларини муҳокама қилиш, ҳамкорликдаги ишланмалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилган бир қатор илмий-амалий тадбирлар жаҳидчилик тарихига оид тадқиқотларнинг фаоллаштиришига хизмат қилди.⁵

ЎзР ФА Тарих институти томонидан «Жаҳидчилик: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш» номли жамоавий монографиянинг нашр этилиши миллий тараққийпарварлик ҳаракати тарихини ўрганишга қўшилган жиддий ҳисса бўлди.⁶ Мазкур тадқиқотда Ўрта Осиёда жаҳидчиликнинг илдизларидан бошлаб то унинг сиёсий ҳаракат сифатида шаклланиши ва ривожланишига қадар бўлган эволюцияси илгари маълум бўлмаган тарихий материаллар асосида таҳлил қилинган.⁷

Республикамиз тарихчи ва адабиётшунос олимларнинг мажмуавий тадқиқотларининг натижаси ўлароқ маърифатпарварлик ҳаракати етакчиларининг «Танланган асарлар»и⁸ нашр этилди.

¹ Абдуллаев Р.М. Туркестанские прогрессисты и национальные движения // Звезда Востока. Ташкент, 1992. № 1. С. 106-113; Ўша муаллиф. Общероссийские политические организации Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан // Звезда Востока. Ташкент, 1992. № 1. С. 39-51; Ўша муаллиф. Интеграционные процессы в мусульманском мире и Туркестанские джаиды // Жаҳидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш // Звезда Востока. Ташкент, 1992. № 1. С. 69-82.

² Абдуллаев Р. Туркестанские прогрессисты и национальные движения // Звезда Востока. Ташкент, 1992. № 1. С. 107.

³ Зияева Д.Х. Мустақиллик учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан... Б. 64-75; Ўша муаллиф. Туркистон миллий озодлик ҳаракатида зиёлиларнинг ўрни // Марказий Осиё XX аср бошида: ... Б. 102-106; Ўша муаллиф. Туркистонда халқ ҳаракатлари ва жаҳидлар. (1916 йил воқеалари мисолида) // Жаҳидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш... Б. 146-151.

⁴ Холбоев С. Мунаввар Қори // Мулоқот. Тошкент, 1997. № 1. Б. 24-25; Ўша муаллиф. Туркистоннинг буюк уйғониши // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1999, 9 август; Ўша муаллиф. Жаҳидларнинг мустамлака совет тузуми давридаги фаолияти ва тақдири // Жаҳидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш... Б. 201-216; Ўша муаллиф. Миллатимизнинг маънавий отаси // Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (Жаҳидчилик тарихидан лавҳалар), Тошкент: Шарқ, 2001. Б. 5-20; Ўша муаллиф. Миллий университетнинг тарихий илдизлари ва ташкил топиши. Тошкент: Шарқ, 2003. 128 б.

⁵ Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ, Жаҳидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. Тошкент: Эльдинур, 1998; Марказий Осиё XX аср бошида: ... 142 б.

⁶ Жаҳидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш... 218 б.

⁷ Алимова Д.А. Жаҳидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жаҳидлар тафаккури // Жаҳидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш... С. 37

⁸ Авлоний А. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1998. 304 б.; Бехбудий М. Танланган асарлар. 2 нашр, тузатилган ва тўлдирилган. Тошкент: Маънавият, 1999. 280 б.; Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. Шърлар, насрий асарлар, драмалар. Тошкент: Маънавият, 2000. 256 б.; Ўша муаллиф. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Тошкент: Маънавият, 2000. 208 б.; Ўша муаллиф. Танланган асарлар. III жилд. Драмалар, мақолалар. Тошкент: Маънавият, 2003. 256 б.; Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (жаҳидчилик тарихидан лавҳалар). Тошкент: Шарқ, 2001. 128 б.

Жадидчилик тарихига оид бир катор масалалар Т.Н.Козаков,¹ М.У.Қаюмов² ва Р.Н.Турсуновларнинг³ кўриб чиқиладиган тарихшунослик даврида тайёрланган диссертацион тадқиқотларида кўтариб чиқилди.

Тарихшунослик тахлили шуни кўрсатадики, Россия империяси ҳукмронлиги даврида эълон қилинган ишлар, совет мустабид тузуми даврида яратилган тадқиқотлардан фарқли равишда, мустақиллик давридаги тарих фани жадидчилик ҳаракатига концептуал ёндашув масалаларига тўлиқ ойдинлик киритди ва жадидчиликни фақат маданий-маърифий ҳаракат сифатидагина эмас, балки кучли ижтимоий-демократик, тараққийпарварлик ҳаракати сифатида таърифлади. Сўнги йилларда яратилган тадқиқотларда умуман миллий озодлик ҳаракатининг таркибий қисми бўлиб қолган ушбу феноменнинг табиати, асосий ҳаракатга келтирувчи кучлари ва етакчилари кўрсатиб берилди. Ҳозирги пайтга келиб тарихчи олимлар ва адабиётшунослар томонидан муаммонинг кўплаб аспекти: прогрессив ҳаракатнинг юзага келиши сабаблари, Ўрта Осиёлик ислохотчиларнинг дунёқарашлари, уларнинг маърифатпарварлик фаолияти, адабиёти, драматургияси, мусикаси, мусулмон дунёси билан интеграцияси ҳамда муаммонинг тарихий-сиёсий аспекти, шу билан бир вақтда жадидларнинг динга, хусусан ислом динига ва унинг қадриятларига муносабати, бу борада улар таклиф қилган ислохотлар ҳамда жадидларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли одамлар онгида юз берган ижобий силжишлар ўрганилди.

Миллий истиқлол учун кураш жараёнини англаш, уни идрок қилишда ФА Тарих институти ва Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан 2000 йилда нашр этилган фундаментал тадқиқотларнинг⁴ ўрни катта бўлди. Шунинг билан бирга мавзу бўйича бир катор номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди⁵. Уларда XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон маорифчилари, маҳаллий зиёлиларнинг истиқлол йўлидаги кураши, мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати, миллат сардорларининг қатағон қилиниши ва уларнинг фожеали тақдири тадқиқ этилган.

Р.Т.Шамсутдиновнинг миллий истиқлол учун кураш тарихига оид янги концептуал-методологик ёндашувларда 2001 йили “Истиқлол йўлида шахид кетганлар”, ҳаммуалифликда “Ўзбекистон тарихидан материаллар”, “Vatan tarixi” – биринчи, иккинчи ва учинчи китоблари, “Репрессия: 1937-1938 гг.”⁶ ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари босмадан чиқди.

¹ Козаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века.: Автореф. дисс.... канд. ист. наук. Ташкент, 2001. 24 с.

² Қаюмов М.У. XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошида Хива хонлигида ижтимоий-сиёсий жараёнлар.: Тарих фан. ном. ... дисс. Тошкент, 2006. 150 в.

³ Турсунов Р.Н. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари.: Тарих фан. ном. ... дисс. Тошкент, 2006. 146 в.

⁴ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. –Т.: Шарқ, 2000. С. 672; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. (Тузувчилар Жўраев Н., Нуруллин Р. ва бошқалар). Т.:Шарқ, 2000. Б.161-302

⁵ Турсунов И.Й. Ўзбекистон маорифчиларининг истиқлол йўлидаги кураши тарихидан (1917-1930 йиллар). Тарих фанлари доктори илм.дар.олиш учун ёз.дисс.-Т.:1994, Б.230; Узоқов Х. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи (1900-1940 йиллар). Тарих фанлари доктори илм.дар.олиш учун ёз.дисс...Т.,1996, Б.269; Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы в 1917 –начале 1950-х годов. Автореф. дисс. на соиск. учен. ст. доктора ист.наук. –Т.:2001, С.54; Абдурахмонова Ж.Н. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатағонлик сиёсати (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида 1925-1941 йил) Тарих фанлари номзоди дисс.автореф.Т.:2002,Б.30; Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30-йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида). Тарих фанлари номзоди дисс.афтореф.Т.:2004,Б.30.

⁶ Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. Т.: Шарқ, 2001; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. Андижон “Andijon-Nashriyot-Matbaa”, 2004, Б.348-455, 582-607; Shamsiddinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. Birinchi, Ikkinchi, Uchinchi kitoblar. T.: Sharq, 2010.-3-nchi kitob 496 b; Шамсутдинов Р.Т., и др. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск I-V-Т.Шарқ, 2005-2009/-Выпуск I. 285 с. Выпуск III. 495 с.

“Репрессия: 1937-1938 гг. ҳужжатлар ва материаллар тўпламининг биринчи нашрида НКВД Андижон сектори томонидан “Шўрои Исломия”, “Миллий Иттиҳод” - “Миллий Истиқлол”, “Кўр каламуш” Андижон шўъбасининг 28 нафар аъзоси устидан жиноий иш қўзғатилганлиги ва айблов хулосаси материаллари, СССР Олий Судининг Ҳарбий Коллегиаси томонидан Ўзбекистон ССРдан жавобгарликка тортилган масъул ходимларнинг (1-категория бўйича – 155, 2 –категория бўйича 10, жами -165 киши) алоҳида рўйхати келтирилган.¹

“Репрессия: 1937-1938 гг.”. (Ташкент, Шарк, 2007) ҳужжатлар тўпламининг учинчи китобида (1937 йил ноябр) Ўзбекистон ССР НКВД ҳузуридаги Тройка мажлисларининг баённомалари мавжуд. Китобга киритилган маълумотларда миллатнинг фидойи ўғлонлари, ўз вақтида муҳолифат ҳаракатда “Миллий Иттиҳод”, “Шўрои Ислом” ташкилотлари аъзолари бўлган ёки қаршилик ҳаракати қатнашчиси сифатида “халқ душмани”, “миллатчи”, “аксиникилобчи”, “қулоқ”, каби турли ёрликлар билан қатағон қилинган. Қамоқ жазосини ўтаётганлар турли касалликлардан, очлик ва изғирин совуқдан, зулм ва қийноқлардан, тинка-мадорини қуритадиган оғир жисмоний меҳнатдан ўлиб кетишган, тирик қолганлари эса бир умр ногирон бўлиб қолган.

Тадқиқ этилган ва эълон қилинган адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, 1917-1929 йилларда қаршилик ҳаракати, миллий озодлик курашида сиёсий партия ва ташкилотларнинг роли ва ўрни, сиёсий кураш сабоқлари масалалари ҳали тўла ўрганилган ҳамда алоҳида олинган мавзу сифатида тадқиқ этилган деб бўлмайди. Бу борада изланишлар бошланган бўлсада, биз танлаган муаммо ҳали ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқотдан кутилаётган илмий натижалар муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- тадқиқот жараёнида аниқланган фактик материаллар ва илмий хулосалар мустақил Ўзбекистонда демократик жамият қуриш ишида сиёсий партияларнинг фаолиятини такомиллаштириш, ижодий бойитиш ишига хизмат қилади;
- мавзунини таҳлил қилиш Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун курашганлиги айблови билан, турли сиёсий жазо ва тазйиқларга дучор қилинган сиёсий партиялар аъзолари тақдири ўрганилади;
- тадқиқот материалларидан Ўзбекистон тарихи фанидан ўқув қўлланма ва ўқув видеофильмлари яратишда, вилоятлар энциклопедияларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин;
- тадқиқот натижаларидан вилоятлардаги ўлкашунослик музейларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади совет даврида 1917-1929 йилларда Туркистон-Ўзбекистонда фаолият кўрсатган сиёсий партия, жамият ва уюшмаларнинг миллий озодлик ҳаракатида тутган ўрни ва сиёсий маданият тарихий тажрибасини адабиётлар ва манбалар асосида ўрганиш, муҳофаза ва таҳлил қилиш. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқот олдига қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- тадқиқ этилаётган мавзунинг тарихшунослигини ўрганиш;
- Мухториятчилик ҳаракатида демократия, парламентаризм, эркин сайловлар тажрибасини очиқ бериш;
- жаҳидчилик ҳаракати негизида сиёсий партиялар ва партиявий уюшмаларининг вужудга келишини, ташкилот аъзоларининг қисматини ўрганиш;
- Совет мустамлакачилик сиёсатига қарши курашган сиёсий партиялар ва ташкилотлар фаолиятини энг янги материаллар асосида таҳлил қилиш;

¹ Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск I. /Сост.: Р.Шамсутдинов, Н.Каримов, Э.Юсупов. –Т.: Шарк, 2005. С.127-150

- Миллий муҳолифат партиялари ҳамда Фарғона водийсида фаолият кўрсатган шўъбалар, жамиятлар мисолида Ўзбекистонда кўп партиявийлик жараёнини ёритиш;
- Мавзуга оид адабиёт ва манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Ўрганилаётган мавзунинг хронологик доираси XX асрнинг 1917 февраль 1929 йилларни ўз ичига олган. Чоризм ағдарилиши билан Туркистон жамиятининг сиёсийлашувида жўшқин жараёнлар бошланади. "Мудроқлик"дан сиёсий фаолиятга ўтиш бутун ўлкани камраб олади. Жойларда ижтимоий-сиёсий ташкилот ва партиялар фаолият кўрсата бошлайди. Коммунистик режим эса бу даврда Ўзбекистонда ўз тоталитар хусусиятини ошкора намоён қилади, мустақиллик учун курашган муҳолифатдаги партия, уюшма ва ташкилот аъзолари қатағон қиличи тифидан ўтказилади.

Тадқиқотнинг манбаъвий базасини тарихий нашрларда эълон қилинган ҳужжат ва материаллар ташкил этади. Мавзуга доир материаллар ўрганиб чиқилди ва улардан фойдаланилди. Айниқса, Фарғона водийсида фаолият кўрсатган яширин ташкилотлар тўғрисидаги материаллар қимматли бўлди. Энг муҳим ҳужжатлар ва материаллар илмий таҳлил доирасига тортилди ва мавзу мазмунини бойитишга хизмат қилди.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Диссертациянинг назарий ва методологик асосини миллий истиқлол мафкурасининг устувор тамойиллари, илмий билишнинг цивилизациявий методи, ҳолислик, тарихийлик принциплари, Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишда методологик, илмий-назарий ва мафкуравий аҳамиятга молик дастурий-концептуал, назарий-методологик кўрсатмалари ташкил этади.

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек Президентимизнинг 2001 йил 1 майда қабул қилган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги қарори мазкур мавзу учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Диссертациянинг тузилиши кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

1-БОБ. ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ СИЁСИЙЛАШУВИ: ЖАМИЯТ, ТАШКИЛОТ ВА ПАРТИЯЛАР (1917 ФЕВРАЛЬ 1920 ЙЙ.)

1.1. Миллий озодлик ҳаракати негизида сиёсий жамиятлар ва партиявий уюшмаларнинг вужудга келиши.

Туркистон маҳаллий халқларининг инқилобий ўзгаришларга қўшилиши бир хил кечмаган. Ўлканинг ҳозирги куни ва келажагига турлича қарайдиган икки муқобил оқим – **ўнғлар** ва **сўллар** мавжуд эди.

Ўнғлар маҳаллий бошқарув тизимидаги мансабдор маъмурлар, хизматчилар ва руҳонийлар манфаатларини ифода этардилар. Февраль инқилоби шароитларида улар муваққат ҳукуматнинг империя институтларини сақлашга мўлжалланган тадбирларни қўлаб-қувватлаш тарафдорлари бўлишди.

Сўллар ижтимоий тузумнинг тубдан ўзгаришидан, мустамлака сиёсий ва иқтисодий институтларни тугатишдан манфаатдор бўлган ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини ўзида акс эттирган эди.

Ўнғлардан фарқли равишда сўл қанот февралгача бўлган даврда қуролли қўзғолон йўли билан ва мамлакат мустақиллигига эришиш, шариат қонунлари, заминдорлар ва мусулмон руҳонийларнинг йўқотилган имтиёзларини тиклаш ғояларини илгари суришди. Февраль воқеаларидан кейинги шароитларда ўлка маҳаллий аҳолисининг аксари қарашларини "Шўрои Уламо" сиёсий ташкилоти ўзида акс эттирди.

Сўллар ҳаракатидаги бошқа йўналишда радикал кайфиятдаги миллий ишчи, деҳқон, ҳунарманд ва бошқа меҳнаткашлар бор эди. Чор тузуми ағдарилгандан сўнг уларнинг бир қисми "ишчи-мусулмон ва камбағаллар ҳуқуқларини қўлга киритиш"га ваъда берган большевиклашган советларнинг ғоявий таъсири остида бўлди. Кўпчилиги эса кейинчалик кенг қулоқ ёзган, мустақиллик учун курашган оммавий ҳаракат — "истиклолчилик ҳаракати"нинг асосини ташкил этди.

"Ўнғлар" ва "сўллар" ўртасини ислохотнинг маданий йўлини таклиф этган "марказчилар" ишғол этди. Сиёсий жиҳатдан улар жадидлар, "тараққийчилар" ва бошқа ислохотчи оқимлар манфаатларини ҳимоя этдилар. Февраль инқилобидан кейинги шароитларда "Шўрои Исломия", "Турк адами марказият" фирқаси, "Алаш ўрда" ва бошқалар мусулмон "марказчилари"нинг энг кўзга кўринган сиёсий ташкилотлари эди.

"Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи" — "Иттифок" маҳаллий аҳоли сиёсий кучларининг жойлашувида алоҳида ўрин туттанди. Асосан хизматдан бўшатиш фронт орти ишчиларини ўз сафларида жамлаган бу ташкилот европалашган Советлар ҳомийлиги остида бўлиб, мустақил сиёсий дастурни илгари сурмади. Сиёсий йўналиш бўйича "Иттифок" аъзолари асосан "келишувчи" партиялар қарашларига яқин турган, бу партиялар подшоҳ ағдарилгандан сўнг дастлабки ойларда ҳокимиятни эгаллашни ўз олдида мақсад қилиб қўймади, балки миллий демократлар каби жамиятни қайта қуришнинг ўткир муаммоларини ҳал этишда цивилизациявий усулларни таклиф этди.

Юқорида қайд этилган сиёсий ташкилотлар етук тузилма ва ғоявий бирлашмалар эмас эди. Уларнинг ҳар бирида изчил сиёсий табақаланиш жараёни рўй берарди, янги йўналишлар ажралиб чиқарди. Бироқ инқилобнинг бошларига келиб, барча сиёсий гуруҳ ва мусулмон жамияти қатламлари чор мустамлака маъмуриятини тугатишга интилишда бирдамлик намойиш этдилар.

1917 йилнинг 14 мартда бўлган йиғилишида 61 кишидан иборат янги ташкилот тузилди. Бу орган "Шўрои Ислон" ёки "Шўрои Исломия" номини олди ("Шўро", "Совет" сўзининг ўзбекча таржимаси). Бу билан ташкилот аъзолари ўша пайтда оммавий бўлган "Бутун ҳокимият Советларга" шиорига ўзларининг хайрихоҳлигини таъкидламоқчи бўлганлар.

"Шўрои Ислон" яратилиши Тошкентда аҳолининг европалик қисмининг этноцентризми ва буюк давлатчилик даъволарига жавоби бўлган эди. Маҳаллий аҳоли

европаликларнинг Советида кенг мусулмон ваколати йўқлиги, мусулмонларга ишончсизликнинг ифодаланиши, уларнинг миллий ҳуқуқлари камситилишини кўрдилар. Улар "Шўрои Ислом"ни ташкил этиш билан февраль инқилобидан сўнг ҳам қолаётган ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш хоҳишини намойиш этдилар. Янги орган европалашган Советлардан фарқли равишда ислом динига зътиқод қилувчи маҳаллий аҳолидан сайланган депутатлар Шўроси деб қаралган.

1917 йилнинг 14 мартада бўлиб ўтган "Шўрои Ислом" мажлисида 15 кишидан иборат бошқарувни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бошқарув таркибига **Абдулвоҳид қори Абдурауф қори ўғли, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Каттахўжа Ҳидоятбой ўғли, Убайдулла Хўжаев** ва бошқалар кирди. "Шўрои Ислом" ва унинг бошқаруви таркиби бу ташкилот сафларида мусулмон бирлиги ғояси бирлаштирган турли дунёқарашдаги вакиллар мавжудлиги ҳақида гувоҳлик беради. **Убайдулла Хўжаев, Мунаввар қори, Абдулла Авлони**лар эса "Шўрои Ислом" нинг юраги, унинг фаол кучи эдилар.

15 мартда Мунаввар қори хонадонида бўлиб ўтган ташкилот бошқарувининг биринчи йиғинида қабул қилинган вақтинчалик Низомда "Шўрои Исломия"нинг асосий **мақсад ва вазифалари** куйидагича келтирилади: Туркистон мусулмонлари орасида замонавий руҳдаги илмий ва ижтимоий ислохотчилик ғояларини тарқатиш; ғоялар ва мақсадлар бирлиги асосида Туркистон мусулмонларини жипслаштириш бўйича ишларни кучайтириш; хорижий юртлардаги давлат ҳокимияти тизими ҳақида ахборот йиғиш ва таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш; тарғибот мақсадларида шаҳар, қишлоқ ва овулларда намойишларни муттасил ўтказиш; эски маъмуриятни истеъфога чиқариш ва янгисини тайинлаш заруриятини тушунтириш; ўлкадаги турли миллий қўмиталар ва партиялар билан алоқаларни йўлга қўйиш, мусулмон аҳолисининг эҳтиёжлари ҳақида ўз вакиллари орқали маълумотлар етказиш ва зарурият туғилганда улардан ёрдам сўраш ва хоказолар эди.¹

"Шўрои Исломия" бошқарувининг қарорига мувофиқ барча вилоят ва туманларга тарғиботчилар юборилди. Улар ўлканинг маҳаллий аҳолисига февраль инқилоби эълон қилган озодликнинг моҳиятини тушунтириш, сиёсий, диний ва ижтимоий ислохотларни ўтказиш учун "Шўрои Исломия" байроғи остида бирлашишга даъват этилганди.²

Шаҳарда намойишлар бўлиб ўтди. Дастлабкисида 10 минг, кейингисида 5 минг киши қатнашди. "Шўрои Исломия"нинг тарғиботчилари томонидан йиғилган оммага Туркистонга демократик ривожланиш учун озодликлар берилгани, янги тарихий шароитда нималар қилиш кераклиги тушунтирилди. Улар барча мусулмонларни бирлашиш ва "Шўрои Исломия" мусулмон ташкилоти қарорига амал қилишга чақирдилар.³

"Шўрои Исломия"нинг 25 мартдаги умумий мажлисида 15 апрелга мўлжалланган Умумтуркистон мусулмонлари съездини ўтказиш бўйича махсус дастурни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди: мусулмон байрамлари кунларини белгилаш ва уларни ўтказиш тартибини тузиш; рус ватандошлар учун ушбу сиёсий ташкилот ҳақида рус тилида газета нашр этиш; Тошкент шахрининг руслар яшайдиган қисмида "Шўрои Исломия" нинг бўлимини очиш.⁴

"Шўрои Ислом", "Нажот" ва "Кенгаш" газеталари ташкилотнинг нашр органлари сифатида фаол чоп этила бошлади. Бу газеталар саҳифаларида маҳаллий туркистонликларнинг сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигини уйғотишга йўналтирилган мақолалар эълон қилина бошлади.

"Шўрои Исломия"нинг ташкил этилиши умумтуркистон миқёсида маҳаллий аҳолининг ғоявий-сиёсий ва ташкилий жипслашиши учун муҳим шарт-шароитлар яратди.

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. –Т.: Маънавият, 2000, Б.37

² Аъзамхўжаев С. Шўрои Исломия асли қандай эди? //Фан ва турмуш. Тошкент, 1992. №5, Б.18-19

³ Ўша жойда. Фан ва турмуш, №6. Б.21

⁴ Ўша жойда.

Жумладан, "Шўрои Исломия" ташаббуси билан 16-21 апрелда **I Умумтуркистон мусулмонлари съезди** ўтказилди. Кун тартибида ўша даврнинг асосий масалалари: урушга, Муваққат ҳукуматга муносабат, Таъсис мажлисига тайёргарлик, Россия ва ўлкада бошқаришнинг бўлғуси шакллари, озиқ-овқат тақчиллигини енгиб ўтиш йўллари ҳақида ва бошқалар сиёсий йиғиннинг диққат марказида турди.

Самарқандда **"Клуб исломия"** номида меҳнаткаш маҳаллий миллатларнинг дастлабки ижтимоий-сиёсий ташкилоти ташкил топди. Тараққийпарварларнинг таниқли йўлбошчилари Маҳмудхўжа Бехбудий, Ақобир Шомансурзода, Мардонкул Шомўҳаммадзода ва Абдухалил Ҳасанжон ўғли бу ташкилот раҳбарлари бўлдилар. Ўзининг қисқа муддатли фаолияти давомида ташкилот, хусусан, "барча чор мансабдорларини ишдан бўшатиш, чор аппаратини тугатиш", унинг ўрнига халқ кўмиталарини ташкил этиш каби талаблар билан чиқди. Таркибида 100 дан зиёд киши бўлган "Клуб исломия" бир ярим ойлик фаолиятидан сўнг ёпилди.

Самарқандда, шунингдек, "Мирваж-ул ислом" ташкилоти ҳам фаолият юритди. Андижонда "Озод халқ", "Мифтах-ул маориф", "Сана-ул ислом", Қўқонда "Мусулмон меҳнаткашлари Иттифоқи", Каттақўрғонда "Равнак-ул ислом", Хўжандда "Муайин ат-толибин" ва ҳоказо ташкилотлар тузилди.¹

1917 йил апрелида Тошкентда жадидчилик ҳаракати йўлбошчиларининг ташаббуси билан Туркистон мусулмонлари курултойи чақирилди, унда ўлка мусулмонлари Шўроси сайланди. Унинг таркибига ўша даврнинг машхур сиёсий арбоблари Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдулла Хўжаев, Носирхои Тўра, Муҳаммадjon Тимишпаев, Мустафо Чўқаев ва бошқалар кирдилар.

Шундай қилиб, ўлканинг сиёсий ҳаёти тобора тезкор суръатларга эга бўла борди. Бунда мусулмон ташкилот ва ҳаракатларининг таъсири кундан-кунга кучая борди. Улар, хусусан, чор маъмуриятининг энг чидаб бўлмайдиган институтларини бутунлай тугатишда сезиларли ҳисса қўшдилар. Маҳаллий аҳоли эса мустақил миллий ривожланиш ҳуқуқини таъминлашга интилди. Февралдан кейинги даврда маҳаллий туркистонликларнинг сиёсий фаоллиги тез ўсиб, уларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири кучайди. Биринчи навбатда, жадидчилик йўналишидаги сиёсий ташкилотлар мусулмон аҳолининг эрқарварлик орзу-умидлари ифодачиси сифатида майдонга чиқди.

1.2. Мухториятчилик ҳаракатида миллий истиқлол ғояси ва мафқураси

"Мухторият" мафқураси жаҳон ва минтақавий мустамлакачиликка қарши ҳаракатлар ғоялари, ўлка тараққийпарвар зиёлиларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш муаммоларини ижодий идрок этиш тажрибаларига таянган ҳолда яратилди. Миллий масала юзага келаётган сиёсий партия ва ҳаракатларнинг устувор муаммоларидан бирига айланди, уни концептуал-назарий идрок этиш зарурияти туғилди. Айниқса, миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш муаммоси бўйича қизғин баҳслар бошланиб кетди.

1917 йилда юзага келган, таркибига меньшевиклар, эсерлар, большевиклар, кирган ишчи ва солдат депутатлари Совети ўзи баён этган дастурий кўрсатмаларига зид равишда Туркистон халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилашига қарши чиқди, империячилик сиёсатининг давом этишини ёқлади. Айни пайтда миллий зиёлилар орасида мухторият ғояси тобора етилиб борарди.

Москвада 1917 йил 1-11 майда бўлиб ўтган I Бутунроссия мусулмонлари съездидан сўнг мусулмонлар орасида мухторият ҳақидаги масала фаол кўтарила бошлади. Мазкур съездда қарийб барча сиёсий оқимлар –Волгабўйи, Қрим, Кавказдан келган ўнг консерваторлардан то сўл радикал-социалистларгача вакиллар қатнашди, шунингдек Туркистон, Бухоро ва Хивадан делегатлар иштирок этди.

Съездда қабул қилинган қарорлар мусулмон аҳолиси орасида турли-туман ижтимоий-сиёсий оқимлар, ғоявий қарашларнинг кучайиб бораётган қутбланишини ўзида

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон бирлиги учун. (Мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). Т.: Фан, 1995, Б.11

акс эттирди. Айниқса, Россияда миллий давлатчилик куриш шакли ҳақидаги масала бўйича ўткир баҳслар авжга чиқди. Охир-оқибатда икки катта гуруҳ юзага келди: улардан бири марказлаштириш (централизм) тамойилларида турди ва Россия Демократик Республикаси таркибида мусулмонларнинг ҳудудий-маданий мухторияти тарафдори бўлиб чиқди.

Қизгин ва узоқ давом этган баҳслардан сўнг кўпчилик овоз билан (446-тарафдор, 271-қарши) Муҳаммад Амин Расулзода ишлаб чиққан қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда шундай дейилади: а) Россия давлат курилишининг Мусулмон халқлари манфаатларини энг кўп таъминлай оладиган шакли миллий-ҳудудий-федератив асослардаги демократик республикадир: бунда муайян ҳудудга эга бўлмаган миллатлар миллий-маданий мухториятдан фойдаланади.

II Бутунроссия мусулмонлари съездида Туркистон маҳаллий халқларининг аҳволи ҳақида **Убайдулла Хўжаев** атрофлича маъруза қилди. У чоризм ва Россия капитализмининг мустамлакачилик сиёсати, табиий заҳираларнинг очикдан-очик таланиши, хар йили фақат пахтани ташиб чиқиб кетишдан юз миллиондан зиёд фойда ўзлаштирилаётгани натижасида ўлка маҳаллий халқлари ғайриинсоний шароитларга маҳкум қилингани ҳақида дард билан сўзлади. *"Бироқ, туркистонликлар қувонч билан қарши олган инқилоб ҳам, — таъкидлади маърузачи, — уларнинг ўз заминларига ўзлари хўжайин бўлишга интилишлари, ўлканинг тикланишига бўлган умидларини оқламади. Ўлкани бошқариш аҳолининг атиги 5 фоизини ташкил этган келгиндилар кўлида қолди"*. Маърузачи оғизда ўзларининг демократия тарафдори деб даъво қилувчи, амалда эса ўлка халқлари манфаатларини инкор этувчи, эски сиёсатни давом эттираётган ишчи ва солдат депутатлари Совети фаолиятини кескин танқид қилди.¹

Съезд томонидан ишлаб чиқилган қарорлар Бутунроссия микёсида мусулмонлар ҳаракатини бирлаштириш учун замин бўлиб хизмат қилди.

Мусулмон жамиятида рўй берган ва ўрганилаётган даврда миллий озодлик ҳаракатида кучлар мувозанатини ўзгартиришга олиб келган келишмовчиликлар мухториятчилар ҳаракати йўлбошчиларини *барча мусулмонларни бирлаштириш концепциясини* илгари суришга ундади. Бирлик ва мустақиллик ғоялари шу қадар улуғ эдики, бу ғоялар 1917 йили Февраль инқилоби ва Октябрь тўнтариши оралиғидаги даврда миллий кучларнинг бирдамликка интилишини кўп жиҳатдан белгилаб берди.

Бундай тарихий шароитда миллий зиёлилар, руҳонийлар ва тижоратчилар қатламларининг илғор йўлбошчилари мусулмон аҳолиси манфаатларининг ифодачиси сифатида майдонга чиқдилар. Улар курашнинг демократик усулларида фойдаланиб, ишчи ва солдат депутатлари Советлари съездларида ҳам, ўлка мусулмонлари қурултойларида ҳам, шаҳар Думаси мажлисларида ҳам Туркистон ва умуман бутунроссияда ижтимоий янгиланишнинг ислохотчилик йўлини ҳимоя қилдилар. Бунда *миллий-ҳудудий мухторият мафкураси миллий-мусулмон партия ва ҳаракатларнинг дастурий ҳужжатларида устувор ўрин тутди*.²

Кўриб чиқилаётган даврда консерватив ҳамда тараққиёт тарафдори бўлган руҳонийларнинг сиёсий бирлашмаси сифатида "Шўрои Уламо" жамияти юзага келди, у 1917 йил июнь ойининг ўрталарида миллий ҳаракат ичидаги парчаланиш натижасида пайдо бўлди.

Туркистон мухторияти муаммоси миллий озодлик ҳаракатининг барча ҳаракатлантирувчи кучлари манфаатларини туташтирган асосий нукта бўлди. 1917 йил ёзида бутунроссия Таъсис Мажлисига сайловлар арафасида туркистонлик тараққийпарварлар ўзларининг сиёсий партияларини тузиш заруриятини англаб етишди.

¹ Абдуллаев Р.М. Интернациональные процессы в мусульманском мире и Туркестанские джадиды //Жадидчилик: ислохот, янгиликлар, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги қизғилар). Даврий тўплам №1. Т.: Университет, 1999, С.69-82

² Аъзамхўжаев С.С. Из истории борьбы за автономию Туркестана. //Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Т.: Фан, 1996, С.27

Тараққийпарварлар “Турон” маърифий жамиятини демократик тамойилларига асосланган партияга айлантириш ғоясини илгари сурдилар.

Туркистонлик ва озарбайжонлик ислохотчиларнинг биргаликдаги ишлари натижасида Туркистон мусулмонлари сиёсий партиясининг дастури тузилди, у Скобелев (ҳозирги Фарғона шаҳри)да 1917 йил 12—14 июлда бўлиб ўтган мусулмон ташкилотлари курултойида тасдиқланди.

Курултой ишида турли мусулмон ташкилотларидан юборилган 137 киши иштирок этди. Қабул қилинган дастурий ҳужжатда баён этилишича, курултойда ташкил этилган “Турк Адами Марказият” партияси (туркий федералистлар партияси) Туркистон, Қозоғистон, Бошқирдистон учун миллий-худудий мухторият, Волгабўйи, Қрим ва Россиянинг бошқа туркий халклари учун маданий-миллий мухторият талаб этади.¹

Дастурда шу нарса кўзда тутилгандики, мухтор республикалар, шунингдек, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига сайловлар умумий, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилиши лозим. Бунда “20 ёшга кирган барча миллат аъзолари жинси, синфи, динидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқидан фойдаланади ва ўзи ҳам сайланиши мумкин. Бироқ, мусулмон аёлларининг иштироки “шариат доирасида” амалга оширилиши лозим”².

Туркистон федералистлари мухтор субъектлар бошқариш, молия, шариат, маданият, адлия ва халқ маорифи масалаларида мустақилдир, деган фикрни олға сурдилар. Бунда ҳар бир республика маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган вилоят ва уездарга бўлиниши кўзда тутилди.

Фуқаролар ҳуқуқларига бағишланган бўлим ҳам диққатга сазовор. Республиканинг барча аҳолиси диний ва миллий тафовутларига қарамай, конун олдида тенгдир. Ҳужжатда виждон эркинлиги кафолатланади ва “диний эътиқодлар учун ҳеч ким таъқиб этилмайди” дейилади. Бундан ташқари, “ҳеч бир дин ва мазҳабга бошқаларига нисбатан ҳукумат томонидан имтиёзлар берилмайди”.³

Дастурда баён этилган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ташкил этиш тамойиллари шариат ва одатга асосланган мусулмонларнинг ўзига хос ижтимоий ҳаётини ҳисобга олган ҳолда Россия демократик республикаси таркибида миллий-худудий мухторият тамойиллари асосида Туркистон республикасини яратиш ғояси чуқур асосланганлигидан гувоҳлик беради.

Хулоса қилиб айтганда, Февраль инқилоби ва ижтимоий ҳаётда юз берган демократик жараёнлар туфайли Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси орасида тарихий тараққиётнинг ўз йўлини таклиф этган кўп сонли миллий-сиёсий ташкилотлар юзага келди. Ўлкага миллий-худудий мухторият бериш позицияларида турган Ўлкамусшўро бутун Туркистон миллий ҳаракатининг мувофиқлаштирувчи маркази бўлди. Ўлкамусшўро ва уни қўллаб-қувватловчи миллий-демократик партия ва бирлашмалар мухторият ғоясини тарғиб этиш ва мухториятчилик ҳаракатига мусулмон аҳолисининг кенг қатламларини жалб этиш бўйича катта ишларни олиб борди. *Суверенитет ва миллий турмуш тарзини муҳофаза қилиш, асрий анъаналар ва исломнинг маънавий қадриятларини асраб-авайлаш кабиларни ўзига жамлаган мухторият ғоялари* Туркистон жамиятида тобора кенг тарқалди.

Туркистонликларнинг 1917 йил кузидаги миллий озодлик ҳаракати, энг аввало, унинг иштирокчиларининг юксак онглилиги ва ташкиллашганлиги билан фаркланади. Миллий ҳаракат Туркистонга мухторият беришдек қатъий талаб йўлига киргани эндиликда очик ойдин кўриниб турган эди. Туркистон мухторияти учун курашда

¹ Абдуллаев Р.М. Интернациональные процессы в мусульманском мире и Туркестанские джадиды //жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам №1. Т.: Университет, 1999, С.70-71

² Қаранг: Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси. Турк адами марказият фирқасининг низомномаси. //Фан ва турмуш, Тошкент, 1990, №7

³ Иловага қаралсин. Турк адами марказият фирқасининг низомномаси. //Фан ва турмуш, Тошкент, 1990, №7

мусулмон аҳолисининг барча қатламлари фаоллашди ва "Яшасин федератив республика!", "Мусулмонлар, бирлашингиз!", "Яшасин озодлик, Адолат, Тинчлик!", "Куч бирликда!" каби шиорларда ўз ифодасини топди. Бу шиорлар миллий сиёсий ташкилотлар томонидан большевистик диктатура ўрнатилиши хавфи, озодлик кучларининг жипслашиши заруриятини тушуниш пишиб етилганлигини билдирарди.

Шундай қилиб, мухториятчилик ҳаракати ўз ривожланишида янги босқичга кирди. "Шўрои Уламо" ва "Халойиқ" жамиятлари ташаббуси билан Тошкентда 17-20 сентябрда туркистонлик ва қозоқ мусулмонлари съезди бўлиб ўтди. Унда Туркистон, шунингдек, Урал ва Тўрғай вилоятларидан 500 дан зиёд обрўли делегатлар иштирок этди.

Съезднинг бутун иши бирлаштириш, ўлка миқёсида бирлик ўрнатишга интилиш, Таъсис Мажлиси сайловларига тайёргарлик, унга ғоявий қарашлардан қатъи назар, россиялик мусулмонлардан муносиб кишиларни кўрсатиш руҳида ўтди. "Улуғ Туркистон" газетасининг ёзишича, "съезд Мулла Муҳаммадхожи Эшон ва Мулла Сиддиқхожи эшонларнинг бошқарув шакли ҳақидаги маърузаларини тинглаб, **бир овоздан Туркистон Мухториятини таъсис этишга қарор қилди**". Бу, Туркистон ўлкаси "Маҳаллий ва миллий мухториятни эълон қилади, ўз ишларини ўзи мустақил ҳал этади" дегани эди.¹

Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларига сиёсий раҳбарлик учун "Шўрои Исломия", "Турон" ва бошқа ташкилотлар ўрнига ягона **"Иттифоқи муслимин"** партиясини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Съездда қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ демократик Россия республикаси таркибида Туркистон ҳудудий мухтор федерациясини ташкил этиш дастури илгари сурилди. Туркистон Федератив республикаси (Туркистон Мухторияти)нинг олий қонунчилик органи **парламент** бўлиши кўзда тутилди, бу парламент "Туркистон ўлкасида яшовчи барча халқлар умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш асосида беш йил муддатга мажбурий пропорционал ваколатга эга бўлган ҳолда" сайланади. *Бунда Туркистон парламентининг қонунчилик вазифалари Россия республикаси асосий қонунлари ва шариат талабларига аниқ мос келмоғи, умумдават масалаларини ҳал этиш учун Туркистон парламенти Россия республикасининг олий ҳукуматида ўз вакилларига эга бўлмоғи лозим эди.*

Ҳокимиятнинг ижроия органи сифатидаги республика ҳукумати ўз фаолиятини алоҳида котибият оркали амалга оширадиган бўлди. Котибиятнинг ҳатти-ҳаракатларида эса Туркистон федерал парламенти олдида масъуллиги кўзда тутилди.

Туркистон маҳаллий аҳолисининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашга бўлган сиёсий иродаси, **IV Фавқуллода Туркистон ўлкаси мусулмонлари съезди** қарорларида ўз аксини топди. 28 ноябрда ташкил топган давлатнинг номи **"Туркистон Мухторияти"** деб аталадиган бўлди. Ҳокимият таркиби эса қуйидагича шаклланиши лозим эди: Таъсис съезди чақирилгунга қадар ҳокимият тўла равишда Туркистон Муваққат Кенгаши ва **Туркистон Халқ (Миллий) Мажлиси** қўлида жамланади. Муваққат Кенгаш аъзоларидан 12 кишилик ҳукумат тузиладиган бўлди. Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларининг сони илгари Бутунроссия Таъсис Мажлисига Туркистон ўлкасидан сайланган номзодлар сонига қараб аниқланди (32 киши)².

Халқ мажлиси (унга 54 ўрин белгиланди) таркибидан шаҳарлар маҳаллий бошқармаларидан ҳам 4 вакилга ва ўлкадаги турли европалик ташкилотларнинг вакилларига 18 ўрин ажратилди. Шундай қилиб, учдан бир ўрин ўлкадаги барча аҳолининг 7 фоизини ташкил этган европалик аҳоли вакилларига берилди.

Ташкил этилаётган ҳукумат таркибига турли миллий гуруҳлар вакиллари катнашиши мўлжалланди. Айни пайтда Туркистон Таъсис Мажлисига сайловлар ҳақидаги Низом лойиҳасига мувофиқ (234 ўрин), у икки гуруҳга — мусулмонлар ва

¹ Қаранг: Алимова Д.А. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талкинида //Ўзбекистон тарихи: Янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Т.: Эльдинур, 1998. Б.7-8

² Аъзамхўжаев С.С. Туркистон мухторияти...//Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун қураш. Т.: Фан, 1996. Б.168-170

номусулмонларга ажратилиши кўзда тутилди. Европаликлар бу ерда ҳам учдан бир ўринни эгаллади.¹

Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати таркибига мухториятчилик ҳаракатининг фаол иштирокчилари кирди. Қуйидаги кишилар ҳукумат аъзолари бўлдилар:

1. Муҳаммаджон Тимишпаев — бош вазир, ички ишлар вазири, йўл муҳандиси.
2. Ислон Султон Шоаҳмедов — бош вазир ўринбосари, Бутунроссия мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.
3. Мустафо Чўқаев — Туркистон Мусулмонлари Марказий Шўроси раиси, ҳуқуқшунос.
4. Убайдулла Хўжаев — ҳарбий вазир, Бутунроссия Мусулмонлари кенгаши МК аъзоси, ҳуқуқшунос.
5. Юрали Агаев — ер ва сув бойликлари вазири, агроном.
6. Обиджон Маҳмудов — озиқ-овқат вазири, Қўқон шаҳар Думасининг раис ўринбосари, тоғ-кон саноати мутахассиси.
7. Абдурахмон Ўразаев — ички ишлар вазирининг ўринбосари, ҳуқуқшунос.
8. Соломон Абрамович Герцфельд — молия вазири, ҳуқуқшунос.

Яна 4 киши — европалик аҳоли вакиллари ичидан номзодлар кўрсатилгач, ҳукумат таркибига кириши кўрсатилган эди.²

Ёш миллий-демократик давлатнинг ҳукумати билан бир қаторда Миллий Мажлис таркиби ҳам аниқланди, унинг таркибига қуйидагилар кирди: **Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Садриддинхон Шарифхўжаев, Қўнғирхўжа Ҳожинов, Исмадулла Убайдуллин, Саидносир Миржалилов, Серали Лапин, Саид Жаъфарбой Саидов, Ислон Султонўгли Шоаҳмедов, Абдурахмонбек Ўразаев, Ҳидоятбек Шерали Агаев, Носирхонтўра Камолхонтўраев, Миродил Мирзааҳмедов, Тошхўжа Ашурхўжаев, Абдулқодир Қушбеғиев, Обиджон Маҳмудов, Жамшидбой Қорабеков, Соломон Абрамович Герцфельд, Абдусамад Абдусалимов, Убайдулла Дербисалин, Мусо Акчури, Мустафо Мансуров, Маҳмудхўжа Бехбудий, Иброҳим Далшин, Муҳаммаджон Тимишпаев, Халил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Камол қози Раҳмонбердиев, Алихонтўра Шокирхонтўраев, Собиржон Юсупов, Одижон Умаров** ва бошқалар.³

Съезд томонидан Туркистон Мухторияти эълон қилиниб, давлат тузилмалари шакллана бошлагани улкан аҳамиятли воқеа бўлди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати 19 февралда ағдарилди. Мухторият ҳукумати аъзоларидан Ҳидоятбек Шерали Агаев, Миродил Мирзааҳмедовлар қатл этилган, тасодифан омон қолганлари камокка олинган. Мустафо Чўқаев оловли ҳалқадан чиқишга муваффақ бўлди. Носирхонтўра большевиклар томонидан Наманганда, С.Герцфельд Самарқандда, Обиджон Маҳмудов Бухорода қўлга олинади.

1.3. Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар партиялари сиёсий фаолиятдан

Туркистон, Бухоро ва Хивадаги жадидчилик ҳаракати ўз олдида қуйидаги ғоя ва мақсадларни қўйган эди: *Туркистон мустақиллиги учун кураш, уни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш.*

¹ Ўша жойда.

² Аъзамхўжаев С.С. Туркистон мухторияти...// Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т.: Фан, 1996, Б.171-172

³ Ўша жойда

Маълумки, Бухорода жаидчилик ҳаракати Туркистон ўлкасидагига нисбатан оғир ижтимоий-сиёсий шароитда юзага келди. Унинг таркиби асосан Бухородаги шаҳар аҳолисининг тараққийпарвар қисми: зиёлилар, муллаваччалар, майда дўкандорлар ва маъмурлар, ҳунармандлар, савдогарлардан иборат эди. Бухорода жаидчилик ҳаракатининг таниқли намояндлари Абдулвоҳид Бурҳонов, Мукоммил Бурҳонов, Садриддин Айний, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов, Мусожон Саиджонов бўлишган.

Хусусан, Ёш бухороликлар партияси ўз амалий фаолияти ва дастурида Ёш турклар (Туркиядаги «Иттиҳод ва тараққий» партиясининг аъзолари) ҳаракатидан таъсирлангани сезилиб туради. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, XIX аср охири-XX аср бошларида Усмонли турк султонлигидаги инқилобий ҳаракатнинг қатнашчилари — ёш туркларнинг ғоялари Бухоро ёшларига катта таъсир кўрсатган.¹

Ёш бухороликлар 1914 йилдан, ёш хиваликлар 1916 йилдан бошлаб маърифатчиликдан сиёсат соҳасига ўтдилар. Улар якка бошқарувга асосланган хонлик тузумларини дастлаб ислоҳ қилиш, кейинчалик республика тузуми билан алмаштириш тўғрисида дадил фикрлар билан майдонга чиқишди. Уларнинг ижтимоий, сиёсий, маърифатпарварлик фаолияти Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар партиялари мазмунида янгича мақсад ва йўналиш касб этди.

1917-йилдан бошлаб Ф.Хўжаев ва А.Фитрат партиянинг сўл қанотига бошчилик қилиб, Бухорода аввал конституцион монархия, сўнгра демократик республика тузиш учун курашдилар. Ёш бухороликлар амир томонидан таъқиб қилинган, Файзулла Хўжаев ва унинг сафдошлари Бухорони тарқ этишга мажбур бўлишди, кейинроқ, 1920-йилда Тошкентда тузилган инқилобчи ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюроси раиси вазифасини адо этди.

Ф.Хўжаев «Ёш бухороликлар» ғоялари руҳидаги дастурий ҳужжат - маромномани тузди ва нашр этди, бироқ унинг раҳбарлигидаги «Инқилобчи ёш бухороликларнинг Туркистондаги марказий бюроси» ташкилоти нуфузли сиёсий кучларни ўзида ифода эта олмади. Ташкилот Ўрта Осиёни советлар давлати таркибига қўшиб олиш учун большевикларнинг кураш воситасига айланди. Файзулла Хўжаев раҳбарлик қилган Ёш бухороликларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан Бухорода тўнтариш тайёрладилар ва амир армиясини пароканда қилиш бўйича фаол ишлар олиб боришди ҳамда маҳаллий аҳоли орасида ташвиқот ишлари юргизишди. «Тонг» журнали ва «Қутулиш» газетасини нашр эта бошладилар.

Ф.Хўжаев бошлиқ Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати кўрбошилар билан яширин алоқа ўрнатиб, музокара асосида тинчлик йўли билан муроса қилишга интилди. Афсуски, Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати таркибидаги миллий ватанпарвар кучлар (собик Ёш бухоролик жаидлар) билан муҳолифатдаги куrollи гуруҳлар йўлбошчилари ўртасида келишув амалга ошмади. Бу тоталитар режим шароитида амалга ошиши мумкин ҳам эмас эди.²

XX аср биринчи чорагида Хоразм ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган, истиқлол ва тараққиёт учун кураш олиб борган ягона куч Ёш хиваликлар партияси (фирқаси) эди. Жаидчилик ҳаракатидан сиёсий партия даражасига кўтарилган Ёш хиваликлар партияси қачон ва қандай ташкил топганлиги ҳақида бугунги кунгача турлича фикрлар мавжуд. Г.Непесов³, Н.Қаландаров⁴, К.Б.Муҳаммадбердиев⁵, Ж.Тошқулов⁶

¹ Алимова Д.А. XIX аср охири – XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жаидчилик: ислохот, янгиланиш. Мустақиллик ва тараққиёт учун кураш Б.85-87

² Алимова Д.А. Файзулла Хўжаев ва жаидчилик //Файзулла Хўжаев фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Т.: Фан, Б. 45-47

³ Непесов Г. Из истории Хорезмской революции 1920-1924 гг. Т.: 1962, С. 75.

⁴ Қаландаров Н. Образование и деятельность ХКП. Т.: Узбекистан, 1975, С. 17.

⁵ Муҳаммадбердиев К.Б. История Хорезмской революции. Т.: Фан, 1986. С. 37.

⁶ Тошқулов Ж. Ёш хиваликлар: сиёсий қарашларнинг тадрижий ривожланиши. //Халқ ва демократия, 1992. №3-4, Б.55

тадқиқотларида ҳеч қандай манба кўрсатилмасдан Ёш хиваликлар ҳаракати XX аср бошлари (1905 йил)да биринчи рус буржуа инқилоби таъсирида «Хива жадиализм базасида оппозицион ижтимоий-сиёсий оқим сифатида шаклланди», деб таъкидланади ва 1910-1911 йилларда Туркия, Эрон инқилоблари сабаб партия ўз ишини анча фаоллаштирди ҳамда 1917 йилга қадар яширин фаолият олиб борди, - деб ёзишади.

Ёш хиваликлар партияси ташкилотчи раҳбарларидан бири Полвонниёз хожи Юсуповнинг «Япун маҳорабасидан сўнг газеталар ҳар турли тараққийларга доир мақолалар ёза бошладилар. Ман алардин ҳар турли газета, журналлар олиб ўқий бошладим. Ондин сўнг ҳар кунда ижтиҳодим (кучим, жаждим) зиёда бўлиб, ҳуррият учун талаша бошладим. Баъзи ҳурриятпарвар биродарлар ҳам қўшилиб, ҳурриятга доир музокаралар қила бошладик»¹.

Ёш хиваликлар партиясининг асосчиларидан бири Жуманиёз Ҳожи Бобониёзовнинг «Хива инқилобий ҳаракати тарихига оид материаллар» деб номланган кўлёзма китобида: «Дехқонларни эзиш кундан-кунга ўсди. Шундай қилиб, Ёш хиваликлар кун тартибига зулмга қарши кураш ва хонлик тузумини тенглик ва озодликка асосланган янги тузум билан алмаштириш вазифаси қўйилди. Бу вазифа билан 1914 йил август ойида Хива шаҳрида -инқилобий ташкилот тузилиб, П.Х.Юсупов раис ва ҳақиқий аъзоликка; **Жуманиёз Ҳожи Бобониёзов, Отажон Сафаев, Бобожон Якубов, Ҳакимбой Жонмуҳаммедов, Муҳаммадиёр Хўжа Абдуллаев, Худойберган Девонов, Отажон Хўжаниёзов, Раҳмонберган Якубов, Муҳитдин Умаров, Ҳусайнбек Муҳаммад Мурод (Матмурод) девонбеги ўғли, Мулла Жуманиёз Султонмуродов, Назир Шоликоров, Султонқори Жуманиёзовлар** сайландилар»².

Ёш хиваликларнинг асосий вазифаси озодлик ҳақида, меҳнаткаш деҳқоннинг озод, янги ҳаёти ҳақида танишлар, дўстлар, шунингдек, ишончли одамлар орасида ташвиқот олиб бориш ҳисобланган³. Ҳозирги кунда Жуманиёз Ҳожи Бобониёзовнинг «Хива инқилобий тарихига оид тадқиқотларда Ёш хиваликлар партияси ташкил топган санани аниқлашга асос бўлиб хизмат қилмоқда»⁴. Шунинг учун тарихчи Қ. Ражабов «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»даги «Ёш хиваликлар» мақоласида ва бошқа асарларида бу партия 1914 йилда ташкил топган, деб ёзади.

Бу ишларни амалга оширишда Бобоохун Салимов раҳнамолик қилди. У халқ орасида ва саройда Асфандиёрхон олиб бораётган сиёсатнинг хатолигини ошкора айтиб, хоннинг камчиликларини кўрсатиб бера олди. Бу халқ орасида Бобоохун Салимовнинг мавкеи ошишига, уни қўлловчи кишиларнинг кўпайишига олиб келди. Унинг тарафдорлари кўп бўлгани учун ҳам хон уни махфий ўлдиртириб юбориш ёки жазолашдан қўрқарди.

Мавжуд тузумга, хонга қарши хонликдаги барча миллат вакиллариининг биргаликда кураши зарурлигини ҳис этган Бобоохун қозикалон турли бекликлардаги норозилик ҳаракати раҳбарларини биргаликда курашишга чақирди. 1916 йил январь-февралда хонликда бўлиб ўтган қўзғолонда Бобоохун Салимовнинг, айниқса, туркман, ўзбек, қозоқ аҳолисининг биргаликда хонга қарши чиқишини уюштириш, ҳибсга олинган қўзғолон раҳбарларини озод қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда хизмати катта бўлди.

1917 йил февраль инқилобилан сўнг Ёш хиваликлар Рус подшоши истибдоди билан уйғунлашган мустабид хон зулми, мутаассиблик, хурофот, турли хил солиқларнинг кўплигидан азобланаётган халқни эркин ва фаровон турмушга олиб чиқиш, ислохотларни ўтказиш, мамлакатда фаровон ҳаётни йўлга қўйишда хон ҳокимиятига мухолифатда бўлдилар.

¹ Юсупов П.Х. Ёш хиваликлар тарихи, Б.77.

² www.ziyouz.com/index.php?option=com_content&task

³ Forum.ziyouz.com/index.php?topic=3783.120;wap2

⁴ Хоразм тарихи. 1-жилд. Урганч: Хоразм, 1997. 374-бет; 2-жилд. 13-бет; Ражабов Қ. Ёш хиваликлар. Б.498-500

1917 йил кузида хон тарафдорлари томонидан Мажлис раислигига сайланган Ортиқ охунни раисликдан тушириб, яна Бобоохун Салимовни раис қилиб сайлашга ҳаракат қилган Ёш хиваликлар қағтиқ қаршиликка учрашди. Улар динсизликда айбландилар. Полвонниёз ҳожи Юсупов, Назир Шоликоровлар суд қилинди, Ёш хиваликларнинг баъзи аъзолари қамоққа олинди. Қолган Ёш хиваликларнинг кўпчилиги солдатлар казармасидан паноҳ топишди. Ёш хиваликлар 1917 йил охирларида яширин фаолият олиб боришга ўтдилар.

Ёш хиваликларнинг Полвонниёз ҳожи Юсупов, Назир Шоликоров, Отажон Сапаев, Муҳиддин Умаров каби аъзолари турли йўллар билан Тошкентга қочганлар. Улар ҳибсга олинган Ҳусайн Матмуродов ва бошқаларни озод қилишга ёрдам сўраб, 1917 йил 30 декабрда Туркистон ўлкаси ХКСга мурожаат қиладилар ва ўзларини Ёш хивалик социал инқилобчилар, деб атайдилар. Худди шундай ном остида кейинчалик Туркистон Совет Республикаси МИҚга Хивадаги аҳвол тўғрисида доклад топширадилар¹.

Қачондан бошлаб Ёш хиваликлар сиёсий партия сифатида расмий фаолият олиб бора бошлаган?

Бу ҳақда Полвонниёз қожи Юсупов «Ёш хиваликлар тарихи» номли хотираларида шундай ёзади: «Бир куни (1918 йилнинг март ойлари) Юсуф афанди (Юсуф Ибрагимов - фавқулодда комиссар) маслаҳат берди: «Сизлар Ёш хиваликларнинг инқилобий кўмитасини тузинг», деб. Ман айтдим: «Бизлар 3-4 одаммиз, нечук кўмита очармиз?», Юсуф афанди айтди: «Ҳеч зарари йўқ, 1-4 одам бас турур. Бориб-бориб аъзоларингиз кўп бўлиб кетар», деб бизлар учун кўмита очмоққа буйруқ қилди. Мани раис сайлади. Отажон махрам Сапаевни саркотиб, Бобожонбойни муовин, Муҳиддин Умаровни хазиначи сайлаб, кўмита учун мухрлар, дафтарлар тайёр қилмоққа буюрди»². Фикримизча, ана шундан кейин Ёш хиваликлар партияси расмий фаолият олиб бора бошлаган.

Ёш хиваликларнинг сиёсий фаолияти тўғрисидаги расмий маълумотлар айнан шу даврдан бошланади.

1918 йил июль ойида Ёш хиваликлар ўз дастурларини ишлаб чиқдилар. Бунда улар ўзларини Хива инқилобий партияси, деб атаганлар. «Манифест» тарзидаги бу дастурнинг дастлаб қуйидаги пунктлари бўлган:

1. Хон ва унинг ҳукумати томонидан мамлакатдаги якка бошқарувни бутунлай тугатиш.
2. Хива ҳудудини Туркистон Республикасига қўшиб, РСФСР таркибига киритиш.
3. Хива хони, тўралар, беклар ва вазирларнинг бойлиги, ҳар хил кўринишдаги мол-мулкларини халқ бойлиги деб эълон қилиш.
4. Йирик ер эгалари мулкларидан камбағаллар ҳаётини яхшилашда фойдаланиш.
5. Шариат ҳукми билан вақфларнинг барча даромадини фақат халқ маорифи учун сарфлаш.
6. Хивадаги янги ерларни ўзлаштириш учун Амударёдан ариқлар чиқариш.
7. Болаларни бепул ўқитиш учун Хивада мактаблар очиш.
8. Хивадаги шаҳар ва кишлоқларда бепул даволовчи касалхона ва даволаш муассасаларини очиш.
9. Хива хони томонидан камбағал аҳолидан мажбуран тортиб олинган ер ва бошқа бойликларни ўз эгаларига қайтариш.
10. Асфандиёрхон ҳукмронлиги даврида хазинага тушган халқ бойлигининг нимага сарфланганлигини аниқлаштириш.
11. Кўприклар ва алоқа йўлларини яхшилашга киришиш.
12. Беклар томонидан камбағал аҳолидан мажбуран тортиб олинган ер ва мулкларни ўз эгаларига қайтариш.
13. Мажбурий текин меҳнат (бегор)ни бутунлай тугатиш.

¹ Юсупов П.Х. Ёш хиваликлар, Б.160-161

² Юсупов П.Х. Ёш хиваликлар, Б.160-161

14.Хон ва унинг ҳукуматини тугатиш, халқ ҳокимиятини тузиш ва юқоридаги дастурни амалга оширишга тезда киришиш, халқ ҳокимиятига қарши бўлган хон тарафдорлари, буржуазия ва аксилинқилобчиларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш¹.

Полвонниёз ҳожи Юсупов ёзишича, ушбу дастур Шокир Сиддиқов раислиги ва Давид Бакиров котиблигида ўтказилган мажлисда қабул қилинган. Ёш хиваликлар инқилобий қўмитаси котиби Отажон маҳрам Сапаев дастурнинг Хивани Туркистон республикасининг бир қисмига айлантиришдан иборат бўлган 2-моддасига қарши чиқиб: «...ушбу ҳурриятдан тамоми маҳкум халқлар истифода қилиб, ўз истиклолини олган вақтларида, биз Ёш хиваликлар ўзимизда бўлган мустақиллигимизни йўқ қилсак ватанга, миллатга хиёнат қилган бўлурмиз, тарихда ёмон отли бўлурмиз», - дейди. Лекин қўпчилик бу моддани олиб ташласак шўролар ҳукумати бизга ёрдам бермас, деган андиша билан унинг қолдирилишига овоз беришган².

Ушбу дастурнинг аниқлаштирилган 12 моддадан иборат варианты «Хива инқилобчилар партиясининг яқин вазифалари» номи билан 1920 йил 8 январда Тошкентдаги «Известия» газетасида босиб чиқарилган³.

1918 йил август бошларида Ёш хиваликлар инқилобий қўмитасининг аъзоларини жойларда инқилобий уюшмалар тузиш учун жўнатилади. Ҳужжатларда Ёш хиваликлар инқилобий қўмитасининг штамп ва муҳри нусхаси яхши сақланган. Юмалоқ шаклдаги муҳрга айлана тарзда «Младо-Хивинский Революционный Комитет» деб доира ичига араб ҳарфида "Ёш хиваликлар инқилобий қўмитаси" ва кириллчада Ташкентъ" сўзлари ёзилган. Демак, 1918 йил 5 июнда Ёш хиваликлар инқилобий партияси ўз дастури, тузилиши, муҳрига эга бўлган расмий ташкилот сифатида тўла шаклланган.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, Ёш хиваликлар ҳаракати 1904-1905 йилларда ҳамфикрлар, 1910 йил бошларида манфаатлар гуруҳи сифатида шаклланган бўлса, 1917 йилда амалдорлар, маърифатли бойлар, миллий буржуазия ва зиёлиларнинг Хива хониغا муҳолифатдаги сиёсий куч, 1918 йилда эса расмий сиёсий партия сифатида намоён бўлган.

¹ Мухамедбердиев К. История Хорезмской революции. Т.: Фан, 1986, С. 62-63.

² Юсупов П.Х. Ёш хиваликлар, Б.169-170

³ Қаранг: Мухамедбердиев К. Ўша асар, Б.63

П-БОБ. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР (1920-1929 йй.)

2.1. Мунаввар Қори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги яширин ташкилотлар мустамлакачилик сиёсатига қарши курашда.

Туркистон зиёлилари миллий истиқлол учун курашда ғолиб чиқиш, қолоқлик исканжасидан қутулиш учун, бир томондан, халқнинг миллий онгини уйғотиш, иккинчи томондан, тараққий этган Ғарб тажрибаси, илм-фанини ўрганиш муҳимлигини таъкидлайдилар. Жаҳид маърифатпарварлари тараққий этган давлатлар даражасига эришмай, замонавий билимлар билан қуролланмай туриб истиқлолга эришиб бўлмаслигини яхши тушунганлар.

1917 йилда ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий муаммо бўлиб қолди. Миллий озодлик учун давом этган ҳаракат Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона шаҳарларида "Иттиҳод ва тараққий", "Миллий истиқлол", "Туркистон Миллий Бирлиги", "Турон", "Шўрои ислом", "Озод халқ", "Фуқаро жамияти" ва бошқа турли ташкилотларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1917-1918 йилларда ўлка сиёсий ҳаётида 35 га яқин сиёсий партия, гуруҳ, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар мавжуд бўлган.¹ Буларнинг кўпчилигида жаҳидчилик ҳаракати вакиллари қатнашган.

Туркистон ўлкасида XX аср бошларида ўлкамизда миллий демократик ҳаракатлар, партиялар билан бир қаторда Россиянинг турли ҳил кайфиятдаги партиялари-большевиклар, кадетлар, октябристлар, қорағурухчилар, "Рус халқи иттифоқи", эсерлар каби партиялар фаолият юритар эдилар.

Туркистон зиёлилари, ўз навбатида, ўзга партиялар, ҳаракат ва уюшмаларнинг дастурлари ва сиёсий фаолиятдан хабардор бўлишган, ҳар бир партия тўғрисида ўз қатъи позициялари бўлган. Масалан, Бехбудий кадетларнинг конституциявий монархия тизимини яратиш дастурини маъқуллайди, зеро бу подшоҳга халқ билан бевосита мулоқот қилиш имкониятини беради. Унинг фикрича, бундай тизимда барча синфлар, миллатлар, шу жумладан, мусулмонлар ҳам эркинлик ва тенгликка эришади, ҳар томонлама ривожланиш имкониятига эга бўлади.

Социал демократлар (болшевиклар) партияси ҳақида тўхталаркан, Бехбудий уларнинг дастурларида олға сурилган мақсад-вазифаларни хом ҳаёлдан бошқа нарса эмас деб баҳолайди. Уларнинг қарашлари шариат қонунларига зид келади ва мусулмонлар ҳаётига мувофиқ эмас деган фикрни билдиради, "... бу тоифага қўшилмоқ биз мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлидир" деб ҳисоблайди.

Туркистон мусулмонларининг бўлғуси партияси иқтисодиёт, мафкура ва фан масалари бўйича мусулмон иттифоқининг сиёсати масалаларида кадетлар партиясининг дастурини қабул қилиши лозим.²

Демак, жаҳидлар биринчи рус инқилоби йилларидан то 1917 йил февраль инқилобига қадар кадетлар партияси дастурини қўллаб қувватлаганлар. Чунки улар миллий менталитетнинг ўзига хослиги, ўзбек халқининг тинчликсеварликка мойиллиги сабаб парламентаризм тарафдори бўлиб чиққанлар. Жаҳидлар тактикаси демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш, демократик институтлар барқарорлигини таъминлаш, ҳукумат иши учун етарли шарт-шароитлар яратиш, миллатни бирлаштириш ва уларнинг сиёсий онгини оширишдан иборат бўлди. Аммо вақт ўтиши билан тарихий шарт-шароитга қараб жаҳидлар ўз тактикаларини ўзгартириб борганлар. Конституциявий монархия ғоясидан бутунлай воз кечдилар. Давлат мустақиллигига эришиш ҳақидаги ғоя биринчи

¹ Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тарихининг муҳим муаммолари. Илмий назарий конференция материаллари 25 -26 ноябр 1992 йил. Тошкент, 1992, Б.52

² Аъзамхўжаев С.Туркистон мухторияти, Т., Маънавият, 2000, Б.20

ўринга қўйилди ва Туркистонга Россия демократик федератив республикаси таркибида худудий мухторият берилиши тарафдори бўлиб чикдилар.

Буюк миллатпарвар, Ватан истиқлоли йўлида шаҳид ўтган Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг миллий истиқлол учун мустабид комфирка сиёсатига қарама-қарши олиб борган ошкора ва ноошкора кураши тарихи мустақиллик даврида ойдинлашмоқда.

Мунаввар Қори дастлаб октябрь тўнтаришининг номиллий моҳиятини тўла тушуниб етса-да, халққа берилган эркинликлар ва шиорларни маъқуллайди. Ижтимоий-сиёсий фаолиятга берилади. 1917 йил март ойининг бошларида Мунаввар Қорининг катта сайъ-ҳаракати билан Тошкентда мусулмон халқлари шўроси – “Шўрои исломия” ташкил топди. Мунаввар Қори унинг раиси ўринбосари этиб сайланади. Апрельнинг ўрталарида Туркистон мусулмонларининг биринчи умуммусулмон ўлка курултойи чақирилади.¹ Унда 150 нафар энг фаол вакиллар қатнашади. Мунаввар Қори шу тарихий анжуман раёсатига раис этиб сайланади. Унинг раҳбарлигида курултойида даврнинг 16 та энг долзарб масалаларини муҳокама қилиб, тегишли ижобий қарорлар қабул қилади. Булар орасида Туркистоннинг сиёсий жиҳатдан ўзини бошқариши, бўлажак ҳукумат, уруш, мардикорликка олинганлар, таъсис курултойини чақириш, Туркистонда “Шўрои исломия”нинг Бутун Туркистон Миллий марказини тузиш, ер, сув ва бошқа масалалар бор эди. “Шўрои Исломия”нинг шу биринчи курултойида Туркистон мусулмонларининг Миллий маркази сайланади. Унга Мунаввар Қори (раис муовини), Мустафо Чўқаев (раис), Маҳмудхўжа Бехбудий ва бошқалар киради.²

Мунаввар Қори шўро ҳокимияти даврида, дастлаб, Тошкентдаги эски шаҳар маорифи бўлими мудири, Туркистон ҳукумати олий органи — Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси, Маориф Халқ Комиссарлиги коллегияси аъзоси, Бош Вақф Бошқармасида бўлим мудири, оддий ўқитувчи, газета муҳаррири бўлиб ишлайди. 1918 йилда Мунаввар Қори ташкилотчилигида «Бирлик» уюшмаси ташкил топади. Бундан мақсад фирқали ва фирқасиз, зиёли ва оддий фуқаро ҳамда ёшларни бирлаштириш орқали комфирка таркибида кўпчилиكنи ташкил этиш эди. Уни ташкил этиш маросимида иштирок этган Тангриқулхўжа Мақсудов шундай ёзади: «Мана шу йиғилишда Саъдуллахўжа Мунаввар Қорини кутиб олиш чоғида у билан ўпишиб, ўзини эсер деб таништиради ва Ватан учун ишлашга ҳамиша тайёр эканлигини айтади. Бу йиғилишда «Изчилар» номли мусиқа оркестри ҳам бўлиб, мусиқачилар Акмал Икромов бошқарувида «Яшасин Мунаввар Қори, Яшасин миллат!» деган ашулани айтадилар». Мунаввар Қори инқилоб ва шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллатнинг маънавий-мафкуравий отаси, сиёсий раҳбари даражасига кўтарилади. Миллат ва Ватан манфаати йўлида 1918 йилда комфирка сафига киради. Мусулмон коммунистик ташкилоти ташкил топишида унинг таъсири ҳам кучли бўлди. 1919 йил март ойида РКП(б) Марказий Қўмитаси розилиги билан II ўлка фирқа конференциясида РКП(б)нинг Мусулмон бюроси — «Мусбюро» тузилди. Унга Т. Рискулов раис, Мунаввар Қори, Н. Хўжаев, А. Муҳитдинов, Ю. Алиев ва Ю. Ибрагимовлар аъзо бўлиб сайланди.

Туркистон мусулмон коммунистларининг III конференцияси ва номусулмон Туркистон коммунистларининг V конференцияси (1920 йил, январь) Мусулмон фирқа ташкилотини «*Турк коммунистик фирқаси*», Туркистон Мухтор республикасини эса «*Турк мухтор республикаси*» деб номлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади.³ Бироқ бунга мустамлакачилик сиёсатини янгича шаклда давом эттираётган Турккомиссия раҳбарлари қарши чиқади ва мусулмон коммунистларининг хоҳиш-иродаси асосида қабул қилинган юқоридаги қарорларни бекор қилади. Т. Рискулов бошлиқ мусулмон коммунистик

¹ Turklib.uz/?category=general_history-bio...munavvar

² Greylib.su/?category...milliy_uygonish_davti_ozbek_adabiyoti

³ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги таризи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ. 2000, Б.80

ташкilot раҳбарлари, шу жумладан, Мунаввар Қори ҳам «миллий оғмачилик»да айбланиб бадном қилинади.

Бухорога қизил армия бостириб кириб, босиб олгач, Мунаввар Қори Туркистон шўролари Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан Бухоро ҳукуматида ёрдамчи ходим сифатида ишга юборилади. Унинг бу ерга келиши билан Бухоро **яширин миллий-озодлик ҳаракати марказига айланади**. Аҳмад Заки Валидий бошчилигида яширин «Туркистон Миллий Бирлиги» қўмитаси (Ўрта Осиё Миллий Мусулмон жамиятлари федерацияси) тузилади. *Унинг асосий вазифаси Туркистон, Бухоро ва Хоразми коммунистик босқиндан озод қилиш, «босмачилик уруши»га ташкилий тус беришга қаратилади.*

Мунаввар Қори «Туркистон Миллий Бирлиги» ҳаракатининг асосий фаолларидан бирига айланади. Шунинг учунми, у Бухородан тез орада Тошкентга чақириб олиниб, 1921 йилда давлат тўнтариши яшашда гумон қилиниб, бир гуруҳ кишилар қатори қамоққа олинади. Орадан бироз вақт ўтгач, у Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасининг авф этиши (амнистияси) асосида қамоқдан озод қилинади.

Мана шундан сўнг унга фирқавий ва маъмурий тазйиқ борган сайин кучайиб боради. Ниҳоят у Комфирқа сафидан чиқишга мажбур бўлиб, шундай дейди: *«Мен ўзимни ўзбек халқим учун фойдали ҳисоблаганим учун коммунистик партияга кирдим, агар менинг халқим фойдаси учун қайси бир партияга кириш лозим бўлса, мен ўшанга ўтавераман».*¹

Мунаввар Қорининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги билан 1917 йилдан то 1929 йилгача бир неча ижтимоий-сиёсий миллий ташкилотлар ташкил топади. Мунаввар Қори шўро ҳукумати ва коммунистик фирқа миллий сиёсатининг ёлғончилик, маҳаллий манфаатга зид моҳиятини тушиниб етади. Шунинг учун ҳам *у миллий ўзликни сақлаш ва миллий мустақиллик мафқурасини ҳимоя қилиш ҳамда раҳбар фирқа ва ҳукумат органларини «миллийлаштириш» ишларини олиб боровчи расман ошқора ва яширин бир қатор ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий миллий ташкилотларга зоявий раҳбарлик қилади. Масалан: «Кўмак» (1909-1923), «Иттиҳоди тараққий» (1917-1920), «Шўро исломия» (1917—1918), «Миллий иттиҳод» (1921-1925), «Миллий истиқлол» (1926-1929), «Туркистон Миллий Бирлиги» (1920—1923). Булар шўро ёзма тарихига киритилмасдан яширин сақланиб келинди, ҳужжатларда «аксининқилобий», «аксинишўровий», «нохалқчил» ташкилотлар сифатида қайд қилинди.* Мунаввар Қорининг қамоқхонада ёзган «Хотираларим» асарида шундай сўзлар бор: «Менинг ёзган китобларим ва мафқурамга нисбатан 1925 йилдан бошлаб матбуотда жуда кучли ҳужум бошланди... Табиий равишда, мен уларга тоқат қила олмадим. Шу сабабдан Тошкентни бутунлай тарк этиб кетишга, Москвага бориб, у ерда қолган умримни ўтказишга... азму қарор қилдим».² Мунаввар Қори Ўзбекистон халқ маорифи комиссарлигидан жавоби олгач, Афғонистоннинг Тошкентдаги ваколатхонаси орқали хорижга ўтиб кетишга ҳаракат қилади. Аммо бу амалга ошмайди. 1928 йили ёшларни миллатчилик руҳида тарбиялашда айбланиб Мунаввар Қори мактаб ўқитувчилигидан ҳам ҳайдалади. Озгина вақт Самарқанд шаҳар музейида илмий ходим бўлиб ишлайди. Кейин Тошкентдаги Эскилик ва санъат ёдгорликларини сақлаш қўмитаси вакили лавозимида ўтказилади. Бу охириги иш жойи бўлиб, унда ҳам кўп ишлаш имкони бўлмайди. Уйда ишсиз ўтириб қолади. Унинг ўзи ёзишича, ҳар куни 9—10 соатлаб уйда қўлқоп ва пайпоқ тўқийди. Уларни сотиб тирикчилик ўтказди. Бу даврда унинг хотини Лазизахон тиббиёт билим юртида ўқиши сабаб, бирор жойда ишламас эди.³

1928 йилнинг бошларида СССР Халқ Комиссарлари кенгаши қошидаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг Ўрта Осиёдаги мухтор вакили Бельский Мунаввар Қорини чақириб, жаҳидчилик ҳақида у пайдо бўлганидан бошлаб то ҳозиргача ёзиб келишни

¹ Қаранг: Аҳмад С. Мунаввар Қори // Шарқ Юлдузи, Тошкент, 1992, №5, Б.107

² Абдурашидхонов М.Қ. Хотираларимдан. Т.: Шарқ, 2001. Б.30

³ www.sales.uz/files/Kirish.doc

талаб қилади. Шундан сўнг у, бир томондан, «бўлиб ўтган воқеаларни тадқиқ қилиш ва тарихий материал қолдириш» мақсадида, иккинчи томондан эса, ҳукумат олдида ўз «сиёсий мавқеини яхшилаш» умидида «Хотираларим»ни ёзишга киришади.¹ «Хотираларим»нинг биринчи қисми ёзилиб, иккинчиси ҳам тугай деб қолган бир пайтда ГПУ томонидан Мунаввар Қори қамоққа олинади.²

1929 йил 6 ноябр - бутун ўзбек зиёлилари учун тарихда қора кун бўлиб қолди. Чунки шу куни бирдан 26 нафар зиёли, ноябрь-декабрь ойларида 38 киши қамоққа олинади. Умуман, 1931 йилнинг бошларигача Мунаввар Қори бошчилигидаги «аксилинкилобий ташкилот» — «Миллий истиқлол» аъзоларидан 87 киши озодликдан маҳрум этилади. Уларнинг ҳаммаси бир жиноий иш — РСФСР жиноий кодексининг 58-моддаси ва ундаги турли хил бандларда белгиланган «аксилинкилобий ҳаракат ва фаолият»да, яъни, миллий-озодлик ва истиқлол ҳаракати ташкилотчиси ва фаоллари сифатида жиноий жавобгарликка тортилади.

Мунаввар Қорининг қамоққа олиниши вақтида уйда ўтказилган тинтув ҳақида унинг жияни (кичик акасининг ўғли) Муҳаммадхон Муслумхон ўғли Абдурашидов шундай эслайди: «Уч ака-ука Аъзамхон, Муслумхон ва Мунаввархон бир ҳовлида жуда иноқ яшашган. Ҳовлимиз жуда катта эди. Амаким унинг ярмида янги усулдаги мактаб очиб, болаларни ўқитган. Эсимда бор, 1929 йили ноябрь ойлари бўлса керак, тонг отар чоғида ҳовлимизга ГПУнинг қуролланган ходимлари бостириб кирди. Уларнинг бир қисми ҳовлидан ҳеч кимни ташқарига чиқармай, ҳатто ҳожатга борганлар орқасидан ҳам кузатиб турди. Бошқалари эса, уйда тинтув ўтказиб, жуда кўп китоб, газета, қўлёзма ва расмларни қоплаб олди. Тинтув эрта тонгдан номози асргача давом этди. Соқчилардан бири томга чикиб тинтув ўтказиш вақтида чийлампа қилиб қўйилган айвон шипига осилиб қолгани эсимда. Унинг танасининг бесўнақайлиги ҳозир ҳам кўз олдимда турибди».³

Бу ўша вақтда ўн яшар бўлган, кейин эса коммунистик қатағонлик мавсуми даврида 8 йил қамалиб ундан озод бўлганидан кейин ҳам узоқ йиллар ўз Она шаҳри Тошкентда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган миллатпарвар ажойиб бир инсоннинг хотираси.

Мунаввар қори 1917-йил феврал инқилобидан кейин Туркистонда демократик миллий давлатчиликни тузиш ғоясини илгари сурди. У Қўқонда ташкил топган Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлади.

Мунаввар қори 20-йилларда ўзбек юртининг мустақиллиги учун кураш вазифасини ўз олдига қўйган "Миллий иттиҳод" ва "Миллий истиқлол" яширин ташкилотларига раҳбарлик қилган. У 1929-йилда қамоққа олинади ва 1931-йилда отиб ўлдирилади. Унинг хоки Москвадаги Ваганково қабристонидадир.

1920 йилда Бухоро ва Хива ҳам большевиклар назоратига ўтди. Бир муддат ҳар икки хонлик ўрнида «халқ жумҳурияти» номи билан қўғирчоқ ҳукуматлар тузилиб, иш олиб бордилар. 1924 йилда буларнинг ҳаммаси барҳам топиб, Туркистон совет империясининг узоқни кўзлаган сиёсати натижасида беш бўлакка бўлиб ташланди. Сўнг эса большевикча «ўзлаштириш» бошланди. Асрий тартиб ва удумларни йўққа чиқарувчи «Ер-сув ислоҳоти» амалга оширилди. «Хотин-қизлар озодлиги» ниқоби остида миллатнинг муқаддас тарбия ўчоғи бузиб ташланди. Ниҳоят «коллективлаштириш» каби «социалистик» тажрибалар ўлка ҳаётини тамом издан чиқарди. Булар етмаганидай, социализм ривожланган сари синфий кураш кучайиб боради деган сохта, сталинча назария тўқиб чиқарилиб, душман излаш авж олди. Шу баҳонада миллий зиёлиларни таъқиб қилиш кучайди. Хусусан, жаидчиликни миллатчилик сифатида қоралаш йўлга

¹ Абдурашидхонов Мунаввар Қори. Хотираларимдан.(Жаидчилик тарихидан лавҳалар). Т.: Шарқ, 2001, Б.15-18

² Абдурашидхонов Мунаввар Қори. Хотираларимдан.(Жаидчилик тарихидан лавҳалар). Т.: Шарқ, 2001, Б.113

³ Ўша жойда. Б.115

қўйилди. 1927 йил октябрда шоир Чўлпон бадном этилиб, Ўзбекистон зиёлиларининг Самарканддаги курултойидан ҳайдаб чиқарилди. 1929 йилда «Мунавварқори тўдаси» «иш»ларини кўриш бошланди.

«Мунавварқори тўдаси» «иши»га 87 киши жалб этилди. Тергов материаллари 18 жилдни ташкил қилди. Шулардан 18 киши отишга, 21 киши 10 йилга, 13 киши 5 йилга, 3 киши 3 йилга қамоқ жазосига, 1 киши Омскка сургунга ҳукм қилинди, жами 56 киши жазоланди. Шу тариқа 1929 йил, совет тарих фани қайд этганидек, советлар учун «буюк бурилиш йили» бўлди. Ҳар қандай эркин фикр тугатилиб, коммунистик диктатура мустаҳкам қарор топди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистоннинг кўзи очиқ зиёлилари оқ империяни ҳам, қизил империяни ҳам қабул қилган эмас. Шу сабабли, октябрнинг дастлабки кунлариданоқ миллатнинг ватанпарвар фарзандлари истиқлол йўлларини қидирдилар. Архив материаллари ва тарихий шахсларнинг гувоҳликлари 1917 йилдан ўлкада шу мақсадни кўзда тутувчи «Иттиҳод ва тараққий», «Турк адам марказияти», «Иттиҳоди миллий», «Бирлик» (1919), «Эрк» (1919), «Темур», «Ботиргапчилар» каби яширин ташкилотлар тузилганлигини, 1921 йилда «Туркистон Миллий Бирлиги» ташкил топганлигини кўрсатади. Туркистон Миллий Бирлиги 20-йилларда тарихга «босмачилик» номи билан кирган миллий-озодлик ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштириб боришда муҳим роль ўйнади.

2.2. Миллий муҳолифат ҳаракати ва "Туркистон Миллий Бирлиги" яширин ташкилоти

1920 йилларда жадидлар шўроларга қарши истиқлол учун демократик кураш усулларининг турли усулларида фойдаландилар, ўзларининг кураш шакллари ўзгартириб турдилар. 1919 йил январда Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг ташаббуси билан *“Бирлик” уюшмаси* ташкил этилди. Аммо «Иттиҳоди тараққий» ҳам ўз фаоллигини тўхтатган эмас, аксинча, у янада ривожланди ва кенг тармоқ отди. Бу даврга келиб *«Иттиҳоди тараққий» ўз номини ўзгартириб, «Миллий иттиҳод» ёки «Иттиҳоди миллий» деб атала бошлади.*

Курашнинг ўзгарган бундай янги тактик йўлини янги тарихий вазият тақозо этарди. Янги тарихий вазиятнинг моҳияти шундай иборат эдики, биринчидан, жадидлар дастлабки пайтда шўролар ҳокимияти Туркистонда узоқ яшаб қола олмайди, деган фикрда бўлганлар. Шу боис улар шўроларга қарши тўғридан-тўғри қуролли кураш йўлини ёқладилар. Аммо ҳаёт бошқача йўлдан ривожланди. Большевойлар ҳукумати 1919 йилга келиб Туркистонда ягона қудратли кучга айланди. Бу объектив вазиятни ҳисобга олмаслик ва кўр-кўрона фақат қуролли курашга таяниш аянчли оқибатларга олиб келарди. Иккинчидан, большевойлар ва шўролар илгари сураётган дастур ва шиорлар жадидларнинг «Озодлик, Тенглик ва Адолат»дан иборат дастурий шиорларига ҳамоҳанг эди. Бу ҳол жадидларга давр билан ҳисоблашиш, большевистик шўролар ҳукуматига яқинлашиш, улар билан ҳамкорлик қилиш асосида стратегик дастурий мақсад учун кураш олиб бориш кераклиги тўғрисида ҳаётий сабоқ берди. «Иттиҳоди тараққий» раёсатида аниқ вазифалар белгиланди: *«Шўро ҳукуматининг яшаб қолишига шубҳа барҳам топиши муносабати ҳамда жамиятнинг ғояларини ҳукумат билан иттифокда амалга ошириш осон ва мақсадга мувофиқ эканлиги туфайли... унинг аъзолари Мунаввар Қори ва бошқаларга бошланган ишни давом эттириш учун большевойлар фирқасига киришга рухсат этилсин»¹.*

Ана шу умумий йўл асосида жадидларнинг аксарияти 1919 йил бошларидан эътиборан, комфирқа сафига кира бошладилар. Бу мусулмон меҳнаткашларининг ҳам

¹ Қаранг: Ахмад С. Мунаввар қори //Шарқ Юлдузи, 1992, №5. Б.108; Яна қаранг: Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан. (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Т.: Шарқ, 2001, Б.24

комфиркага киришлари учун катта туртки бўлди.¹ Оқибат натижада коммунистик фирқа ташкилоти таркибида мусулмонларнинг сони тез кўпайди. Бу эса алоҳида миллий мустақил коммунистик фирқа ташкилотини тузишни тезлаштирди. Бундай ташкилот расман ТКПнинг II конференцияси (1919 йил март)да ташкил топди. Бу конференцияда унинг юқори бошқарув органи РКП (б) Мусулмон бюроси (Мусбюро) сайланди, Унга Т.Рискулов (раис), Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Юсуф Алиев, Эфендиев, Абдукодир Муҳитдинов, Низомиддин Хўжаев, Т.Хўжаев, Муҳаммаджон Исаев, Ҳусайн Иброҳимов, Фахритдинов, Фаварисов, Ханталижский аъзо бўлиб сайландилар².

Мусулмон фирқа ташкилоти ўзининг юқори ва қуйи органлари орқали маҳаллий халқ манфаатига тегишли бир қатор масалаларни ҳал қилишга ёки кўтариб чиқишга муваффақ бўлди. Тез орада унинг фаолиятида жадидларнинг таъсири кучли эканлиги сезилди. Шунинг учун ҳам бу фирқа ташкилотига халқнинг миллий манфаати йўлида узоқ муддат фаолият юритиши учун имконият берилмади. У атиги бир йиллик тарихга эга бўлди, холос. Лекин шунга қарамай, у миллий манфаат, истиқлол, тенглик учун Россия шўролар мустамлакачилиги ва шовинизмига қарши кураш олиб борди, муҳолифат демократик фирқа ташкилотига айланди. Унинг бўлиб ўтган учта ўлка конференцияларида мусулмонлар ҳаётига оид масалалар муҳокама қилинди. Туркистонда шўро ҳукумати ва коммунистик фирқа амалга оширган сиёсат танқид остига олинди.

1925 йилда Мунаввар қори ташаббуси билан «Миллий иттиҳод» «Иттиҳоди миллий», «Миллий истиқлол» деган ном билан қайта ташкил этилади. Бу ташкилотнинг тузилишига Ўзбекистон Шўро Социалистик Республикасининг ташкил этилиши ҳамда Туркистоннинг парчалаб ташланиши, Туркистон бирлиги учун курашнинг ўта мушкуллашиб кетганлиги сабаб бўлди. ***Ўзбекистон жадидлари энди ўз олдиларига асосий вазифа қилиб, мустақил Ўзбекистон учун курашни қўйдилар. Лекин бу билан улар умумтуркий олам бирлиги гояси, Туркистон қадимий ота ва она макон эканлиги, туркий миллий маданият ва қадриятлар ўчоғи эканлиги гоясини инкор этмаганлар.*** «Иттиҳоди тараққий» ва «Миллий иттиҳод» мустақил Туркистон учун курашган эди. «Миллий иттиҳод»нинг ташкилий тизими, кураш усуллари «Миллий истиқлол»да ҳам сақланиб қолди. «Миллий истиқлол» маркази «учлик» бошқаруви Мунаввар Қорининг ишонган шогирдлари Лазиз Азиззода, Салимхон Тиллахонов ва Ғофуржон Мусахоновлардан иборат бўлди.

Ташкилотнинг Наманган, Андижон, Самарқандда бўлимлари бор эди. Ташкилотга раҳбарликни махфий суратда Мунаввар қори Тошкентда туриб амалга оширди. Мунаввар қори қамоққа олингунига қадар ушбу ташкилотга раҳбарлик қилди. Унинг ҳақида Салимхон Тиллахонов ГПУ терговчиси сўроғига берган жавобда бундай деган эди: «Бизнинг ташкилотимизнинг («Миллий истиқлол») дастури йўқ эди. Унинг дастури ҳам, раҳбари ва илҳомчиси ҳам Мунаввар қорининг ўзи бўлган»³.

Лазиз Азиззода ҳам ўз устозининг сиёсий фаолияти ҳақида қуйидагини ёзиб қолдирган: «У ташкилотнинг яккаю ягона раҳбари, теран ақлли мафкурачиси, илҳомлантирувчи стратеги, уста дипломат ва бошқа шу каби жуда ҳам ижобий киши ҳисобланади. Унинг ақл-заковати ҳар доим ҳиссиётдан устун бўлган, шунинг учун ҳам у ўз ҳаракатида камдан-кам хатоликка йўл қўяди. Агар Мунаввар қори ташкилотга раҳбар бўлмаганида, у бу қадар муваффақиятларга эриша олмас эди.»⁴

«Миллий истиқлол» ўз йиғилишларини унинг аъзолари хонадонларида «гап» базми, ҳар хил меҳмондорчилик баҳонаси остида ўтказган. Ташкилот фаолларидан бири Фатхиддин махсум Исматуллаевнинг гувоҳлик беришича, шундай «гап»лардан бири

¹ Ўша жойда. Б.109

² Қаранг: Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1919-1920 г. Т., 1922, С.31

³ Қаранг: Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). Андижон, 2004, Б.312

⁴ Қаранг: Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан. (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Т.: Шарқ, 2001, Б.101

Мунаввар қорининг боғида ўтказилган. Унда Мунаввар қори «Миллий истиқлол»нинг ҳамма уездларда беш кишилиқ раёсат (раис, котиб, хазинабон, икки аъзо)дан иборат бўлимлари тузилганлиги ҳақида ахборот берган. Шу билан бирга у эски ташкилотнинг дастури ҳозирги шароитга тўғри келмаслиги ва янги ташкилотга ГПУни чалғитиш мақсадида кўпроқ ёшларни жалб қилиш зарурлигини айтган ва ўз сўзини якунида шундай деган: «Ҳозир мактабларда миллий руҳ қолмади. Бу масалада ҳеч қандай иш қилинмаяпти. Агар аҳвол шундай давом этаверса, ўзбекда миллий руҳ йўқолиб кетади. Ўзбекистон руслар оёғи остида қолади».

«Миллий истиқлол» ўта махфийликда иш юритди. Унга аъзоларни қабул қилиш ҳам бутунлай махфий ва ихтиёрийлик, Ватан олдидаги ўз бурч ва масъулиятини тўла ҳис этиш асосида ўтказилди. Бунинг учун, аввало, «Миллий истиқлол»га кирувчи унинг бир аъзосидан тавсия олиши шарт бўлган. Шундан сўнг у маълум муддатда синовдан ўтгач, қатъий тартиб-қоида асосида уч киши гувоҳлигида ташкилотга қабул қилинган. Қизиғи ҳам, ҳайратланарли томони ҳам шунда-ки, у ўзини олиб келган кишидан бошқа иккаласи билан туташ бўлмайди, уларнинг борлигини сезиб, кимлигини билмаган ҳолда қасам ичади.

Бу тўғрида «Миллий истиқлол» маркази «уч»лигининг аъзоси Салимхон Тиллахоновнинг ушбу ёзувлари диққатга сазовордир: «Мен белгиланган муддатда, кечқурун Илҳом Исломовни Ғофуржон Мусохоновнинг уйига олиб бордим. Бизнинг келганимизни билиб, дарвозани унинг ўзи очди-да, ўзини четга олди. Биз қоронғи меҳмонхона орқали ичкари хонага кирдик. Парда орқасида турган Асадулла Ҳожихонов қасамд сўзини такрорлаб эслатди. У шундан иборат эди: Мен шу дақиқадан бошлаб «Миллий истиқлол» ташкилотига кираман. Унинг барча буйруқларини ҳеч қандай эътирозсиз бажараман, унинг олдидаги мақсади рўёбга чиқиши учун керак бўлса жонимни, бутун молу дунёмни қурбон қилишга тайёрман. Унинг сирларини ҳеч қачон, ҳеч кимга ошқор қилмайман, бунинг учун виждон ва иймону эътиқодим билан худованди Карим олдида қасам ичаман. Шундан сўнг И.Исломов бу қасамднинг бир қўлини Қуръони Карим, иккинчи қўлини тўппонча устига қўйиб қайта такрорлади»¹.

Мунаввар Қорининг куйидаги сўзлари бу фикрнинг яққол исботидир, «Бизлар ...шўро ҳокимиятининг Оврўпа буржуазияси билан тўқнашувда муқаррар равишда ҳалокатга учрашини назарда тутдик. Бизлар унинг йўқ қилинишига ишондик ва бунга тайёргарлик кўришга, шўро ҳокимияти ҳалокати юз берганда ҳокимиятни қўлга олишга тайёр туришга. қарор қилдик... Шу ерда, менимча, Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев) баёнотини мисол тариқасида келтириш ортиқчалик қилмайди. У шўро ҳокимияти ўзининг биринчи ўн йиллигига бормасданок, албатта, Оврўпа буржуазияси билан тўқнашувда ҳалок бўлади, агар биринчи ўн йилликда у ҳарбий тўқнашувга дучор бўлмаса, аҳвол анча қийинлашади, деб айтган эди».

Шу боисдан ҳам жаҳидлар истиқлолчилик ҳаракатини ягона қўмондонликка бўйсундиришга ва унга ғоявий ташкилий раҳбарлик қилишни ўз қўлларига олишга ҳаракат қилдилар. Ана шу мақсадда уларнинг баъзи бирлари тўғридан-тўғри кўрбоши бўлиб, душманга қарши жанг қилган бўлсалар, бошқалари эса кўрбошилар қароргоҳи ва ҳукуматларида маслаҳатчи ва ғоявий раҳбарлик вазифасини бажардилар. Жаҳидлар кўрбошилар ўртасидаги ўзаро ихтилофларни бартараф қилишга катта куч сарфладилар.

Истиқлолчилик ҳаракати яширин ташкилотларининг раҳбарлари Мунаввар Қори, Усмонҳожиги Тўхтаҳўжаев, Исроилжон Ибрагимов, Обид Саидов, Тангриқул Мақсудов, Зайнутдин қори Насритдинов, Абдуллаҳожиги Ғофуров ва бошқалар бевосита кўрбошиларнинг қароргоҳларида сиёсий раҳбар, маслаҳатчи ва алоқа боғловчи бўлиб хизмат қилдилар.

«Миллий истиқлол» ташкилоти қарори билан Раҳмонкул кўрбоши қароргоҳига борган Усмонҳожиги Тўхтаҳўжаев, у ердан туриб Садриддинхоннинг сўзлари билан

¹ Қаранг: Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). Андижон, 2004, Б.313-314

Тошкентда иш бошлаган комфирқа курултойига ўлтиматум ёзиб, Фарғонага мухторият берилишини талаб этган эди.

1931 йил 25 апрелда СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Давлат сиёсий бошқармаси ташкилоти (ОГПУ)нинг судлов коллегияси ўзбекистонлик 87 истиклолчининг «жиноий иши» тўғрисида чиқарган қарорда шундай деб кўрсатилди: «1921-23 йилларда «Миллий иттиҳод»нинг кўпгина аъзолари жойлардаги босмачилар тўдаси орасида ёки босмачилар бошлиқлари билан жинояткорона алоқада бўлиб, совет ҳокимиятига қарши қуролли курашни ташкил этишда бевосита қатнашди». Яна шу айблов ҳужжатида «Миллий истиклол» ташкилоти ҳақида қуйидагилар ёзилган эди: «Бундан ташқари бу ташкилот босмачиликка нисбатан ижобий муносабатда бўлди. Унинг баъзи филиал (бўлим)лари, масалан, Наманган бўлими 1928-1929 йиллардаги босмачилар тўдасининг совет ҳукуматига қарши қуролли чиқишларида қатнашди»¹.

Истиклолчи жаҳидлар эътибор берган асосий масалалардан бири миллий руҳни ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Бу ўринда Мунаввар қорининг ўзи шундай деб ёзади: «Миллий чегараланиш» миллатчилик майлларининг кучайишига туртки бўяда; Бизлар миллатчиликнинг ўсишини ҳамма жабҳаларда - оммада ҳам, матбуотда ҳам, адабиётда ҳам, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳасида кузатиб турдик. Бу ҳолатдан бизлар миллийликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланишга азму қарор қилдик.... Бизларга миллий ғоя, миллий руҳни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасидаги тарғибот ишларини олиб бориш коммунистик кадрларнинг савияси паст бўлганлиги сабабли осон кўчди. Тошкентдаги газета ва журналларнинг редакцияларида ҳамда адабиётда Ғози Юнус, Жулкунбой (А.Қодирий), Чўлпон, Санжар, Усмонхон Эшонхўжаев, Элбек каби миллий зиёлилар катта рол ўйнаш билан бирга салмоқли таъсирга эга эдилар. Гапнинг қисқаси, матбуотда миллий таъсир коммунистик таъсирдан кучли эди. Масалан, Ғози Юнус очикдан-очик ёзса, бошқалар ўз миллий ғояларини инкилобий сўзлар остига олган ҳолда, эҳтиётлик билан ёзади»².

Ҳақиқатан ҳам 20-йиллардаги шоиру ёзувчилар, матбуот ходимлари ва бошқа ижодий зиёлилар асосини жаҳидлар ташкил этди. Шунинг учун ҳам бу давр адабиёти ва дарсликларида миллийлик ва миллий рух кучли эди. Бу эса кейинроқ жаҳид ва уларнинг таъсирида бўлган зиёлиларнинг комфирқа томонидан қатагон қилинишига асосий сабаблардан бири бўлди.

Жаҳид ташкилотлари мустақилликка эришишининг асосий йўлларида бири ҳукумат ва бошқа давлат корхона, идора ва муассасалари раҳбар кадрларини маҳаллий кадрлар билан алмаштиришдан иборат, деб билди. Шунинг учун ҳам улар комфирқанинг маҳаллийлаштириш сиёсатидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Истиклолчи жаҳидлар ҳукумат идораларини маҳаллийлаштириш билан ҳокимиятни кўлга олмоқчи бўлдилар. Шу боисдан «Миллий истиклол» марказида махсус тузилган «учлик» маҳаллийлаштириш билан шуғулланди. Унинг бири ҳукуматнинг маҳаллийлаштириш комиссияси билан яқиндан алоқада бўлди. Иккинчиси, матбуот таҳририятларида, учинчиси эса ҳукумат муассасаларида ишлаб, ўзларига яқин миллий руҳдаги кишиларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга, ҳар хил идора ва матбуот органларида ишлашига ёрдам берди.

Мунаввар Қори ва унинг шерикларини сўроқ қилиш оир йилдан ортиқ давом этади. Ниҳоят Мунаввар Қори бошлиқ 87 кишининг «жиноий иши» 1931 йил 25 апрелда Москвада СССР Халқ Комиссарлари ҳузуридаги Бирлашган сиёсий бошқарманинг (судлов) коллегияси мажлисида кўрилади. Айзенберг деган кимсанинг 20 минутлик маърузаси бўйича 87 кишидан 15 таси, шу жумладан, Мунаввар Қори ҳам олий жазо — отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Қолганлари узок муддатли сургунга юборилди. Уларнинг аксарияти сургундан қайтиб келмай, совуқ ўлкаларда ҳалок бўлди.

¹ Холбоева С. Жаҳидларнинг мустамлака совет тузуми давридаги фаолияти ва тақдири //Жаҳидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Б.212-213

² Ўша жойда. Б.205

Мунаввар Қори қачон ва қаерда қатл қилинган? Бу саволга ГПУ ходимларининг ўзлари ҳам кейинчалик аниқжавоб топа олмаган. 1957 йили коммунистик қатағон даври сирлари очила бошлагач, 87 киши ҳақидаги тергов ҳужжатлари қайта ўрганилиб, улардан фақат 26 кишигина Ўзбекистон ССР Олий судининг Восикова раислигида ўтган яширин судлов коллегиясида (5 сентябрда) окланади. Шу Коллегияга тайёрланган хулоса (ҳужжат)да шундай сўзлар ёзилган: «Абдурашидхонов М. Қ., Тиллахонов С, Икромов, Каримов М., Мусабоев Т., Мақсудов Т. Х., Шораҳмедов Н. ва Аҳрорий С. А. ҳақидаги ҳукм қачон ижро этилганлигини текшириш жараёнида аниқлашнинг иложи бўлмади».¹

Шу нарса маълумки, «Вечерняя Москва» газетасининг 1992 йил 25 май сониди Мунаввар Қори ва яна тўртта ватандошимиз Москвада отилгани ҳақида хабар босилди.

Халқ исёнининг бутун Туркистонга ёйилиши ва Марказий Ўрусиядан Туркистонга келтирилган кўп сонли қизил армия дасталарининг бу исёни бостиришга киришиши, 1918—1924 йиллар орасидаги даврда миллатчи яширин ташкилотларнинг яна бир қатор конгресслари бўлиб ўтди ва оқибатда Туркистоннинг истиклоли учун курашган, сиёсий принциплари бир-биридан озми-кўпми фарқи барча миллий фирқа ва ташкилотлар ягона лагерга бирлашдилар; мазкур бирлашиш оқибатида майдонга келган янги ташкилотга «Туркистон Миллий Бирлиги» номи берилди.

Бу ташкилот ялпи халқ исёни кенг авж олган даврда, 1922 йилда совет-ўрис истилосига қарши қаратилган ҳаракатларни қарор топтириш ва миллатнинг овозини мамлакат ичкарисида ва ташқарисида эшиттириш юзасидан бўлиб, мустақил миллий ҳукумат қурган ва буни бутун дунёга эълон қилган эди.

Мана шу барча ғоявий кураш майдонларида ва маслакий ҳаракатларда Мунаввар Қори жуда табиатан ижобий, шовқин-суронсиз ва кўзга ҳадеб ташланавермайдиган вазибаларни бажарди. Ана шундай хислатлари билан у барча миллиятчиларнинг эътимони ва юксак баҳосини қозонди.

Тошкентдаги «Миллий истиклол» ташкилотининг иш фаолияти Лазиз Азиззода 1926 йил Москвага кетишидан сал олдин бошланган. Бу ташкилотни тузиш, аниқроғи, олдинги «Миллий иттиҳод» фаолиятини тиклаш тўғрисидаги Мунаввар Қори дастлаб Лазиз билан гаплашган. Мен бошланишида ундан, тўғридан-тўғри кўрсатма олган эмасман. «Миллий иттиҳод»нинг раҳбарлари учлиги қуйидаги таркибда тузилган эди: Мен (Салимхон Тиллахонов), Азиз (Лазиз Азиззода) ва Ғофуржон Мусахонов. Амалда эса раҳбарликни Мунаввар Қорининг ўзи олиб боради.

Мунаввар Қорининг кўрсатмаси билан раҳбариятга ташкилотнинг эски аъзолари киритилмайди, чунки улар ҳукуматга, ГПУга танилиб қолган эди. Уларнинг раҳбариятга кириши шубҳа туғдириши, оқибат натижада эса ташкилотни барбод қилиши мумкин. Шунга қарамай, Учлик аъзолари айрим масалаларни қандай ҳал қилиш тўғрисида маслаҳат учун, ташкилотнинг эски фаолларидан айримларига уларга «Миллий истиклол» борлигини билдирмай туриб мурожаат қилиши мумкин бўларди. Бундан албатта Мунаввар Қори эса амалда раҳбар ва илҳомлантирувчи бўлгани учун бундан мустасно эди.

Мунаввар Қори Лазизга бу ташкилотни тузишга кўрсатма бериб, эски раҳбарият аъзолари тўзиб, иш тугаб бораётганлигини ташкилотни бутунлай тугатишига йўл қўймаслик зарурлигини уқтирди. Бугун бўлмаса, дейди у, эртага ҳокимиятни қўлга олиш учун ташкилотга зарурият туғилади, шунинг учун ҳам ҳеч бўлмаганда, ташкилотни ташкилий ядро сифатида сақлаб қолиш керак.²

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг большевиклар томонидан ағдарилиши натижасида ўлкада бошланиб кетган қуролли қаршилик ҳаракати XX асрнинг 30-йиллари ўрталарига қадар давом этди. Бу курашда кўплаб миллий зиёлилар бўлган ва улар бу ҳаракатга ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўз таъсирини ўтказган. Мухолифат кучларнинг совет

¹ Холбоева С. Миллатимизнинг маънавий отаси // Абдурашидхонов М. Хотираларимдан. Т.: Шарқ, 2001, Б.18

² Абдурашидхонов М. Хотираларимдан. (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Т.: Шарқ, 2001, Б.115

ҳукуматининг мустамлакача сиёсатига қарши қуролли курашида қаршилик ҳаракати катнашчиларига маслакдош миллий арбоблар ва раҳбар ходимлар ҳам бўлган. Улар ҳокимият тизимида оғир шароитларда, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона фаолият олиб борганлар. Бу ҳаракатнинг асл маъносини англатувчи “муҳолифат” сўзи аслида арабча “муҳолиф” сўзидан олинган бўлиб, қарама-қарши фикрда бўлган, қарши чикувчи, қарши маъноларини билдиради.¹

Миллий муҳолифат етакчилари дастлабки пайтда совет ҳокимияти Туркистонда узоқ яшаб қололмайди деган фикрда бўлиб, советларга қарши тўғридан-тўғри қуролли кураш йўлини ёқладилар. Аммо бу кураш тактикаси кутилган натижани бермади, шунда улар давр билан ҳисоблашиш, совет ҳукуматига яқинлашиш, курашни яширин шаклда давом эттиришга киришдилар. Зеро, большевиклар Осипов исёнидан (1919 й.) сўнг маҳаллий миллат вакиллари давлат бошқарув ишларига жалб эта бошлади.

Совет ҳокимиятига муҳолифатда бўлган яширин ташкилотлардан бири — **“Туркистон Миллий Бирлиги”га Бухорода асос солинди. Унинг ташкилотчилари Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Мунаввар Қори, Файзулла Хўжаев, Ҳошим Шайх Қушбеғиев, Абдулқодир Мухитдинов, Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев ва бошқалар бўлдилар. 1921 йил августиди “Марказлар маркази” Туркистон Миллий Бирлиги” номи билан қайта ташкил этилди.**²

1921 йилда Бухоро, Хива, Қозоғистон, Фарғона ва бошқа ҳудудларда ҳаракат қилаётган қуролли қаршилик ҳаракати раҳбарлари-қўрбошилар ҳузурига махсус чопарлар юборилади. Шундан сўнг, Бухорога жуда кўплаб жойлардан Туркистон миллий бирлиги ғояси фидойилари етиб келдилар. Масалан, туркман Қақажон Бердиев, қозоқларнинг Алаш Ўрда вакиллари Хайритдин Болғинбоев, Мухтор Авезовлар шулар жумласидан эди.³

Бухоро яқинидаги махсус белгиланган Харғуш қишлоғи ва собиқ амирнинг Моҳи Хоса саройида яширин маслаҳат кенгашлари ўтказилди.

Ниҳоят, жаидлар партияси, социалистик «Эрк» партияси ва қозоқларнинг Алаш Ўрда партияси бирлашиб, «Туркистон Миллий Бирлиги»ни ташкил этишга қарор қилдилар. Ташкилотнинг дастури А.З.Валидий томонидан ишлаб чиқилади. Унда қуйидаги **талаб-вазифалар** қўйилган эди:

- миллий мустақилликка эришиш;
- демократик жумҳуриятни ташкил этиш;
- миллий армияни тузиш;
- иктисодий идора, темир йўл қуриш, каналлар қазии, Туркистоннинг асл мустақиллик асосларини юзага келтириш;
- маорифни тамоман замонавий камолотга кўтариш ва уни Оврўпа маданиятига тенглаштириш учун чоралар қўриш;
- миллий мактаблар, мамлакатнинг табиий бойликларидан фойдаланиш масалаларини миллатларнинг ўзаро манфаатларига мос равишда ҳал қилиш;
- динга тўла ҳуррият бериб, у билан дунёвий ишларни аралаштирмаслик.⁴

Бироқ «Туркистон Миллий Бирлиги» ташкилотининг ичида ички келишмовчиликлар ҳам бор эди. Бу ташкилот умумқўмита раисини сайлаш масаласидаги тортишувларга сабаб бўлган. Охир-оқибат узоқ тортишувлардан сўнг 1921 йил 30 июлда «Туркистон Миллий Бирлиги» умумқўмита раиси қилиб А.З. Валидий сайланади. 1921 йил 5-7 сентябрда «Туркистон Миллий Бирлиги»нинг Самарқандда бўлган навбатдаги иккинчи конгрессида ташкилотнинг 24 банддан иборат Низоми ва Туркистон миллий байроғи қабул қилинди. Байроқ қабул қилинган сана- 6 сентябрь Миллий байрам куни деб

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, Б.656

² Uz.wikipedia.org/wiki/Fayzulla_Xo'jayev

³ Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. Шарқ юлдузи, 1993 йил 7,8-сонлар. Б.175

⁴ Қаранг: Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида) Т.: Шарқ, 2010, Б.175

эълон қилинди. У бинафша рангда бўлиб беш қизил, тўрт оқ йўл чизилган, чегига кўк попул тикилган эди. Уни З.В.Тўғон, Мунаввар Қори, Тўракул Жонузоқ тайёрладилар.¹ Конгрессда Туркистон озодлиги учун курашаётган ҳар бир кўрбоши ҳузурига биттадан сиёсий маслаҳатчи юборишга қарор қилинди.

1923 йил сентябрида ташкилотнинг навбатдаги конгресси Тошкентда бўлиб ўтади. Конгресс ташкилий масала юзасидан “Ўрта Осиё Жумҳуриятлари Федерацияси” тиклаш; “Алаш Ўрда” ўрнига “Ғарбий Туркистон” номини қўллаш; *Туркистон масаласини тор маънода эмас, балки халқаро масала деб кўрсатиш; дастурда олға сурилган талабларни жаҳон жамоатчилигига етказишдек долзарб муаммоларни муҳокама ва тегишли қарор қабул қилди.*

"Туркистон Миллий Бирлиги" ташкилоти аъзолари қуролли қаршилик ҳаракати раҳбарлари ва кўрбошилар билан яқиндан алоқада бўлган. Уларнинг ҳузурларига ўз вакиллари тез-тез юбориб, ҳаракатга сиёсий раҳбарлик қилишга интиланлар. Жумладан, ташкилотнинг охириги конгрессининг сўнгги кунда ҳам Шарқий Бухородаги аҳвол тўғрисида махсус хабарнома келади. Унда Анвар пошшо вафотидан сўнг "босмачилик уруши"га Ҳожи Сомий билан доғистонлик Дониёлбек раҳбарлик қилаётганлиги кўрсатилган эди.² Бундан кўриниб турибдики, ташкилотнинг аъзолари ўлкадаги совет тузумига қарши бўлган қуролли қаршилик ҳаракатига ҳам ғоявий жиҳатдан раҳнамолик қилганлар.

Аммо бу ташкилот бор-йўғи уч йил фаолият кўрсатди. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ОГПУнинг кузатувида бўлган. Таъқиблар, назорат ва текширишлар натижасида ташкилот 1923 йили ўз фаолиятини тўхтатади. Унинг қўллаб-қувватчилари Туркистонни ташлаб хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлганлар.

Хуллас, совет тузумига муҳолифатда фаолият кўрсатган “Туркистон Миллий Бирлиги” ҳаракати Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган курашлар тарихида муҳим ўрин тутди.

2.3. Сиёсий партияларнинг тақдири.

Яширин фирқалардан бири “**Жадид тараққийпарварлар фирқаси**” эди. Бу фирқа А.З.Валидий Тўғоннинг ёзишича, миллий радикал фирқа бўлган. *У асосан ноинқилобий йўл- социал-демократик ислохотчилик йўлидан борган.*

Бу фирқа ҳақида тўла маълумотлар йўқ. Унинг фақат Закий Валидий ёзган 19 бандлик дастури сақланиб қолган.

Жадидларнинг бу миллий радикал фирқасининг асосий мақсади Туркистонни озод ва мустақил кўришдан иборат эди. Бу вазифани амалга ошириш учун «Эрк» социалистик фирқаси ишчилар синфини асосий куч ҳисоблаб, синфий курашдан келиб чиқадиган социал инқилобга суянган бўлса, жадид тараққийпарварлари фирқаси юқорида кўрсатилганидек ноинқилобий йўлни танлади. Бундан ташқари жадид радикал фирқаси «Эрк» социалистлари каби комфирқа дастурига асосланган дастур тузиб, халқаро ишчилар уюшмаси - Социалистик Ишчи Интернационал ёрдамига умид боғламайди. У маҳаллий имконият ва шароитлар ҳамда миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, ўз мустақил йўлини амалга оширмоқчи бўлган. Дастурда кўрсатилишича, у *Туркистонни озод ва мустақил қилиш учун «ҳукуматни миллийлаштириш, миллат -тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одат бирлигига асосланади.*

Бу иккала фирқа дастурларида эътибор берилган масалалар мажмуи ва уларнинг ечимидан кутилган мақсадлар бир хил. Бироқ шундай бўлса-да, миллий радикал жадид фирқаси дастурига кирган 19 моддадаги баъзи бир масалалар қуйидагича ўзига хос

¹ Ўша жойда, Б.330

² Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида) Т.: Шарқ, 2010, Б.330

миллийлик ва аниқ амалий характерга ҳам эга эди. Унинг қисқача мазмуни куйидагилардан иборат:

1.Миллий маданиятга эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш ҳаётнинг асоси бўлиши керак. Бу эса барча миллатларнинг идеали. Мақсадимиз Туркистонни мустақил этиб, ҳукуматни ҳам миллий қилиш. Миллат тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одат бирлигига асосланади.

2.Озод Туркистонда давлат формаси ва идораси Жумҳурият бўлиб, ҳокимият асосини демократик йўл билан сайланган миллат мажлиси ёки вилоят, шаҳарларда вилоят ҳамда шаҳар мажлислари (земство) ташкил қилади.

3.Марказий ҳукумат аъзолари, миллат мажлисининг розилигига кўра, жумҳурият раиси томонидан вилоятлардаги вакиллар марказий ҳукумат тарафидан тайинланажак. Вилоят ва шаҳар идорат мажлисларини раислари шу мажлиснинг ўзида сайланиб қўйилажак. Миллат мажлиси, жумҳурият раиси, вилоят мажлисларини сайлаш тартиби мустақил Туркистоннинг биринчи қурултойи томонидан белгиланажак.

4.Туркистонда турк бўлмаган озчилик ҳам маданий ҳуқуқлардан фойдаланажак. Туркий халқлар Туркистон маданиятини кучли равишда яшнатиш учун барча чораларни кўришлари керак.

5.Туркистон миллий ҳукумати Туркистон миллий аскарига таянажак, ҳарбий хизмат мажбурий.

6.Ички осойишталикни сақлаш учун вилоят идоралари жойларда полиция ташкил қилади ва бу уюшма мамлакатнинг миллий ҳуқуқли уюшмаларига боғлиқ бўлажак.

7.Мамлакатда виждон эркинлиги тўла таъминланажак. Диний ибодат ва урф-одатни эркин равишда бошқариш давлат йўли билан таъминланажак. Мамлакатда бошқа дин миссионерларининг иш олиб боришларига рухсат берилмайди.

8.Матбуот ва нашриёт ҳуррияти ҳамда шахс эркинлиги давлатнинг асосий қонунлари тарафидан таъмин этилажак.

9.Мамлакатнинг асосий солиғи киримга қараб олинажак. Меросдан ҳам солиқ олинажак. Туркистонда эски замонларда қолган ҳар хил олиқ-солиқлар бекор қилинажак.

10.Ер масаласида асос - ернинг, ер ости ва ер усти бойликларининг, ўрмоннинг, ҳавзанинг давлат мулкига ўтиши, ер деҳқонларга (қишлоқ крестянларига) хусусий мулк қилиб берилажак.

11.Алоҳида шахслар ўзаро келишиб, ер ва сув сотиш масаласини ҳал этмаяжак. Бундай иш давлат воситасида бошқарилажак. Ер бериш ҳуқуқи маҳалла шартларига кўра қонун асосида белгиланажак.

12.Туркистоннинг озодлиги иқтисодий мустақиллик асосидагина амалга оширилур. Шунинг учун Туркистон бошқа қўшни давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги замон формаси асосида оёққа туриб, тобора ривожланиб боришини таъмин қилишга ҳаракат қилажак.

13.Туркистонда ер масаласининг асоси - сув. Шунинг учун миллатнинг барча кучи халқни сув билан таъминлаб, турмушни яхшилашга сарфланажак. Сув идораси ишларини тартибга солишга катта аҳамият берилажак.

14.Туркистонда, аввало, қозоқ, қирғиз, туркман халқларидаги энг муҳим масала - кўчманчи халқларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши. Бу масала катта-катта сувлик хадҳалар ёқаларида, янги юқори воҳалар ёқаларида янги катта қурилишлар қилиш йўли билан ҳал этилажак. Туркистонда туркий халқлардан ҳамда мусулмонлардан бошқа кўчиб келувчилар қабул этилмаяжак.

15.Туркистонда ишчилар масаласи бу мамлакатдаги, миллий саноатнинг ўсишига боғлиқ. Ишсизларнинг иш шартлари, иш соати, болаларнинг ва хотинларнинг иш шартлари, страхование ва бошқа масалалар илғор мамлакатлардаги йўллар бўйича тартибга солинажак.

16.Юстиция масаласида тўла мустақиллик ва ҳар ким учун тенг ҳуқуқлилик, дини ва дунёқараши қандай бўлишидан катъи назар ҳар бир киши ҳозирги замон қонунлари ҳимояси билан таъмин этилажак.

17.Маориф соҳасида, тўлиқсиз бошланғич таълим олиш имкониятлари яратилажак. Мамлакатнинг ўз граждандари, давлат манфаатларига қарши келмаган ҳолда хусусий мактаблар очишга ҳуқуқли.

18.Туркистонда, энг аввало, профессионал мактаблар йўлга қўйилажак. Оврупага ўқувчилар юборишга аҳамият берилажак.

19.Қадимий маданият ўчоғи бўлган Туркистонда асрлар мобайнида юзага келган маданият ёдгорликлари ҳимоя остига олинажак ва улар миллий маданиятнинг ўсишига хизмат этажак.¹

1924 йилга қадар миллий зиёлиларнинг яширин сиёсий фаолияти туркчилик ғоялари билан суғорилган бўлса, кейинчалик улар Туркистон давлатини эмас, балки, мустақил Ўзбекистон давлатини ташкил этишга ўтганлар. Таниқли жадидлардан Рустамбек Юсупов. Саъдулла Қори Шомухаммедов ва Шоҳобиддин Аҳмедов ташаббуси билан Тошкентнинг Кўкча даҳасида “Гап” гуруҳи ташкил этилган.

«Гап» гуруҳи аъзолари Саид Ғофурий, Тангрикул Мақсудов, Илҳом Исломов, Саъдулла Шомухаммедов, Хайрулла Шомухаммедов, Садриддин Аҳмедов, Шукур Ғофурий, Жамил Ҳидоятлов, Пўлат Хожибоевлардан иборат бўлган². Улар чор Россияси давридагидек мустамлакачилик давом этаётгани, шу боис Ўзбекистонда мустақил давлат тузиш зарур³ деган ғоя ва фикрлар асосида иш кўрганлар.

1925 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан кейин ҳам мафкура майдонида кураш давом этди. “Миллий истиқлол” ташкилотининг Наманган, Андижон, Самарқанд бўлимлари учун марказий бошқарув Тошкентда бўлиб, уни шахсан Мунаввар Қори бошқарган.

Ташкилотнинг Наманган бўлимига Зайнутдин қори Насриддинов раҳбарлик қилган. “Миллий истиқлол” ташкилоти бўлимига аъзо бўлиш учун бир қанча талаблар қўйилган. Усмон Акрамий томонидан ёзилган аъзоликка қабул қилиш устави Андижондаги бўлимга берилган ва Мўминжон Ҳақимов уйда сақланган⁴. Аъзоликка қабул қилинаётган шахс туркий миллатга мансуб бўлиши, ҳалол, ўз сўзида турувчи, фидоий, ўзини тута биладиган ва жасур бўлиши шарт бўлган.

“Миллий истиқлол”нинг Косонсойда ҳам гуруҳи ташкил этилган. Абдуллабек Мусабоев раҳбарлигидаги Исмаил Обиддинов, Абдуҳат Маъруфжонов, Шоқобул Камолов, Ҳамроқул Камолов, Эргаш Нурмухаммедовлардан иборат гуруҳ 1927-1929 йилларда совет ҳукумати тизимида эгаллаб турган мансабларидан фойдаланиб, Фарғонадаги истиқлолчилик ҳаракатига амалий ёрдам кўрсатган⁵.

Ташкилотнинг Андижон бўлимини Ҳасанхон Ниёзий бошқарган. Ташкилот ўта махфий фаолият кўрсатиб, 1930 йилга қадар муҳолифат куч сифатида мустабид тузумга қарши зимдан кураш олиб борган. 1937 йил 13 ноябрда 10740-сонли “жиноий” ишда андижонлик 28 нафар муҳолифатчининг “айблари” кўриб чиқилади. Ҳуқмга кўра 10 киши отувга, 18 киши 10 йил қамок жазосига ҳуқм этилган⁶. Ташкилотнинг Фарғонада ҳам гуруҳи бўлиб, унинг аъзолари “Кўр каламуш” тамгаси билан қамокқа олинган.⁷

¹ Закий Валидий. Тўғон, Хотиралар, Шарқ юлдузи, 1993 йил 7-8-сон, 176-177 -бетлар

² Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30 йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (махаллий зиёлилар фаолияти мисолида) Тарих фан.ном.илм.дар.олиш учун дисс. автореферати Б.16.

³ Ўша жойда

⁴ Ўша жойда. Б.17

⁵ Ўша жойда.

⁶ Шамсутдинов Р., Убайдуллаев Ў «Миллий иттиҳод» тамгаси билан қатағон қилинганлар. //«Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари» мавзuidaги республика илмий-назарий анжуман материаллари. 9-10, 2001. -Фарғона: 2001. Б.19-32

⁷ Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск I. /Сост.: Р.Шамсутдинов, Н.Каримов, Э.Юсупов. –Т.: Шарқ, 2005. С.127-150

Самарқанд ташкилотининг асосий етакчилари А.Бурхонов, А.Абдусаидов, А.Мухитдинов, М.Саиджонов, Қ.Қориев, М.Ҳакимов, О.Носиров, О.Маҳмудов, мударрис С.Айний, А. Шомансуровлар бўлганлар.

Бухородаги «Миллий иттиҳод» ташкилотининг бўлими Мукомил Бурхонов, Абдурахим Юсуфзодалар бошчилигида фаолият олиб борган. Бухоролик «Миллий иттиҳодчи»лардан М.Аминов, О.Пўлатхўжаев, М.Саиджонов, С.Хўжаев, М.Саиджонов, Н.Ёкубзода, Муҳаммар Бурхонов, Масхар Бурхонов, М.Бурхонов, Р.Музаффаров, Ҳ.Жўраев, А.Абдусаидов ва А.Юсуфзодадан иборат 13 нафар миллий зиёлилар 1937 йил 25 октябрда отиб ташланади.¹

"Миллий истиқлол" ташкилоти 1929 йилда ОГПУ томонидан фон қилиниб, унинг аъзоларидан 87 киши ҳибсга олинди, 1 йил 5 ой аввал Тошкентда, кейин Москва қамоқхоналарида тергов қилинади. Ниҳоят 1931 йил 25 апрелда улар устидан суд ҳукм чиқарди. Коллегия "Миллий истиқлол иши бўйича айбланганларнинг 21 тасига отув (шундан 6 нафарини отув ҳукми 10 йиллик қамоқ билан алмаштирилган), 26 тасига 10 йиллик, 20 тасига 5 йиллик, 15 тасига 3 йиллик муддат билан концлагерга юбориш, 4 тасига СССРнинг 12 та белгиланган шаҳарларида яшашдан маҳрум қилинган ҳолда қамокдан озод қилиниши ҳақида ҳукм қилади. Фақат сиёсий бошқарма айдоқчиси Мадхиддин Муҳаммедов озод қилинади.²

Ўзбекистон ССР Олий суди жиноий ишлар суд коллегиясининг 1957 йил 5 сентябрдаги ажримига кўра СССР Бирлашган Бош Сиёсий Бошқармаси Коллегиясининг 1931 йил 25 апрелдаги 85 нафар "Миллий истиқлол"чилар устидан чиқарган қарори бекор қилиниб, улар оқланди.

Муҳолифатда бўлган яширин гуруҳлардан бири «Темур» гуруҳи 1925 йилда Қўқон шаҳрида ташкил топди.³ Гуруҳ ўз олдига совет мустамлакачилик сиёсатига қарши курашиш мақсадини қўйган, улар совет ҳокимияти тизимидаги барча лавозимларни эгаллаб, кенг жамоатчилик норозиликларидан фойдаланмоқчи бўлганлар. «Темур»чилар ҳам меҳмондорчиликка йиғилиш билан иш олиб борганлар. Навбат билан ўтказилган «гаплар» 3-4 йил давом этган. 1929 йил охиридан бу гуруҳ "Ботиргапчилар" ташкилоти аъзолари билан бирга фаолият кўрсатган.

Муҳолифатда бўлган яширин гуруҳлардан бири «Ботиргапчилар» эди. Гуруҳ 1929 йил ноябрининг охирида Қўқон шаҳрида ташкил топган, Унинг таркиби миллий зиёлиларнинг кўзга кўринган вакилларида, аксарият журналястлардан ташкил топган, улар орасида комфирка аъзолари ҳам бўлган. Ташкилотнинг шаклланиш жараёни уч ой давом этган.

Биринчи навбатда унинг таркиби шаклланган, кейинчалик ҳаракат дастури, кураш режаси ва мақсадлари аниқлаб олинган. Даставвал ташкилот Низоми, яъни аъзоликка кимлар қабул қилиниши ҳақидаги ҳужжат тайёрланган.⁴

Ёкуб Омон, Носир Эркин, Ашурали Зоҳирӣ, Лутфулла Олимий, Умархўжа Ҳамидов, Нуриддин Эрматов, Мухитдин Ҳусайнов, Абдулла Қаҳҳоров, Карим Ортиқбоев, Турғун Парпиев, Абдулла Холматов, Мирза Абдулла Солиев, Мухтор Муҳаммадиев, Абдулла Раҳматзода, Маматқул Холдаров, Обиджон Ҳакимов, Комилжон Қосимов, Воси Қайумов, Тошпўлат Акбаров, Толибжон Охунжоновлар фаол «ботиргапчилар» эди.⁵

Хуллас «Ботиргапчилар», «Темур» гуруҳи, «Миллий иттиҳод»нинг шаҳарлардаги «Гап» бўлимларининг асосий мақсади Ўзбекистонда миллий мустақил давлат тузиш

¹ Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. Т.: Шарқ, 2001, Б.77

² Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30 йилларда муштабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида) Тарих фан.ном.илм.дар.олиш учун дисс. автореферати Б.17

³ Ўша жойда. Б.18

⁴ Ўша жойда. Б.19

⁵ Қаранг: Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Документы и материалы / Сост.: Шамсутдинов Р. Юсупов, С.Хошимов, Э.Дусматов. Андижан: АндГУ, 2007, С.34-55, 55-66

бўлган, улар ташкилот бўлимларини кенгайтириш, советларга қарши бўлган барча ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва янги аъзоларни жалб қилишга ҳаракат қилганлар.

Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати архивида 554335-сон рақами билан хатланиб сақланаётган ишда бир сотқиннинг чакувларига таъриф.¹

Мунаввархон Қори Абдурашидхон ўғли 1929 йил нўябирининг 5-куни махфий сиёсий политсайчилар томонидан хибсга олиниб, терговга тортилади. Чор Ўрусиясида Ўктабир тўнтариши рўй бериб, подшо ҳукумати ўрнига кизиллар ҳукумати келганининг ўн иккинчи йилида — болшавойлар давлати бепоён мамлакатнинг ич-ичларигача хийла томир отиб, ўзини ўнглаб, анча-мунча куч йиғиб олган шу болшавойчилик негизида пайдо бўлган ИИХҚ (Ички Ишлар Халқ Кўмиссарлиги) исмлики идора ғайрат билан ишга тушган, янги давлатнингда (худди эски давлатдек) юргиза бошлаган империячилик сиёсатига «жиддий хавф» соладиган ақлли-зиёли кишиларни битталаб ё тўдалаб териб ола бошлаган эди.

Туркистонда жадидлар иши юзасидан Мунаввар Қори билан биргаликда бирданига ўттиз етти ватанпарвар сўроққа тортилади. Буларнинг кетидан тагин қирқ бир киши бор-йўғи халқининг, миллатининг, динининг тақдирига қайғургани учун тергов бера бошлайди. Уларнинг орасида сотқинлари ҳам, лақмалари ҳам, иккала томонга хизмат қилганлари ҳам бўлган, аммо, шукрки, иймонлилари, мардлари кўп эди. Жами етмиш саккиз (78) кишининг турфа ранг ҳаёт мазмунлари жами ўн саккиз (18) жилддан иборат ҳар бири ғўладай семиз-семиз тўпламлар қатига кўмилади, жилд устларига «МУНАВВАР ҚОРИ БА БОШҚАЛАР» деб ёзилади ва «Мутлақо махфий» дея тамғаланади-да... тарих саҳифаларидан юлиб ташланади.

Хўш, Мунаввар Қори ва бошқалар ўзи кимлар эди? Уларнинг мақсадлари нима бўлган? Оқ ҳукуматни-да, Қизил ҳукуматни-да бирдай чўчитадиган нима иш қилганлар?

«...айғоқчилик хабарномаларидан бу юқорида исмлари зикр этилган фуқаролар Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш-га қаратилган фаолият кўрсатаётганликлари, яъни, Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуаси 58-модданинг 10-қисмида ва 66-модданинг 1-қисмида таърифланган жиноятни содир этганликлари маълум бўлади. Шунинг эътиборига олиб, Бутуниттифоқ Марказий Ижроя Кўмитасининг 1922 йил 16 ўктабирида чиқарган қонунга мувофиқ ҳамда Бош Сиёсий Бошқарманинг (ГПУнинг) 1922 йил 287-сон ва 1923 йил 362/29-сон буйруқларига мувофиқ...» Мунаввар Қори бошлиқ ўттиз саккиз киши устидан дастлабки терговларни бошлашга фатво берилади. Бу расмий фатво ҳужжатини Бош Сиёсий Бошқарма Ўрта Осиё бўлими Шарқ бўлинмасининг Катта вакили Агидуллин тайёрлаган, бўлинма бошлиғи Круповский «Розиман» деб имзо чеккан, БСБ Ўрта Осиё бўлимининг бошлиғи Белский «Тасдиқлайман» деб қизил қаламда қўл қўйган. Мазкур ҳужжатдан биламизки, Мунаввар Қори ва бошқалар «Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга қаратилган фаолият кўрсатганлар» экан. Бу фаолият нималарда кўринади? Бу саволга жавоб бермоқ учун ўша ўттиз саккиз кишининг ичидан чиққан бир сотқиннинг битикларини эълон қилишни лозим кўрдик.

Биз сотқин деб атаётган йигитчанинг исмлари Мадхиддин, фамилиялари Муҳаммедов. Оталаридан келсак, Солиҳович. Тергов чоғи айна 19 ёшда бўлганлар. Ҳужжатларда «студент» деб қайд қилинган. Ёлғон кўргазма учун жавобгарлик борлиги тўғрисида огоҳлантирилганларидан сўнг ўз устозлари, қариндош-уруғлари ва дўстларининг «башаралари»ни илҳом билан фош этишга тушадилар.

Жадидлар Ўрта Осиёга муносабатда «Инглизистон Ҳиндистонни қай даражада эзаяётган бўлса, Ўрусия ҳам Ўрта Осиёни шу даражада эзаяпти. Ўрта Осиё мустамлака асоратидадир. Бизнинг деҳқонларимизни зўрлик билан пахта экишга мажбурлашяпти ва ҳаммасини Масковга ташиб кетишяпти. Деҳқонларнинг ўзлари бу ерда оч-яланғоч қолаётгани билан ишлари йўқ»...

¹ Қаранг: Нуруллоҳ Рауфхон. Мунаввар Қори ва бошқалар //Ўзбегим. Т.: Звезда Востока журнали кутубхонаси, 1992. Б. 166-177

Бунақа гапларни мен ундан ўзим эшитганман. Бундан ташқари Шорасул (гап Шорасул Зуннун ҳақида кетмоқда – Д.Т.) ўрислар билан тоторларнинг масъул лавозимларни эгаллаб олганларига қарши эди. 1929—30-йили у Аёллар билим юртига она тили ўқитувчиси қилиб тайинланган эди. Бир аёл ундан техникумнинг илмий бўлим мудир ким — ўрис эмасми, деб сўраганида, у: «Албатта, ўрис-да, ўрис бўлмай ким бўларди», деб жавоб қилган. Буни менга Бухарин мактабида хизмат қиладиган Акбар Асқарий айтди. *Партия сафларини тозалаш кетаётган палла* мен бир куни Шорасулни учратиб қолдим ва: «Мана, Партия сафларини сизнинг дунёқарашингиздаги унсурлардан тозалаяпмиз», деган эдим. у: **«Партияни бизлардан эмас, бизларнинг муҳитимизни партиядан тозаланглар», деб айтди.** Партияни у зарарли касаллик деб ҳисобларди. Гарчи мен унинг умуман совет ҳокимиятига қарши фаолиятдан кўп далиллар келтиришни зиммамга ололмасам ҳам, унинг хотинлар юзини очиш масаласига қарашлари тўғрисида айрим гапларни айта оламан. У ўзининг хотинини расман очгани билан амалда очмаган. Хотинини мактабга ё йиғилишга, ё уюшма қошида ташкил этиладиган кечаларга қўймайди.

Эски шаҳардаги Ленин номли мактабнинг 8-синфида Шавқий деган бир ёш ёзувчи ўқирдй, у фақат мактаб деворий газитига ёзар эди. У Чўлпоннинг давомчиси бўлиб, унга тақлид қиларди. Мафкура жихатдан асов нарсалар ёзарди. Ўша мактабнинг 6—7-синфларида адабиётдан дарс берадиган Юнус Латифийнинг ҳамда Шорасулнинг ўзининг сўзига қараганда, Шавқийни Шорасул йўлга солиб тураркан. Шеърга мавзуларни ҳам у бераркан. Қанақа йўналиш берасиз, деб мен Шорасулдан сўраганимда, у: *«Мен уни миллий руҳда шеър ёзишга ўргатяпман»*, деган. 1928—29-ўқув йилида Шорасул Наримонов техникумида адабиётдан дарс берган.

Мадҳиддин Муҳаммадий жонбознинг «билганлари шугина» экан. Лекин у кишининг ўзлари ким-у, у киши сотаётган жадидлар ким эканини, жадидлар нима қайғуда-ю, бу киши ниманинг қайғусида эканини, ва ниҳоят, бу жамият қанақа асосга қурилганини-ю қандай кимсаларга таяниб иш кўрганини билиб олишимиз учун, ўйлашимча, бизга «шугина»нинг ўзи етса керак. Шу андишада бу жирканч чакувномани сатрма-сатр изоҳлаб беришни ортикча машғулот деб билдик ва фикрлашни мулоҳазали ўқувчи ихтиёрига қолдириб, шу жойда нукта қўйдик”

2.4. Водийдаги махфий сиёсий ташкилотлар

1917 йил ёзидаёқ бир гуруҳ андижонлик тараққийпарварлар большевиклар, меньшевиклар, эсерларга хат йўллаб, уларнинг ғоя ва дастурларини Туркистон мусулмон халқи ўзларига сингдира олмасликларини баён қилган эдилар. “Сизнинг ва бизнинг ҳаёт тарзимиз бир-бирига сира тўғри келмайди, - дейилади ўша хатда. Шунинг учун келгуси давлатчилик ҳаётини бирданига умум бир қолипга солиш керак эмас. Умум қолип андозани бу ерда қўллаб бўлмайди... бизда сизнинг соф русча маънодаги деҳқонлар йўқ. Ғарбий Европача маънодаги фермерлар ва ижарачилар ҳам йўқ. Бизда эркин деҳқон яшайди. Улар ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда крепостной қаролгина эмас ва балки ижарачи йфермер ҳам бўлмаган, эркин мулкдор бўлиб келган. Муқаддас ислом бизни ҳеч қандай табақаларга ва синфларга бўлмаган. Шунинг учун ҳам бизда синфий кураш учун асос йўқдир. Зотан, барча мусулмонлар, улар хоҳ фуқаро, хоҳ мулкдор бўлишидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидирлар”.¹

Туркистон ўлкасида ислом ғояси бирлиги ва жадидчилик ҳаракати ўлкадаги ижтимоий-сиёсий фаолиятда асосий куч бўлиб маҳаллий халқларнинг онгли қисми уларга эргашиб борган. Жадидлар ҳаракатидаги асосий ва бош ғоя миллий истиқлол, Туркистонда ҳамда Ўзбекистонда давлат мустақиллиги учун курашдан иборат бўлган.

¹ “O‘zbekiston ovozi”, 1996 yil, 24 fevral

Ватанимиз озодлиги учун жонини гаровга тиккан "буюк аجدодларимиз-жадидлар"¹ Россия мустамлакачилигининг иккинчи боскичи- коммунистик боскин ва истибдодга қарши уч хил кўринишда кураш олиб бордилар. Биринчиси, очикдан-очик "Босмачилик", яъни куруллой уруш. Иккинчиси, муҳолифатлик ва демократик танқид. Учинчиси эса махфий уюшган аксилшўровий фаолият.

Ҳозир жадидчилик соҳасида унинг коммунистик боскин ва совет ҳукуматига қарши жойларда уюшган махфий ташкилотлари фаолияти ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Шунингдек, у ҳар бир минтақа ва ҳудудда, у ердаги тарихий муҳит, шарт-шароит ва имкониятлар ўзига хос характер ва хусусиятда пайдо бўлди ва ривожланди. Буни ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Мана шу жиҳатдан олганда, Фарғона водийсида кечган жадидчилик, айниқса унинг бу ерда уюшган аксилшўровий махфий ташкилотларининг тарихда қолдирган изларини ҳозир тиклаш алоҳида илмий аҳамиятга эга.

Совет ҳукумати ўрнатилиб, миллат ва Ватаннинг жамики бойлиги тортиб олина бошланиши, диний-диёнат, маданий-маърифий кадрлар топталиши ва сиёсий камситишлар кучайиши билан жадидлар коммунистик боскинга қарши махфий уюшган ҳолда курашни авж олдирдилар. Бу ўринда Тошкентда фаолият юритган "Итиҳоди тараққий" (1917—1920); "Иттиҳоди миллий" (1920-/1926); "Миллий истиклол" (1926-1929)нинг фаолияти диққатга моликдир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, "Миллий истиклол"нинг Фарғона водийсидаги Қўқон, Наманган, Андижон шаҳарлари ва ҳатто, Косонсой қишлоғида ҳам шўъбалари бўлган. Қўқондаги шўъба "Ботиргапчилар" деб номланган бўлиб, у 1929 йил ноябрда ташкил топган. Унинг ташкилотчи ва фаоллари Лутфулла Алимов, Нурутдин Эрматов, Муҳитдин Хусанов, Карим Ортиқбоев, Турғун Парпиев, Мирза Абдулла Солиев, Ашурали Зоҳирий ва бошқалар бўлган.

Бу ташкилот дастурининг қораламаси, унинг 1930 йил 2,14 ва 23 январдаги "гаплар"и (яъни йиғилишлари) баённомаси (протоколи) сақланиб қолган. Бу ҳужжатларда ташкилотга кимлар қандай қилиб қабул қилиниши ва қасаба уюшмалари, мактаблар ва совет муассасаларини қўлга олиш. Қўқон завод ва фабрика ишчиларини миллатчилик-антисовет руҳида тарбиялаш, айрим партия-совет ходимларини террор қилиш каби вазифалар кўрсатилган. Шунингдек, уларда СССРдан ажратиб олинган "Ўзбекистонда Халқ Республикасини ташкил этиш", "Куруллой кўзғолон кўтариш"га даъватлар мавжуд.²

1927 йилда Наманган шаҳрида "Миллий истиклол"нинг "Миллий қўмита" номлик шўъбаси ташкил топди. Унинг раҳбари- Зайнитдин Насритдинов, котиби-Усмон Акрамий, хазинабони- М.Г.Дадамуҳаммедов бўлган. И.Катабоев, Ф.Исмагуллаев, Жалил Саъдиев, Насимжон Муҳаммедов, П.Усмонов, Абдуллабек Мусабаев (ёки Мусабеков) ва бошқалар ташкилот ишида фаол қатнашадилар. Махбус Х.Б.Ризаевнинг терговда берган кўрсатмасида айтилишича, унинг ўзи, Усмон Акрамий ва Фатхутдин Маҳзум Тошкентга қатнаб Мунавварқори билан алоқада бўлган. Бу тўғрисида Мунавварқорининг ўзи ҳам 1930 йил 28 февралда қамоқхонада тергов сўроғига жавобан шундай деб ёзади: "Ислом Исмоиловни Наманганга юбориб, мен фақат ташкилотнинг ҳолатини, у кимлардан яъни қарияларданми ёки ёшлардан ташкил топганлигини, унинг аъзолари сонининг таркиби қандай эканлигини, дастури бор-йўқлигини билмоқчи бўлган эдим, ҳолос".³

"Миллий истиклол"нинг Наманган шўъбаси билан боғлиқ ҳужжатларда, унинг фаолларидан бири Абдуллабек Мусабеков Косонсой қишлоғида яшагани ва у бу ерда ҳам махфий аксилшўровий ташкилот тузганлиги ҳақида маълумот бор.

¹ Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳрида Академик драма театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи //Халқ сўзи. 2001, 31 август

² Юсупов Э.нинг шахсий архиви материалларидан; Яна қаранг: Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Документы и материалы / Сост.: Шамсутдинов Р. .Юсупов, С.Хошимов, Э.Дусматов. Андижан: АндГУ, 2007, С.38-41

³ Холбоев С. Жадидларнинг мустамлака совет тузуми давридаги фаолияти...Б.213

Ҳозирда ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Андижон шаҳрида ҳам "Миллий истиқлол"нинг махфий шўъбаси бўлган. У Намангандаги "Миллий қўмита"нинг фаол аъзоси андижонлик Абдулла Хожи Ғофуров томонидан ташкил этилган. Унинг ишида эса М.Караманов, М.Ҳакимов, И.М.Обитдинов, С.Комилов, А.Сатторов, Ш.Тошматов ва М.Ашуровлар фаол қатнашганлар.

Қўриниб турибдики, Фарғона водийсида коммунистик босқин ва мустамлакага қарши фаолият юритган жади́длар раҳбарлигидаги махфий ҳаракатнинг қўлами анча кенг бўлган. Бу Ватан ва миллат озодлиги йўлида жон фидо қилган водийлик жади́дларимизнинг қаҳрамонона жасоратларидан далолатдир.

Водий жади́длари, умуман, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги махфий фаолият юритган шўъбалар ташкилий жиҳатдан ягона марказ—Тошкентдан бошқарилди. Улар истиқлол учун далил ва аниқ ишонч билан фидокорона аксилшўровий кураш олиб бордилар.

Мунавварқори бу тўғрисида ўх хотираларида 1930 йил 14 июнда қамоқхонада шундай деб ёзади:

“Бизлар айниқса, миллий чегараланиш ўтказилгандан кейин... демократик Ўзбекистонни барпо этишни амалга ошириш умидида ўз фаолиятимизда асосан қуйидаги уч ҳолатни ҳисобга олган эдик:

1. Оммада миллий руҳни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш
2. Шўро ҳукумати томонидан кўтарилган шўро аппаратини маҳаллийлаштириш ҳақидаги шиордан фойдаланиб, аста-секинлик билан шўро аппаратини, унга миллий кайфиятдаги кишиларни жойлаштириш йўли билан қўлга олиш.
3. Муҳожирлар билан алоқани ташкил этиш...

Бизлар ўз фаолиятимизни, бу кўрсатилган вазифаларга қаратишда, шўро ҳокимиятининг Оврупо буржуазияси билан тўқнашувда муқаррар равишда ҳалокатга учрашини назарда тутдик. Бизлар унинг йўқ қилинишига ишондик ва бунга тайёргарлик кўришга, шўро ҳокимияти ҳалокати юз берганда ҳокимиятни қўлга олишга тайёр туришга қарор қилдик..

*Комфирқа ва шўро ҳокимиятининг ич-ичидан айниб кетиши ва ҳарбий мағлубият туфайли ўлимга маҳкумлигини ҳисобга олган ҳолда, биз ўзимиз белгилаган вазифаларни рўёбга чиқариш учун амалий ишга киришдик”.*¹

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жади́дларнинг бу Ватан ва миллат озодлиги йўлидаги буюк жасорат ва фидокорлигини ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (1998) номлик рисоласида қуйидагича юксак баҳолайди: **“Улар ўт билан ўйнашаётганлигини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдинган яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган”.**²

Аксилшўровий жади́д ташкилотларининг иш фаолияти бутун Ўзбекистонда бўлганидек, водийда ҳам ўта махфий бўлганлиги ҳужжатларда ўз аксини топган.

Махфий ташкилотни “учлик” (уч киши) бошқарган. Ташкилотнинг аъзолари уларни танисалар-да, раҳбар эканлигини билмаган. Шунингдек ташкилот аъзолари ҳам бири иккинчисини махфий ташкилотда ишлашларини билмаганлар, гарчан, улар кундалик-турмуш ва ишда бирга бўлган бўлсалар ҳам. Ҳар бир махфий фаолият юритган киши фақат ўзига ишонч билдирган ва ўзи таклиф қилган кишиларнигина билган, холос. Аъзоликка қабул қилиш ўта махфий равишда амалга оширилган.

Махфий ташкилотга Ватан озодлиги йўлида иш олиб бориш учун аъзо бўлганлар махсус мослаштирилган хоналарда қўлида Қуръони Карим ва қуролни ушлаб, Қуръондан суралар ўқиб “уч”лик олдида қасам ичганлар. “Уч”лик парда орқасида бўлган. Шунинг учун ҳам қасам ичувчи, уларнинг борлигини билса-да, кимлигини билмаган.

¹ Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимидан (Жади́дчилик тарихидан лавҳалар). Т., Шарқ, 2001, Б.69-70

² Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998, Б.8

Юқорида учта махфий жадид ташкилотнинг номи тилга олинди. Улар ўз даврда уч хил номланган бўлса ҳам, аслида битта жиддий уюшган ташкилот бўлган. “Фидойи Мунавварқори Абдурашидхонов”нинг ёзишича, бу *ташкилотнинг номи ва ушлик раҳбарлари, совет махфий ташкилоти ГПУни чалғитиш мақсадида ўзгартириб турилган*. Сўнгги пайтда “Миллий истиклол” номини олган бу ташкилот ва унинг Фарғона водийсидаги шўъбалари 1929 йилнинг ноябр ойига келиб, ГПУ томонидан тор-мор этилади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси учун муваққил ташқи сиёсат юритиш - давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Яққалонлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан - тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларга эга эмас эди.¹

Бироқ совет ҳокимияти давридаги ўта чекланган шароитларда ҳам ўзбек халқи орасида халқаро муомалаларни ҳал қилиш маданиятига эга бўлган қатор зукко дипломатлар етишиб чиққан. Буларнинг айримлари жадидчилик ҳаракатидан етишиб чиққан миллий арбоблар бўлган. Шулардан бири, ҳамюртимиз **Акбар Ўразалиев** эди. Акбар Бойтурсунович Ўразалиев 1890 йил Андижон шаҳри Қорабура маҳалласида туғилади. У рус-тузем мактабида ўқиган, Акбар Ўразалиев жадидларнинг Андижонда вужудга келган “Тараққийпарварлар ” фирқасининг фаол аъзоларидан бири бўлган. Бу ҳақида 1925 йил 6 июлда Москвада Хитойга дипломатик хизматга Қашқардан Бош консуликда ишлаш учун кетаётиб тўлдирган шахсий варақасидаги “Ўтмишда қандай партияларга мансуб эдингиз?” деган саволга у: 1914 йилдан 1917 йилгача ёш ўзбекларнинг “Иттиҳоди тараққий” яширин ташкилоти аъзоси бўлганман” деб ёзган. Ўша варақанинг “Сизнинг инқилобий ва ижтимоий ишдаги иштирокингиз нимада ифодаланган?” деган саволига А.Ўразалиев: “1917 йилга қадар маърифатпарварлик, тўғарак ишларида, 1917 йилдан сўнг эса совет, хўжалик, партия органларида ишладим” деб ёзган.² Шундай қилиб, Акбар Ўразалиев 1925-27 йилларида дипломатик фаолият билан шуғулланган. Хитойда элчихонада хизмат қилди.

Жадидчилик ҳаракати таъсирида етишиб чиққан мохир дипломатлардан яна бири **Собиржон Муҳаммедович Юсупов**дир. У 1881 йилнинг 15 июнида Бухоро шаҳрида туғилган. Тошкент шаҳрида рус-тузем мактабида ўқиган. 1910 йилда Бухоро шаҳрига қайтиб, Амирлик тузумига қарши ҳаракатларда қатнашди. 1918 йилдан бошлаб Туркистон АССР нинг Москва шаҳридаги-РСФСР ҳукумати қошидаги мухтор вакили сифатида ўз фаолиятини бошлади. Собиржон Юсупов 1918—1919 йиллар давомида Москва шаҳрида мухтор вакил бўлиб турган даврда марказнинг кескин тазйиқларига қарамай ўз республикасининг иқтисодий, сиёсий, маънавий -маданий манфаатларини баҳоли қудрат муҳофаза қилишга, ўз ҳукуматининг марказ олдига қўйган талаб — эҳтиёжларини қондиришга эришишга уринган. У большевиклар фирқасига мансуб бўлганига қарамай, Россиядаги ва Туркистондаги воқеалар тўғрисида, айниқса большевикларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, зўравонликларига қарши чиқади. Шунингдек, ёш бухороликлар билан ўз алоқасини узмайди. 1918 йил октябр ойида ёш бухороликлар йўлдошчиларидан бири Файзулла Хўжаев Москва шаҳрига боради. Уни Собир Юсупов Туркистон АССРнинг мухтор вакили сифатида қўллаб-қувватлаб туради. Файзулла Хўжаевнинг Москва шаҳрида жойлашишдан тортиб, то қайтгунга қадар барча амалий ёрдамни кўрсатиб турди.

Жадидлар сафидан етишиб чиққан мохир дипломатлардан яна бири 1890 йил Андижонда туғилган. **Абдурахим Юсуфзода**дир. У ўз бошидан жадидчиликнинг “Ёш бухороликлар” даврини кечирган. Абдурахим Юсуфзода “Ёш бухороликлар” ҳаракатининг фаол аъзоларидан бири бўлиб, унинг дипломатлик фаолияти 1921-22 йиллардан бошланган, Абдурахим Юсуфзода шу йилларда Бухоро жумҳуриятининг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, мафкура. 1 жилд —Т.: Ўзбекистон, 1996, Б.50

² Қаранг: Шамсутдинов Р. Истиклол йўлида шахид кетганлар. Т.: Шарқ, 2001, Б.227

Афғонистондаги мухтор вакили бўлиб ишлади. Абдурахим Юсуфзода Қобулда элчилик фаолиятини олиб борган даврда Афғон -Бухоро муносабатларини яхшилаш йўлида катта ишларни амалга оширди.

Хуллас, Туркистонда даставвалидан маърифатчилик ҳаракати сифатида .пайдо бўлиб, 1917 йил февралдан октябргача бўлган даврда сўёсий ҳаракат даражасига кўтарилган жаидчилик ҳаракатидан етишиб чиқан миллий дипломатларимиз тоталитар усул идораси даврида ҳам халқаро муаммоларни ечиш борасида муайян ишларни амалга оширдилар. Бироқ уларнинг аксарияти 20-30 йиллардаги қатағон даврининг қурбони бўлдилар.

ХУЛОСА

Туркистонда сиёсий ҳаракат, уюшма ва партияларнинг катта ижтимоий сиёсий куч сифатида майдонга чиқишида барча шарт-шароит ва омиллар етилган эди. Туркистоннинг жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетгани ўз замонасининг илғор фарзандларини эрк ва озодликка, тараққиётга ундади. Миллий уйғониш тарихий зарурият бўлиб қолди. Бошқача қилиб айтганда, жаидлар раҳнамолигидаги кучли силтаниш, сиёсий партияларнинг бунёдга келиши тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб тариқасида объектив равишда майдонга келди.

Жаидлар раҳбарлигидаги ташкил топган сиёсий партиялар кун тартибига қуйидаги муҳим тарихий вазифаларни қўйган эдилар:

Ватанни озод ва обод қилиш, миллат ва халқни бой-бадавлат, эркин, маданиятли ва маърифатли қилиб, миллий давлатчиликни тиклаш, жамият негизда туб бурилиш ясаш, ислохотларни амалга ошириш, ҳокими мутлақликка барҳам бериб демократик жамият қуриш, илм-фан ва техникани тараққий эттириш.

Мана шу миллат ва Ватан тақдирини ҳал қилувчи буюк мақсад ва вазифалар миллий муҳолифат ҳаракатининг характери ва йўналишларини белгилади.

Биринчидан, муҳолифатдаги сиёсий жамият ва ташкилотлар совет Россиясининг руслаштириш, миллий ўзликни йўқотиш, миллий бойликларни талон-торож қилиниши, тарихий кадрларнинг топталиши, коммунистик ғоя ва мафкурага қарши миллий истиқлол, миллий ғоя ва мафкура учун курашдилар.

Иккинчидан, миллий муҳолифат илғор демократик, ислохотчилик ва тараққийпарвар, аксилколониал ҳаракат сифатида тарих фанида ҳамон муҳим масала бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов талқинида жаидчилик ҳаракати ва унинг пойдеворида бунёдга келган сиёсий партиялар янгитдан кашф этилди.

Учинчидан, Ислон Каримов жаидларни, сиёсий партия ва уюшмалар сардорларини ҳозирги авлодга намуна қилиб кўрсатиб, совет истибдоди-мустамлакачилигига қарши олиб борган курашига юксак баҳо беради.

Тўртинчидан, Ислон Каримов мустақиллик ҳаракати ва партияларнинг хизматларини алоҳида улуғлаш билан муҳим тарихий ҳақиқатларни тиклади. Бу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг тарихий хизматлари юксак баҳоланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди: Тошкент университети 1920 йилда Россиядан келган "большевой"лар вакиллари томонидан эмас, балки 1918 йилда фидойи маърифатпарвар Мунаввар Қори Абдурашидхонов ташаббуси билан Туркистон халқ миллий дорилфунуни сифатида фаолият бошлаган.¹

Миллий истиқлол ва озодлик учун курашни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган сиёсий фирқалар ва ташкилотларнинг кенг қамровли фаолиятлари ҳали етарлича ўрганилмаган. Аммо бу партия ва ташкилотларнинг сиёсий кураш тажрибаси мустақил ривожланиш йўлидан бораётган давлатимиз истиқболи учун намуна ва сабоқ мактабидир.

Биринчидан, 1917-1929 йилларда Туркистонда «Шўрои Ислония», «Шўрои Уламо», «Иттиҳоди тараққий», «Миллий иттиҳод», «Бирлик», «Миллий истиқлол», «Туркистон Миллий Бирлиги», «Эрк», «Жаид тараққийпарварлари» ва бошқа сиёсий фирқа ҳамда ташкилотлар фаолият кўрсатди.

Бироқ улар том маънодаги халқчил сиёсий партияларга айлана олмаган бўлса-да, миллий сиёсий маданиятимизга мустаҳкам пойдевор ўрнатдилар. Сиёсий кураш тажрибасини орттириб, тенгсиз кураш майдонида тобландилар.

Иккинчидан, сиёсий партия ва ташкилотлар ташкилий жиҳатдан уюшиш, халқ манфаатини ифода этиш, парламентаризм, давлат қурилиши илму-фани ва тажрибасини эгалладилар. Миллий хоҳиш-иродасини жаҳон афкор оммасига етказа олдилар.

¹ Қаранг: Халқ сўзи, 2001 йил, 12 апрель

Учинчидан, улар бош мақсадга эришиш йўлида куришнинг ҳам қуролли ҳаракатга сиёсий раҳбарлик, давлат механизмидан фойдаланиш. Курашни давр ва шароит талаблари асосида уюштириш малакаларига эга бўлдилар, ташкилий жиҳатдан чиниқдилар ва келажак пойдевориға заминига истиқлол ғояси ва мафкурасини ўрнатдилар.

Ватанпарварлик кайфиятидаги жаҳидчи зиёлилар “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол”, “Темур”, “Ботиргапчилар” каби яширин сиёсий партиялар ва шўъбалар сафларида муҳолиф куч сифатида курашдилар.

Мунаввар Қори абдурашидхонов раҳбарлигидаги сиёсий партиялар дастурларида ўлкани мустақил демократик ривожлантириш, туб аҳолининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш вазифалари илшари сурилди ва мазкур муҳолиф ташкилотларнинг ватанпарварлик фаолияти Туркистон халқларига намуна бўлиб хизмат қилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ЎРГАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

1. Каримов И. Юксак маънавият –енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
2. Каримов И. Ўзбекистон 16 йилик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2007
3. Каримов И.А Истиклол ва маънавият. Т.: Ўзбекистон, 1994
4. Каримов И.А Тарихий хотирасиз келажак йўқ, Т.: Шарқ, 1998
5. Каримов И.А Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997
6. Каримов И.А Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан курмоқдамиз. "Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига жавоблар.—Т.: Ўзбекистон, 1999
7. Каримов И.А Жамиятимиз мафкураси халқни –халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998
8. Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳрида Академик драма театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи //Халқ сўзи. 2001, 31 август

II. Адабиётлар

9. Абдуллаев Р.М. Туркестанские прогрессисты и национальные движения // Звезда Востока. Ташкент, 1992. № 1
10. Абдуллаев Р.М. Общероссийские политические организации Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан ...
11. Абдуллаев Р.М. Интеграционные процессы в мусульманском мире и Туркестанские джадиды //Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш ...
12. Абдуллин Я.Г. Джадидизм, его социальная природа и эволюция / Из истории татарской общественной мысли. Казань. 1976
13. Абдурашидхонов Мунаввар Қори. Тошкентда мусулмон жамияти // Самарқанд. 1913, 20 август
14. Абдурашидхонов Мунаввар Қори. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). Тошкент: Шарқ, 2001
15. Абдурахмонова Ж.Н. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатъонлик сиёсати (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида 1925-1941 йил) Тарих фанлари номзоди дисс.автореф. Т.:2002
16. Абдулин Р.Б. Западная школа среднеазиатведения: организационные основы, исследовательская база и историографические направления (1917-1991). Автореферат дис.. канд. ист. наук. Алматы, 2005
17. Авлоний А. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1998.
18. Алимова Д.А. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент: Фан, 1996
19. Алимова Д.А. Мозий истиқлолнинг тарозиси // Туркистон. 1996, 21 апрель
20. Алимова Д.А. Ҳақ олинур, берилмас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997, 14 февраль Алимова Д.А. Бухара конца XIX - начала XX века и зарождение джадидизма // ОНУ. Ташкент, 1997. № 9-10-11
21. Алимова Д.А. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик // Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Тошкент: Фан, 1997
22. Алимова Д.А. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида //Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Тошкент: Эльдинур, 1998

23. Алимова Д.А. XIX аср охири-XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик.// Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т.: Университет, 1999
24. Алимова Д.А. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги қизғилар). Даврий тўплам №1. Тошкент: Университет, 1999
25. Алимова Д.А. Ҳақиқатнинг тугаш манзили // Тафаккур. Тошкент, 1999
26. Алимова Д.А. Единство просвещения, знания и этики поведения // Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 1999. №2
27. Алимова Д.А. Национально-прогрессивное движение джадидизм и его общественно-политическая сущность. Взгляды джадидов на государственность // Очерки по истории государственности Узбекистана. Ташкент: Шарк, 2001
28. Алимова Д.А. Туркистон жадидларининг мусулмон маданиятига оид қарашлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2001. №3
29. Алимова Д.А. Genetic basis of the intellectual and social protest and merge of philosophical ideas of the west and east in views of jadids //Culture in Mind, mind in Culture. Uzbekistan-Korea international Symposium. Tashkent., 2004
30. Алимова Д.А. Бехбуд и его идеи относительно прогресса // Филология масалалари. Тошкент, 2005. № 1(8)
31. Алимова Д.А. Туркестанские прогрессисты и младотурецкое движение: общее и особенное // Взаимоотношения Турции и Центральной Азии в контексте расширяющейся Европы. Материалы международной научной конференции. Алматы: Дайк-Пресс, 2006
32. Алимова Д. История как история, история как наука. Т. II. Феномен джадидизма. Ташкент: Узбекистан, 2009
33. Аъзамхўжаев С.С. Шўрои Исломия асли қандай эди? // Фан ва турмуш. Тошкент, 1992. № 5-6
34. Аъзамхўжаев С.С. Туркистон бирлиги учун. (Мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). Тошкент: Фан, 1995
35. Аъзамхўжаев С.С. Туркистон Мухторияти. Тошкент: Фан, 1996
36. Аъзамхўжаев С.С. Туркистон мухторияти. Тошкент: Маънавият, 2000
37. Аъзамхўжаев С.С. История Туркестанской Автономии (Туркистон Мухторияти). Ташкент: Тошкент ислом университети, 2006
38. Аҳмад С. Мунаввар Қори // Шарк юлдузи. Тошкент, 1992. №5
39. Аҳмедов С., Ражабов Қ. Жадидчилик //Ўзбекистон миллий энциклопедияси (ЎзМЭ).Т.3.Т.:ЎзМЭ нашриёти, 2002.
40. Ахророва Х. Истиқлол фидоийлари. Изларини излайман. Т.,”Шарк”, 1998.
41. Бехбудий М. Танланган асарлар. 2 нашр, тузатилган ва тўлдирилган. Тошкент: Маънавият, 1999.
42. Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. –Тошкент, 1960
43. Ваҳабов М.Г. Формирование узбекской социалистической нации. Ташкент, 1961. 588 с; Ўша муаллиф. О социальной природе среднеазиатского джадидизма и его эволюции в период Великой Октябрьской революции // История СССР. М., 1963. № 2
44. Вахидов Х.Г. Просветительская идеология в Туркестане. Ташкент: Узбекистан, 1979
45. Германов В.А. История Туркестана в условиях политического террора. 20-30-х годов. Ташкент, “Узбекистан”, 2000
46. Зияева Д.Х. Мустақиллик учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан...

47. Зияева Д.Х. Туркистон миллий озодлик ҳаракатида зиёлиларнинг ўрни // Марказий Осиё XX аср бошида: ...
48. Зияева Д.Х. Туркистонда халқ ҳаракатлари ва жаҳидлар. (1916 йил воқеалари мисолида) // Жаҳидчилик: ислоҳот, янгилиниш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш...
49. Инъомов Р. Ўзбек зиёлилари. Тошкент: Уздавнашр, 1926
50. История Узбекской ССР, В 4-х томах. /Отв.ред.Р.Х.Аминова. Ташкент, 1968, Т.IV
51. Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры и науки советского Узбекистана 1917-1953 / Избранные труды. В восьми томах. Ташкент; Фан, 1967, Т.V
52. Козаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века.: Автореф. дисс.... канд. ист. наук. Ташкент, 2001
53. Климович Л. Ислам в царской России. Очерки. М., 1936
54. Мирзаахмедова Г.П., Рашидова Д.А. К изучению джадидского движения // ОНУ. Ташкент, 1990. № 7
55. Мирзаахмедова Г. П., Рашидова Д.А. Джадиды: кто они? // Звезда Востока. Ташкент, 1990. № 9
56. Муминов И. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане конца XIX и начала XX вв. Ташкент, 1957
57. Мухаммадбердиев К.Б. История Хорезмской революции. Т.: Фан, 1986
58. Нажот йўли (Рахбари нажот) /Масъул муҳаррир З.Чориев. Таржимон Ш.Воҳидов. Тошкент: Шарқ, 2001
59. Непесов Г. Из истории Хорезмской революции 1920-1924 гг.Т.: 1962
60. Полвонов Н. Хива жаҳидлари- Ёш хивалиқлар ва Афандиёрхон ўртасидаги муносабатларга янгича мулоҳазалар. // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. Т.: Академия, 2001
61. Ражабов Қ. Ёш бухоролиқлар //ЎЗМЭ.Т.3. Б.494-496;
62. Ражабов Қ. Ёш хивалиқлар.//ЎЗМЭ. Т.3.
63. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск I. /Сост.: Р.Шамсутдинов, Н.Каримов, Э.Юсупов. –Т.: Шарқ, 2005
64. Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX -начале XX века. Ташкент: Фан, 1972
65. Сафаров Г.И. Колониальная революция. (Опыт Туркестана). М.: Госиздат, 1921
66. Тошқулов Д. Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX –первой четверти XX вв. Автореф.дисс.докт.юрид.наук. Ташкент, 1995
67. Тошқулов Ж. Ёш хивалиқлар: сиёсий қарашларнинг тадрижий ривожланиши. //Халқ ва демократия, 1992. №3-4
68. Турдиев Ш. «Берегите мудрецов... » Судьба и смерть Махмудходжи Бехбуди // Звезда Востока. Ташкент, 1991. № 5
69. Турсунов Р.Н. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий қараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари.: Тарих фан. ном. ... дисс. Тошкент, 2006
70. Турсунов И. Истиқлолга интиланган қалблар нидоси. Т.,1993
71. Турсунов И.Й. Ўзбекистон маорифчиларининг истиқлол йўлидаги қураши тарихидан (1917-1930 йиллар). Тарих фанлари доктори илм.дар.олиш учун ёз.дисс.-Т.:1994
72. Туркестанский Г. Кто такие были джадиды. Ташкент, 1926
73. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: Шарқ, 2000

74. Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30-йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлиар фаолияти мисолида). Тарих фанлари номзоди дисс.афтореф.Т.:2004,
75. Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30-йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида). Тарих фанлари номзоди дисс.афтореф.Т.:2004
76. Усмонов И. Катагон қурбонлари. Т.: Ўқитувчи, 1992
77. Узоқов Х. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи (1900-1940 йиллар). Тарих фанлари доктори ил.дар.олиш учун ёз.дисс... Т., 1996
78. Узоқов Х. Қалблар нидоси. Тарихий илмий публицистик очерклар. II жилд. Биринчи, иккинчи китоб. Т.: Адолат, 1997
79. Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы в 1917 –начале 1950-х годов. Автореф. дисс. на соиск. учен. ст. доктора ист.наук. –Т.:2001
80. Ходжаев Ф. К Истории революций в Бухаре. Ташкент, 1926
81. Ходжаев Ф. К Джаиды // Сб. Очерки революционного движения в Средней Азии. М.: Изд-е научной Ассоциации востоковедов, 1926
82. Холбоев С. Мунаввар Қори // Мулоқот. Тошкент, 1997. № 1.
83. Холбоев С. Туркистоннинг буюк уйғониши // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1999, 9 август
84. Холбоев С. Жаидларнинг мустамлака совет тузumi давридаги фаолияти ва тақдири //Жаидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёг учун кураш...
85. Холбоев С. Миллатимизнинг маънавий отаси // Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (Жаидчилик тарихидан лавҳалар), Тошкент: Шарк, 2001
86. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. (Тузувчилар Жўраев Н., Нуруллин Р. ва бошқалар). Т.:Шарк, 2000
87. Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. Шърлар, насрий асарлар, драмалар. Тошкент: Маънавият, 2000.
88. Фитрат А. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Тошкент: Маънавият, 2000
89. Фитрат А. Танланган асарлар. III жилд. Драмалар, мақолалар. Тошкент: Маънавият, 2003
90. Хасанов Мажид. Файзулла Хўжаев. Т., Ўзбекистон, 1990
91. Холбоев С. "Янги тарих" таълимоти. // Халқ сўзи, 2001 йил 22 сентябр.
92. Холбоев С. Жаидчилик ва истибдод (Хоразм республикаси ҳақида). //Ишонч, 1997 йил, октябрь
93. Холбоев С. Миллий университетнинг тарихий илдизлари ва ташкил топиши. Тошкент: Шарк, 2003
94. Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы в 1917 –начале 1950-х годов. Автореф. дисс. на соиск. учен. ст. доктора ист.наук. –Т.:2001
95. Шарафуддинов О. Истиқлол фидойилари. Тошкент: Шарк, 1993
96. Шарафуддинов О. Чўлпонни англаш. Тошкент: Ёзувчи, 1994
97. Шамсутдинов Р.Т. Жертвы репрессии. Андижан, Мерос, 1994
98. Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. Т.: Шарк, 2001
99. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. Андижон, “Andijon-Nashriyot-Matbaa”, 2004
100. Шамсутдинов Р.Т., и др. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск I-V-Т.Шарк, 2005-2009

101. Shamsiddinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. Birinchi, Ikkinchi, Uchinchi kitoblar. T.: Sharq, 2010.-3-nchi kitob
102. Қаранг: История Узбекской ССР в 4-х томах. Иноятов Х.Ш., Житов К.Е., Аминова Р.Х. и др.-Ташкент: Фан, 1967, Т.III
103. Қаландаров Н. Образованне и деятельность ХКП. Т.: Узбекистан, 1975
104. Қаюмов М.У. XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошида Хива хонлигида ижтимоий-сиёсий жараёнлар.: Тарих фан. ном. ... дисс. Тошкент, 2006
105. Қиличев Ф. Зулматдан садолар. Т.: Адолат, 1994
106. Қосимов С. Беҳбудий ва жадидчилик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990, 19 январь
107. Қосимов Б. Жадидчилик. Жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти (давра суҳбати) // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1990. № 4
108. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: Маънавият, 2002
109. Қосимов Б. Фитрат // Санъат. Тошкент, 1991. № 12
110. Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. Бухоро, 1996
111. Қосимов Б. Жадидчилик ва янги ўзбек адабиёти // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгилаш, таракқиёт ва мустақиллик учун кураш (Жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Тошкент: Маънавият, 2001
112. Ғуломов Я.Ғ., Набиев Р.Н., Ваҳобов М.Ғ.. Ўзбекистон ССР тарихи (бир томлик).-Т: Фан, 1958

III. Хорижий адабиёт

113. **Cokay M.** Turkistonda con terror mesullari //Yash Turkistan. 1935
114. **A.Z.V.Togan** “Bugunku Turk ili Turkistan ve yakin tarihi” Istanbul: 1981
115. **Oktay.** Turkistanda yashirin milli uyushmalari. //Yash Turkistan. 1936
116. **Yassavi S.** Turkistan acciq haqiqatlari, 2-baski. -Istanbul: 1984
117. **Dr. Baymirza Hayit.** “BASMACILAR” Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917-1934) –Ankara: 1997

VI. Даврий матбуот

118. “Халқ сўзи” газетаси 2001 йил, 31 август.
119. "Халқ сўзи" газетаси 2001 йил, 12 апрел.
120. “O'zbekiston ovozi”, 1996 yil, 24 fevral

V. Архив ҳужжатлари ва материаллари

121. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск I. /Сост.: Р.Шамсутдинов, Н.Каримов, Э.Юсупов. –Т.: Шарқ, 2005
122. Юсупов Э.нинг шахсий архиви материалларидан
123. Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Документы и материалы / Сост.: Шамсутдинов Р. Юсупов, С.Хошимов, Э.Дусматов. Андижан: АндГУ, 2007

VI. Интернет материаллари

124. www.ziyouz.com/index.php?option=com_content&task
125. Forum.ziyouz.com/index.php?topic=3783.120;wap2
126. Turklib.uz/?category=general_history-bio...munavvar
127. Greylib.su/?category...milliy_uygonish_davti_ozbek_adabiyoti
128. www.sales.uz/files/Kirish.doc

129. [Uz.wikipedia.org/wiki/Fayzulla_Xo'jayev](https://uz.wikipedia.org/wiki/Fayzulla_Xo%27jayev)

ТУРКИСТОНДА ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИ

“Тарих –варақлари йўқолган китобга ўхшайди”. Ҳозирги тарих китобларимиз билан танишиб чиққан киши япон адиби Акутагава айтган бу пурмаъно фикрнинг тўғрилигига имон келтиради. Унинг атайин йўқолтилган саҳифаларидан яна бири – ўлкамиз тарихининг муҳим ҳужжатлари бугун журналхонлар ҳуқида.

Нима учун атайин йўқотилган? Сталинизм ва янги сталинизм даврилари “совуғи”, қайта қуриш ва чинакам халқчиликка қариш кучлар жамият “иқлими”га салбий таъсир кўрсатиб келаётган бир пайтда ва ўтган йиллар мобайнида совет системаси уддасидан чиқа олмаган долзарб масалалар кўрилган бу ҳужжатларни ўз кўзларимизга ишонмай (наҳотки шундай халқчил давлат тузумини ўзимизжа 1917 йилда боболаримиз ишлаб чиққан бўлса?!), ҳаяжонланиб ўқиб чиққан бир вазиятда, Биз “Атайин йўқотилган” сўзи нималигини ҳар қачонгидан чуқурроқ англатишимиз зарур!

70 йилликдан ортиқ ўтган даври тарихи сабоқлари бизни бунга дават этади. Зеро шунча йил муқаддам Туркистонда қонуний халқ жумҳурияти мухторияти ноқонуний равишда тугатилди. (Бу мавзуларда ойномамизнинг келгуси сонларида туркум мақолалар ёритилади).

Бугунги жумҳуриятимиз қозонда эмас, амалда чинакам мустақиллик йўлини белгиланган экан, ўтмиш жамиятимиз оқиллари ижтимоий тафаккури тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳам фарз, ҳам қарзлигини унутмаслигимиз зарур.

Агар қўйида эътиборингизга ҳавола этилаётган Туркистон мухторияти маромномасида кўзга тутилган (бизнинг бугунги муаммолар билан ҳамоҳанг, кўп жиҳатдан мушатарак) масалалар миллий ҳукумат томонидан ўз пайтида ҳал этилганда (бунга имкон берилганда). Туркистон халқлари ҳозиргидек инқирозга юз тутмаган ўлкамиз аср бошларида тараққиёт даражаси биз билан тенг бўлган япония, баъзи бошқа Осиё ўлкалари каби ҳозир дунёдаги энг илгор мамлакатлар сафидан жой олган бўлур эди. Бунга асло шубҳа йўқ, чунки бизнинг салкам бир ярим асрдан буён таланиб ётган табиий бойликларимиз ҳам етарли, дунёга довруғ таратган олиму фузало, санъаткору ҳунар аҳлини етказиб берган истеъдодли халқримиз ҳам, маромномадан кўриниб турибди –доно ва инсонпарвар раҳбарлик ҳам кейинчалик Туркистон ўлкасини гуллашиб-яшинатишга, чинакам халқчил, адолатпарвар, мустақил бир давлатни бунёд этишга қодир эди.

Биз, собиқ туркистонликлар, кўп нарсаларни, кўп имкониятларни қўлдан бой бериб келаётимиз албатта, ўзихтиёримиз билан эмас), буёғига йўқотадиганимиз кўп эмас, буёғига ўз танзимизга ўйлаб иш қилишимиз керак. Ҳозир 1917 йилдан кейин таърих Туркистон халқлари –яна бир бора сиёсий, маънавий ва иқтисодий мустақиллигини қайта тўлиқ тиклаш имкониятига эга бўлмоқда. Биз бугун қайси йўлдан борамиз, қайси яроқсиз давлат бошқарилиши унсурларидан бир йўла воз кечамиз, Шарқ ва Ғарбнинг қайси мутараққий анъаналарини ўзлаштирамиз, қачон ва қай тарзда ўз ўлкамиз –ўз хонадонимизнинг қонуний меросхўр фарзанди бўламиз –шу каби фикр-мулоҳазалар бугун ҳар биримизни ўйлантиниши ва ижтимоий фаолликка ундаши зарур.

1917 йили Тошкентда машҳур Фуломҳасан Орифжонов босмахонасида литография усулида рисола ҳолида чоп этилган ушбу маронома ва низомхона билан бугунги тараққиёт нуқтаи назари-ла танишув ҳозирда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш, тенг ҳуқуқли миллатлар федерациясини яратиш учун курашнинг тарихий илдизларини чуқурроқ ўрганишга, қайта идрок этишга яхши имкон беради.

ТУРК АДАМИ МАРКАЗИЯТ (ФЕДЕРАЛИСТ) ФИРҚАСИНИНГ МАРОМНОМАСИ

Ихтори махсус. Туркистонда мухторият ва федерация идорасини вужудга чиқармоқ учун бирдан бир чора Туркистонда қувватли бир адами марказият (федералист) фирқаси ясамов эдугунда шубҳа йўқдур. Мана шу амали марказият фирқаси ҳар ерда ташиқил қилинуб, яъзо қабул эта боилади. Туркистон учун миллий ва маҳаллий мухторият истагон ҳар бир мусулмоннинг шул фирқага аъзо бўлуб кирмоғи ва қўлдан келгунча шулни тақвия ва таъмиясига хизматқилмоғи лозимдур.

1. Давлат ва мухторият ташиқилоти. Фирқанинг мақсади: I-Русия маҳаллик ва миллий адами марказият (федерасия) асоси узра халқ жумҳурияти ташиқил этмакдур.

2. Фирқа Туркистон, Қирғизистон, Қофқоз ва Бошқирдистон қитъалари (ўлкалари) учун ва бошқа миллий ва маҳаллик мухтория, Идил бўйи ила Қрим тоторлари учун ва бошқа, Русия яшайдургон турк қавмлари (халқлари) учун миллий мухторият талаб қиладур.

Қайд: Бошқа мусулмон ватандошлар ҳам ўзлариғга мухторият талаб қилсалар, фирқа онларга ҳам ҳар жиҳатдан ёрдам берадур.

3. Мухториятли қатъаларда очиладургон мажлис мабъусонга (депутатлар палатаси) маҳаллий идораларга ва бошқа бутун ташиқилотғна сайланадургон аъзолар умумий, баробар, ёширин ва бевосита сайлов усули ила сайланадур.

4. Миллатнинг йигирма ёшига ётуб, аҳлият пайдо қилгон ҳар бир фарди: эр бўлсун, хотун бўлсун –синф, дин ва мазҳаб айирмасига боқмасдан сайламак ва сайланмак ҳақина моликдур.

Қайд: Мусулмон хотунларнингсайловга иштироклари доираи шаърия дохилинда (шариат доирасида) бўлур.

5. Юқорида мазкур барча мухторият қитъалар марказий ҳукумат или ватан мудофазис ул чиқармак, бож ва хорижий ҳукуматлар ила муносабатда бўлмақ хусусилдарида алоқа ва иртиботини (боғлиқни) муҳофаза қилур.

6. Мухториятли қитъалар дохилий масъалалар (идорий, молий, шаърий, маданий, адлик ва маориф ишлари)да мустақилдур.

7. Ҳар бир мухториятли қитъанинг марказида, қонун ясайдургон бир мажлиси мабъусон ва ул қонунни ижро қиладургон бир ҳайъати вукало (вакиллар хайъати) бўлур.

8. Ҳар бир мухториятли қитъанинг маҳаллий ишларда кенг имтиёз ва ҳуқуқларга молик вилоят (область), санжож (уезд) ва ноҳия ноҳия (участка)ларга бўлунур.

9. Ҳар бир мухториятли қитъаларнинг расмий тили аксар халқнинг сўйлагон тили ва шеваси бўлмақ ила баробар вилоят ва санжожларда ерли халқнинг сўйлашадургон тил ва шевалари ҳам истеъмол қилинур.

10. Ҳар бир мухториятли қитъаларда ватан муҳофазаси учун халқ милитсияси ташиқил қилинуб, ҳозирги ташиқилоти аскария (ҳарбий ташиқилотлар) усули битирилур.

II. Миллий масъалалар. 1. Русияда яшайдургон турк миллати нажибасининг (туб миллатнинг барча қавмларига оид умумий масъалаларни ҳал ва тавсия қилмақ учун миллий ва маданий иттифоқ ташиқил қилинур.

2. Бу иттифоқнинг қаю тариқада ясалмоғи, ҳуқуқ ва вазифалари мухториятли қитъаларнинг биринчи қурултойида таъйин қилинур.

III. Диний масъалалар. 1. Ҳар бир мухториятли қитъада холис диний ишларни қарамоқ учун марказда маҳкамаи шаръя (шариат маҳкамаси) ва вилоятларда онинг шўбалари ва ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва элларда қозихоналар очилур.

2. Русияда яшайдургон бутун мусулмонларнинг қавмият ва мазҳабларини айирмасдан, диний масъалаларини ҳал ва тавсия қилмоқ учун сайланмин бир шайхулислом таҳти раёсатинда борча мусулмон қитъа ва миллатининг вакиллари мураккаб бир хайъати диния қурилур. Бу ҳайъатга турк бўлмагон мусулмонларнинг ҳам вакиллари иштирок қилур.

3. Вакиллар сайлангонда ҳар қитъанинг нуфуси (аҳолиси) эътиборга олинуб, вакиллариининг адади нуфусига қараб таъин ўлинур.

IV. Мухториятли қитъаларда аҳлият (фуқаролик) ҳуқуқи. 1. Жумла аҳоли, қайси дин ва қайси мазҳубда бўлса ҳам, қонун қошида баробар саналур.

2. Хуррияти виждон (виждон эркинлиги) том маъноси-ла ижро қилинуб, аҳолидан ҳеч ким дини, мазҳаби ва эътиқоди учун таъқиб ва тазйиқ қилинмас.

3. Дин ва мазҳаблардан ҳеч бири ҳукумат тарафидан бошқаларига таржиҳ қилинмас (ортиқ кўрилмас).

4. Ҳар ким ўз фикрини, ҳаёлини сўйламакда, матбуот ва бошқалар воситаси ила наишр ва эълон қилмоқда ихтиёрлидур.

5. Уй ичларида бўлсун, очикда бўлсун, истагон масъалаларини музокара ва ҳал этмақ учун ҳар кимнинг йигилиб, ижтимоъ ясамоқга (йигилмоққа) ҳаққи бордур.

6. Жамъият ёки бир иттифоқ ясамоқ учун ҳеч кимдан рухсат сўрамакга эҳтиёж йўқдур.

7. Хуррияти шахсия ва муҳофазати байтия (оила муҳофазаси) тамомила татбиқ қилинуб, тевушли маҳкамаларнинг қароридан бошқа, бировнинг уйига кируб тантимақ, хат ва китобларни қарамақ мумкин эмасдур.

8. Қамалгон ҳар кишини йигима тўрт соат ичида тевушли маҳкамага топишурилмоғи лозимдур.

9. Поспорт усули битирилуб, гоҳ мамлакат доҳилинда ва хоҳ хорижанда ўлсун, ҳар ким хоҳлагон ерига ҳеч кимдан сўрамасдан кетмоққа ҳақлидир.

10. Юқорида, мазкур барча аҳлият ҳуқуқи асосий қонунга доҳил бўлиб, мудофаа ва муҳофазаси маҳкамаи олияларга ҳавола қилинур.

V. Фирқа борча солиғларни битируб ва барҳам беруб, фақат ер, сув ва тижорат (савдо-сотик) даромадлари ва бошқа шаръий йўллардан солиғ пули олмақ тарафдорлирдир. Бу солиғнинг миқдори даромаднинг ортмоғига қараб миқдор ва ҳам фойдада ортуб борадур.

2. Фирқа ҳунар ва деҳқончиликга керакоик асбоб ва мошиналарнинг ва аҳоли тарафидан ишлатиладургон биринчи зарурий нарсаларнинг кўк ва арзон бўлмоғлиги учун бож солиқғининг озайтирмоғини талаб қилур.

VI. Ер масъаласи. 1. Фирқа подшоҳлик мулкларини ва подшоҳнинг хусусий ерларини ва кнозлар хонадони махсус ерларини(нг) борчасини бадалсиз (ҳақ тўламай) мусодара қилинуб, ҳосил мажмуъидан лозим миқдорича экинчилик ила машғул бўлгон маҳаллик халқга сотмақ ёки ижорага бермкк тариқи ила тақсим этилуб, ер берилишини лозим топадур.

Хусусий ерлар тўғрисида. 2. Туркистон қитъасидан бошқа бутун Русия вилояти ўзларига махсус қандай бир қонун қабул этса, мухтордурлар. Аммо Туркистонда ҳаддан зиёда хусусий мулкига молик, пайишчик ва олповитлар кўп бўлмагон сабабли Туркистондаги хусусий мулклар, ҳозирда ўз эгаларининг тасорруфида қолуб турурлар.

3. Баъзи ҳаводислар (ҳодисалар) сабабли (Мингтепадаги Эшон воқеаси каби) жамоат кўпидан жабран мусодара қилинуб, бошқаларга мақсим қилингон ер ва қишлоқларни аввалги эгаларига қайтармоқга ҳаракат қилинур.

4. Ҳукумат ёки жамоат тарафидаги мусодара қилингон вақфларнинг борчасини вақфномага мувофиқ аслига қайтармақ учун тевушли тадбирларга ҳозирдан бошлаб киришур.

VII. Ишчилар масъаласи. 1. Фирқа ишчиларининг иттифоқ ва жамъиятлар барқо қилмоқдарига ва, лозим кўрилганда, умумий ва хусусий суратда иш ташламоқ воситаси-ла ўз ҳуқуқларини мудофаа қилмоқларига монё бўлинмас.

2. Ишчиларга махсус қўйилмиш қонун ва имтиёзларнинг хусусий хизматкорларга ҳам шомил (тегишли) бўлмоғини ва ишчиларнинг ҳуқуқини мудофаа қиладургон қонунларнинг ижросига боқадургон доирада ишчи вакиллариининг ҳам иштирок этмакларини талаб қиладур.

3. Ишчи хотун ва болаларнинг ҳуқуқларин муҳофаза этмак ва сиҳҳатларига зарурли ишлардан бутун ишчиларнинг хусусий қонун ва қоидалари ила идора этилмоғи матлубдур.

4. Хусусий қонун ва қоидалар таҳтига (таркибига) киритилмаган сармоядорлар била ишчилар орасида чиқадургон баъзи бир жанжал ва низолар ҳар икки тарафнинг вакилларида ташиқил этилмиш хайъат тарафидан ҳал қилинур.

5. (1) Ўз ишчиларини истиҳоқойт (страхованик-социал сугурта) қилдурмоқға сармоядорларнинг ҳукумат тарафидан мажбур қилинмоғини, (2) қарилик ва заифликдан мудом оғиз қолгон ишчиларнинг давлат ҳисобидан истроховойт қилдирулмоғини ва (3) ишчиларга махсус қонунларнинг бузилмаслигини қонун ила муҳофаза қилинмоғини талаб қиладур.

VIII. Адлия масъаласи. I. Маҳкамаларнинг ёлғиз қонун ва шариятга тобеъ бўлуб, ҳар зил мудохилотлардан ва ташиқари кишиларнинг халали ва анга қотишмоқларидан (аралашмоқларидан) холи бўлмоғи лозимдур.

2. Тевушли маҳкамаларнинг қарори қонунан тасдиқ этилмасдан ҳеч бир киши жазоланмас.

3. Хайъати ижроия тарафидан ҳакамларнинг таъйини, азли (бўшатилиши), насби (тикланиши) ва ҳам табдилига (алмаштирилиши), хусусан маҳкамалардааги ишларнинг боришига ҳеч бир баҳона ила мудохила (дахл) қилинмас.

4. Жазолар маирута (конституция) усули ила , яъни маслиси мабъусон тарафидан чиқарилган қонунга мувофиқ бўлур.

5. Истинтоқ (тергов) исносинда мудофаа вакил (адвокат) тутмоқ усули қабул этилур.

6. Жиноят маҳкамалари ёлғиз иккига айрилур. Бири бидоят (бошланғия) маҳкамасики, хкамалари халқ ва жамоат тарафидан сайланур. Дигари мумаййиз (бошқа ажратилган) ҳакамларга молик истиноф маҳкамасики, бидоят маҳкамасининг ишларини ҳақиқат ва тамйиз (ажрим) этар.

XI. Маориф ишлари.

Маориф ишлари адами марказияти аном усулига мувофиқ қонун узра таъсис ва ташиқил қилинур.

1. Илм ва маориф ишларида жумла аҳоли, дин ва миллатга ойирилмасдан, эркак ва хортунлар баробардур.

2. Макотиб (мактаб) ишларинда хусусий шахсларнинг ғайрати ва маҳаллий идораларнинг ташиббуси ила ишланмиш ишларда ҳеч вағж (сабаб) ила таҳдид қилинмас.

3. Тадрисот (дарслар)нинг озод ва сарбаст (эркин ва боғлиқ) ўлмоқлиги лозимдур.

4. Макотиб орасида иртибот (боғлиқликлар) бўлуб, ибтидоийлардан (бошланғич мактаб) рашидийларга (тўлиқсиз ўрта мактаб), рашидийлардан аъдодийларга (ўрта мактаб) ва аъдодийлардан олийларга (олий мактаб) қулайлиқ ила талабалар қабул қилинадургон усулда бўлур.

5. Дорилфунун ва бошқа олий мактаблар жумласи дохилий (ичик) ишларида ихтиёрли ва тадрисотда озод бўлурлар.

6. Олий мактабларнинг авом орасида илм ва маданият хусусиндаги ҳаракат ва ташиббусларига мумонеъат (монелик) қилинмаюр.

7. Маҳаллий идораларнинг таълим ва тарбия хусусиндаги ғайрат ва ҳаракатларига мумонеъат кўрсатилмайлур.

8. Таълими ибтидоийнинг умумий, мажжонний (беул) ва мажбурий бўлмоғи керакдур.

9. Маҳаллий идоралар тарафидан катта ва буюклар учун очиладургон мактаб, кутубхона ва қироатхона ишларига кенгчилик берилур.

10. Ҳунар ва саноеъ (санъатлар) тараққийсига ғайрат ва ташиббус этилмоғи керакдур.

11. *Ибтидоий ва аъдодий мактабларда тадрис тили (дарс) ҳар бир мухториятли аёлат (мухтор вилоят)нинг аксарият аҳолисининг сўйлайдургон тили ва шевасида ўлур.*

12. *Рашидий ва аъдодий мактабларда рус тили ва умумий турк шеваси лисон ўлунуб, дарс берилмоғи мажбурий ўлур.*

13. *Олий мактабларда жумла туркларнинг умумий адабиё тили ва шеваси илан дарс берилур.*

14. *Қирқ бола йигилса, ақаллиятда (озчиликда) қоладургон миллатлар учун очилмиш ибтидоий (усул) мактабларда дарс ўз тилларида ўқулмоғи мажбурийдур.*

15. *Етарлик даражала талаба бўлур эса, ақаллият ташикл қилгон миллаъ болалари учун тадрисот (дарслар) ўз тилларида бўлмақ шарти ила рашидий ва аъдодий мактаблари очилур.*

Маромномада баён қилинган жумла мақсадоарга етишмак учун фирқа авалан жаноби Ҳақга ва сониян (иккинчидан) тамоми меҳнаткаш ва миллатпарвар ватандошларга суялуб ва така қилур.

Сўнг.

ТУРК АДАМИ МАРКАЗИЯТ ФИРҚАСИНИНГ НИЗОМНОМАСИ

1. *Турк адами мараказият фирқасининг мақсади Русиядан мухторияти маҳаллий ва миллий асоси узра жумҳурият аном (халқ жумҳурияти) ташикл этмакдур.*

2. *Фирқанинг мақсадига хизмат этмакни хоҳлаган ҳар бир мусулмон, хоҳласа эркак, хоҳласа хотун, ҳар қайси маслаш ва синфдан бўса бўлсун, шифоҳий (огзаки) ёки таҳририй (ёзма) сурадда аъзолиқни хоҳласа, ушбу вақф фирқанинг икки аъзосининг шаҳодати (гувоҳлиги) ва ҳайъати идоранинг тасдиқи ила қабул қилинур.*

Қабул қилинган аъзолар фирқанинг низономасига ва жамъиятларининг қарорина тобеъ ўлур.

3. *Ҳар бир қитъадаги идораи марказиялар, вилоят идоралари, фирқанинг бошқа шўъбалари ва лозим топса, идораи марказия тарафидан кўндирилмиш ҳар бирлари аъзо қабул қила олурлар.*

Қайд: Фирқанинг мақсади маълум бўлгон ҳар бир жойда, майл ва орзуси бир тўдалар мавжуд бўлганда, у ердан ташикилот қўмитасини таъсис этуб, марказий идорага эълон қилиб, марказий идора орасида алоқа ва иртибот амалга кетирилсун.

4. *Фирқанинг зарарига ва зиддига тўғридан тўғри ва ё восита илан иш кўргон аъзолар ҳайати марказия тарафиндан қатъ ва қарор ила фирқа аъзолигидан чиқарилур. Агар чиқарилмин аъзо ҳайъати марказия қарорига рози бўлмаса, умумий қурултойга арз қила олур. Надванинг (умумий мажлис) қарори қатъийдур.*

5. *Ҳар аъзо муайян вақтларда жамъиятнинг таъйин этдиги миқдорда фирқа сандуқига аъзолик ҳақи верур.*

Қайд: Аъзо ёзилмоқни хоҳлаган киши аъзолиқга кирмак учун бир сўм бермоғи лозимдур.

6. *Фаирқанинг умумий йигин (надва)лари йилда бир мартаба идораи марказиялар (марказий идоралар) тарафидан чиқарилур.*

7. *Қитъа доҳилида чақириладургон умумий надвалар фирқанинг қилар ишларини таъйин жтур, идораи марказия интихоб фирқалур (сайлар), мадохил ва масориф ваажҳларини (кирим ва чиким маблағларини) тасдиқ этур ва фирқага оид бошқа масъалаларни халқ қилур.*

8. *Умумий қурултойлар ҳайъати марказия аъзоларидан вилоят қўмиталари ва бошқа маҳаллий ташикилот намояндаларидан ва надванинг маслаҳати ила идораи марказия тарафидан чақирилмин аъзолардан ташикл қилинур.*

9. *Намояндаларнинг адади ҳайъати идора тарафидан таъйин қилинур. Ҳайъати идора маърифати илан чақирилган аъзоларнинг адади қурултойга иштирок этган умумий намояндаларнинг ўндан биридан ортиқ бўлмаслиги лозимдур.*

10. Қитъа доҳилинда фирқа ишларига ва матбуотига назорат этмоқ бутун фирқа номидан расмий эълон ва баёнот бермак, хазина идораси бу вазҳ (маблаг) лойиҳасининг тартиби идораи марказияга тевушлидур.
11. Ҳайъати марказиялар қитъа қурултойлари тарафидан ёширун товуш ила жамъиятда мавжуд аъзолардан бир йил муддатига сайланур. Ҳайъати идора аъзоларининг ададини надва таъйин қилур.
12. Ҳайъати марказияни надваларнинг таъйин этган шартлари ила ёки идора аъзолари чақирмоқга мухтордур.
13. Маҳаллий ташиқило қандай сурада иш кўрмакларини ва қайси йўлда идора ташиқил этмакларини қурултойлар тарафидан манъ қилинмагон усуллар ила ўзлари таъйин қилурлар.
14. Вилоят доҳилинда фирқа аъзоларини, фирқа ишларини идора этмак учун вилоят қўмитаси ташиқил қилурлар.
15. Вилоят қўмитаси аъзолари вилоят қурултойи тарафидан бир йил муддатига сайланур.
16. Вилоят доҳилинда надвалар чақирмак маҳаллий қўмитаси тевушлидир.
17. Вилоят қўмитасининг муносиб ва салоҳ кўрушига шаҳар, санжож ва ноҳия қўмиталари ташиқил этмак мумкиндур. Бу қўмиталарнинг орасидаги муносабат вилоят қурултойи тарафидан таъйин қилинур.
18. Фирқа аъзоларнинг одати юзга қадар етгунча фирқа ташиқилот ҳайъати тарафидан идора ўлинур. Юз нафар аъзо йиғулондан сўнгра мажлиси муассисон (таъсисчилар мажлиси) чақирилуб, ёширун сайлов ила идора ҳайъати таъйин қилинур.
Қайд: Биринчи идора сайловчида ҳайъати идора аъзоларининг ярмиси ташиқилотдан ўлмоғи керакдур.
19. Бутун Русияда мавжуд фирқаларнинг фаолият ва ваъиятини таъйин ва тасдиқ этмак учун йилда икки мартабадан ка бўлмаслик шарти ила жумла қитъада ва идораи марказия вакилларида ташиқил бир қўнгра (зўр жамъият) (конгресс)лар чақирилур.
20. Биринчи қўнгра Тошканд идораи марказияси тарафидан чақирилуб, кейин воқеъ бўладургон ижтимоъларнинг даъвати қўнгра тарафидан иккинчи идори марказиялардан бирига ҳавола қилинур.
21. Идораи марказиялар қўнграи лозим билар эмас, бутун Русияда мавжуд фирқанинг умумий ишларини идора этмак учун умумий бир идораи марказия таъсис қилур.
22. Ушбу маромнома ва низомномани такмил ва такҳиҳ этмакга умумий қурултойнинг ихтиёри вордур.

Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромнома ва низомномаси. Бу қонунни бирлашуб ёсовчи зотлар:

Мулло Камолуддин қози домолла Раҳмонбердиўғли. Хўқанд.
Мулло Муҳиддин, маҳдум аълам мулло Муҳаммад, Андижон.
Мулло Боқи охунд доумлла Одилбой ўғли, мударрис. Андижон.
Мулло Нуриддин аълам Йўлдошхўжа эшон ўғли, Андижон
Мулло Муҳаммаджон бойбача Камолжонбоев, тужжор. Андижон
Мирза Абдулқодирбек Мирзоаҳмад Қўшбегиюф, Андижон.
Мулло Обиджон Маҳмудуёр, тужжор, Хўқанд
Мир Одил мирзо Аҳмад ўғли, тужжор, Скобилуф.
Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Тошканд
Мулла Маҳмудхўжа Бехбудий, муфтий, Самарқанд.
Абулқосим Муҳаммад Аминзода.
Муҳаммад Амин афандизода– Қофқоз уламоларидан.
Садриддинхон маҳдум Муҳаммад Шарифхўжа қози ўғли, Тошканд
Мулло Мир Абдуллаҳ мулло Шоҳмирзо охунд ўғли, аҳли талаба, Тошканд.
5 зулқаъда 1335 ҳижрий
Сана сана
11 сунбула (11 сентябрь) 1917 милодий

“Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзолари

1. *Муҳитдин-хўжа Шамси Хўжаев*
2. *Обид хўжа Шариф Хўжаев*
3. *Мансур хўжа Шариф Хўжаев*
4. *Носир хўжа Шариф Хўжаев*
5. *Усмон хўжа Тўхта Хўжаев (Саидов)*
6. *Абдуқайюм хўжа Алимов*
7. *Абдулхай Тожиёв*
8. *Исрамлижон Ибрагимов*
9. *Ирджан Хошимжонов*
10. *Юсуфбек Ташмуҳаммедов Қурманбоев*
11. *Ғофуржон Мусахонов*
12. *Мирзарахмон Мусахонов*
13. *Мирза-Раҳим Мусахонов*
14. *Ишанджан Ҳазрат*
15. *Саид афанди Ахрори*
16. *Хайдар Шауки*
17. *Хатиб зода*
18. *Лутфулла қори Халбуллаев*
19. *Акбар Асрари*
20. *Ёқуб хўжа Бахрихўжаев*
21. *Акбар Акрамов*
22. *Мир Гайдт Содиқов*
23. *Яхё хўжа Саидов*
24. *Кабир Бакир*
25. *Санжар*
26. *Саъдулла қори Муҳаммедов*
27. *Нугмат Мусаев*
28. *Юсуфжон Исоқжонов*
29. *Тўлаган хўжа Мияров*

30. Абдураззоқ Нунчи
31. Шокир қори Абдураззоқов
32. Мухитдин қори Шарафутдинов
33. Маннан Мажидов
34. Маърифжон Бобохонов
35. Эргаи Нурмуҳаммедов
36. Усман Мусахонов
37. Юсуф Алиев
38. Фитра
39. Тангриқул хожи Мақсудов
40. Маиджонов Тусожон Йўлдошев
41. Лазиз Азиззода
42. Раҳим Иноғомов
43. Муса Ҳакимов,
44. Қори Йўлдош Пўлатов
45. Абдурашид Мукамилов,
46. Саттор Хўжаев
47. Муинжа Аминов
48. Ота Хўжаев
49. Сайдулла Турсун Хўжаев
50. Мунаввар Қори Абдурашидхонов
51. Файзулла Хўжаев
52. Хўжа Сафо Жўрабоев
53. Абдуқодир Қушбегиев
54. Салимхон Тиллахонов
55. Миён Бузрук Солихов
56. Қосим Қори
57. Муҳаммад Назарий
58. Исмоил Садрий
59. Акмал Икромов
60. Абдулхай Тожиев

61. *Отажон Хошимов*
62. *Абдуллажон Киринов*
63. *Абдулла Мустакоев*
64. *Ходи Файзи*
65. *Воис Рахимой*
66. *Мақсуд Ходиев (Боту)*
67. *Маннон РАмзий*
68. *Боис Қориев (Олтой)*
69. *Саидахмад Назиров*
70. *Халим Юнусов*
71. *Бўлат Солиев*
72. *Саид Аҳмад Назиров*
73. *Абдурахмон Соадий*
74. *Ғози Ҳалим Юнусов*
75. *Абдулла Мутақоев*
76. *Абдулла Алави*
77. *Рамзий*
78. *Боис Қориев¹*

¹ Тарихнинг номаълум саҳифалари. Иккинчи ва учинчи жилдлар.